

Ушбе 2

34

9-23

**Ўзбекистон Республикасида
фуқаролик қонунчилигини
долзарб масалалари**



ТОШКЕНТ-2009

5 NB-2
10p-3
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАЎСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРАЛИГИ

Мирзо Улуғбек номидаги
Ўзбекистон Миллий университети

Ҳуқуқшунослик факультети
«ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ» кафедраси

Ўзбекистон Республикасида
фуқаролик қонунчилигини
долзарб масалалари

(Илмий тўплам)

Ушбу илмий мақолалар тўплами ҳуқуқшунослик факультети Илмий Кенгашининг 10.03.2009 йилдаги № 6 – сонли баённомаси билан нашрга тавсия этилган

Таҳрир ҳайъати:

проф. Б.Б.Самархўжаев
проф. Ш.Н.Рўзиназаров
доц. А.М.Бурханова
доц. В.Р.Топилдиев
ю.ф.н. Г.Худойбердиева

Масъул муҳаррир:

проф. Б.Б.Самархўжаев

Ушбу илмий мақолалар тўплами Ўзбекистон Республикасида фуқаролик қонунийлигини янада такомиллаштириш уларни ўзига хос усуллари ва методологик асосларини моҳияти тўғрисида бўлиб бу илмий тўплам ҳуқуқшунослик факультети профессор – ўқитувчилари, магистр ва иқтидорли талабаларининг ижод маҳсулидир.

Илмий тўпладан юридик олий ўқув юрталарининг талабалари, аспирантлари, тадқиқотчилари ҳамда шу соҳа билан қизиқувчилар фойдаланишлари мумкин.

Сўз боши

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий мақсадларидан бири бозор иқтисодиёти қонуниятларига асосланган янги иқтисодий муносабатларни вужудга келтириш ва уларни илмий ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган қонунчилик базасини яратиш ҳисобланади.

Ўтган давр мобайнида республикамызда бозор қонуниятлари билан уйғунликда бир қатор янги иқтисодий—ҳуқуқий механизмлар вужудга келдики, бу муносабатлар мамлакатда бирликдорликни ривожлантириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, субъектларга тегишли ҳуқуқларнинг амалга оширилишини ҳуқуқий жиҳатдан кафолатлашга қаратилди. Бу ҳолат айниқса, бозор муносабатлари ривожланган шароитда амал қилиши лозим бўлган иқтисодий—ҳуқуқий муносабатларнинг республикамызда жорий қилиниши билан боғлиқ бўлди. Шу муносабат билан 1997 йил 1 мартдан амалга киритилган Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига бир қатор янги, ривожланган бозор муносабатлари шароити учун хос бўлган ҳуқуқий нормалар киритилди. Бу эса Президентимиз И.А.Каримов таъбири билан айтганда, жаҳон хўжалик алоқаларига қўшилишнинг асосий шарти сифатида умум қабул қилинган норма ва қоидаларга кўпроқ яқинлашишга интилган ҳолда, республиканинг ўз ҳуқуқий асосларини яншлаб чиқишда унинг ижтимоий—иқтисодий ва миллий ўзига хос хусусиятлари иложи борича тўла ҳисобга олинishi кераклигига асосланади.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида таъкидланганидек, «Инсон, унинг ҳар томонлама уйғун камол топиши ва фаровонлиги, шахс манфаатларини рўйга чиқаришнинг шароитларини ва таъсирчан механизмларини яратиш, эскирган тафаккур ва ижтимоий хулқ атворнинг андозаларини ўзгартириш Республикада амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг асосий мақсади ва ҳаракатлантирувчи кучидир. Халқнинг бой интеллектуал мероси, умумбашарий қадриятлар асосида, замонавий маданият, иқтисодиёт, фан, техника ва технологияларни ютуқлари асосида кадрлар тайёрлашнинг мукамал тизимини шакллантириш Ўзбекистон тараққиётининг муҳим шартидир»¹

XXI асрда Ўзбекистон таълим тизимини ислоҳ қилиш ва такомиллаштириш устивор вазифалардан биридир. Бу эса ҳуқуқшунос олимларимиз зиммасига тегишли ҳуқуқ соҳалари бўйича илмий тадқиқотларни ҳозирги давр талаби ва илм—фаннинг сўнгги ютуқларини ҳисобга олган ҳолда олиб бориш вазифасини юклайди.

Ушбу илмий тўплам Президентимиз И.А.Каримовнинг мамлакатимиз ижтимоий–иқтисодий ривожланишининг туб муаммолари, уларни ҳал этиш йўллари ва усуллари баён этилган асарларидан, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясидан, Фуқаролик кодексидан, бозор иқтисодиётини янада такомиллаштиришга қаратилган амалдаги қонулар, фармонлар, фармойишлар ва қарорлар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тайёрланган.

Ушбу илмий тўпламдан юридик олий ўқув юрталарининг талабалари, аспирантлари, тадқиқотчилари ва шу соҳа билан қизиқувчилар фойдаланишлари мумкин.

Б.Б.Самарҳўжаев
ю.ф.д. профессор

В.Р. ТОПИЛДИЕВ
ю.ф.н. доцент

НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ЮРИДИК ШАХСЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БЎЙИЧА ТАЪСИС ШАРТНОМАСИ: НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ

Ўзбекистонда амалга оширилаётган туб ўзгаришлар, нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштиришни, уларнинг иш самарадорлигини ва мавқеини оширишни тақозо этмоқда. Зеро, нодавлат нотижорат ташкилотлари биз интилаётган демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг устивор асосларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов таъкидлаганидек, «Фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим шарти бўлиб, бу жамият ҳаётида нодавлат ва жамоат ташкилотларининг ўрни ва аҳамиятини кескин кучайтиришдан иборат. Ёки бошқача қилиб айтганда, бу – «Кучли давлатдан кучли жамият сари» деган тамойилни амалда ҳаётга жорий этиш демакдир.

Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 14 апрелда қабул қилинган "Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида"ги қонуннинг 2 – моддасида таъкидлаганидек "Нодавлат нотижорат ташкилоти – жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томонидан ихтиёрийлик асосида ташкил этилган, даромад (фойда) олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган ҳамда олинган даромадларни (фойдани) ўз қатнашчилари "аъзолари" ўртасида тақсимланмайдиган ўзини ўзи бошқариш ташкилотидир.¹

Нодавлат нотижорат ташкилоти жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, бошқа демократик қадриятларни химоя қилиш, ижтимоий маданий ва маърифий мақсадларга эришиш, маънавий ва бошқа номоддий ихтиёжларини қондириш, хайрия фаолиятини амалга ошириш учун ҳамда бошқа ижтимоий фойдали мақсадларда тузилади. Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги қонуннинг 16 – моддасига асосан Нодавлат нотижорат ташкилотининг таъсис ҳужжатлари қуйидагилардан иборат:

муассислар (аъзолар) томонидан тасдиқланган устав;
қатнашчилар томонидан тузилган таъсис шартномаси ва улар тасдиқлаган устав – уюшма (иттифоқ) учун.

Нодавлат нотижорат ташкилоти таъсис ҳужжатларининг талаблари нодавлат нотижорат ташкилотининг ўзи учун, унинг муассислари ва қатнашчилари (аъзолари) учун мажбурийдир.

Нотижорат юридик шахс ташкил этиш ҳақидаги таъсис шартномаси, шартнома тузишдан кўзланган мақсад бўйича

¹ Қарил: Ўзбекистон Республикасининг "Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида" ги қонун 1999 йил

бахоланганда, учинчи шахслар фойдасини кўзлаб тузилган шартнома сифатида бахоланиш мумкин. Бунда таъсис шартномаси иштирокчилари учинчи шахс – нотижорат юридик шахсни ташкил этиш йўлида саъй – ҳаракатлар қилишларини ўз зиммаларига мажбурият сифатида оладилар. Шунингдек, ушбу юридик шахс учун унинг устав фондига ўз мол – мулкларини киритадилар. Бундан кўзланган асосий мақсад, нотижорат юридик шахсни мустахкам мулкий асосини яратиш ва уни ўз олдига қўйган устав мақсадларини (хайрия, маънавий – маърифий ишлар, сиёсий, ижтимоий фаолият, илмий тадқиқотларини амалга ошириш ва х.к.) амалга оширилишини таъминлашдан иборатдир. Демак, бундай шартномалар муайян маънода учинчи шахслар манфаатини кўзлаб тузилган шартнома ҳисобланади. Бироқ буни ҳам нисбий маънода тушуномқ лозим. Фуқаролик кодексига учинчи шахслар манфаатини кўзлаб тузилган шартномалар бўйича, учинчи шахс кейинчалик шартномавий муносабатларда мустақил тараф сифатида қатнашиши мумкинлиги назарда тутилган. Албатта, таъсис шартномасида ушбу шартнома асосида ташкил этилган юридик шахсни кейинчалик таъсис шартномасида тараф сифатида иштирок этиши мантқан тўғри бўлмаган бўлур эди. Аммо юридик шахс ўз таъсисчилари, таъсис шартномаси орқали ўз зиммаларига олган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, таъсис шартномасини ижро этилиши тўғрисида талаб қилиш ҳуқуқи шубҳасиздир, чунки юқорида кўрсатилганидек, таъсис шартномаси, энг аввало, унинг асосида ташкил этилаётган юридик шахс манфаатларини кўзлайди. Ушбу ҳолат қонунчиликда етарли даражада ўз фойдасини топмаган. Бинобарин, келгусида фуқаролик кодексини таъсис шартномалари тўғрисидаги нормаларини кенгайтириш ва чуқурлаштириш жараёнида, тижорат ташкилотларини ҳам, нотижорат ташкилотларини ҳам, ўзларини вужудга келтириш учун асос бўлган таъсис шартномалари бўйича муассислар томонидан ўз зиммаларига олган мажбуриятларини ижро этилишини талаб қилиш ҳуқуқини, муассислар томонидан таъсис шартномалари шартларини бузганлиги учун жавобгарликка тортиш ҳақида талаб қилиш ҳуқуқини ва муассислар томонидан мажбуриятлар доимий узлуксиз жиддий равишда бузиб келинган тақдирда, муассислар сафидан чиқариш ҳақида талабни қўйиб, судга мурожаат қилиш ҳуқуқи ҳақида нормаларини назарда тутмоқ лозим. Бундай нормаларни киритишда, таъсис шартномаси иштирокчиларини шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришга масъулият билан қараш, шунингдек, муассислар билан улар ташкил этган юридик шахс ўртасида доимий барқарор алоқалар мавжуд бўлишини таъминлаган бўлур эди. Адабиётларда таъсис шартномаларини фидуциар битимлар гуруҳига мансуб

шартнома ҳақида кўрсатилади. Бу албатта тўғри,¹ қадимги Римда шартнома бўйича муносабатлар ва шартномани вужудга келиши тарафларининг ўзаро келишувига асосланса, бундай шартномалар фидуциар шартномалар дейилган. Ҳақиқатдан ҳам таъсис шартномаси бўйича муассислар, хоҳ тижорат юридик шахси, хоҳ нотижорат юридик шахсни ташкил этиш кўзлагандан қатъий назар, агар таъсис шартномаси иштирокчилари ўртасида ўзаро ишонч бўлмаса, бундай шартнома муносабатларига жиришмайдилар. Таъсис шартномаси иштирокчиларининг ҳар бирида шартнома бўйича мажбуриятларни бажаришга ундовчи ички сабаб ва иштирокчиларни бир – бирга қаттиқ мустаҳкам ишончи бўлиши мумкин. Одатда, кўп мажбуриятларнинг алоҳида турларида контрагент томонидан ўз зиммасига олган мажбуриятларни ижро этмаслик, бажармаслик оқибатлари учун жарима кўринишида мулкни санкциялар назарда тутилади. Холбуки, таъсис шартномаси субъектларни биргаликдаги фаолият бўйича муносабатларни расмийлаштирувчи юридик ҳужжатдир.

Нотижорат юридик шахсларни барчасида ҳам таъсис шартномалари қўлланилавермайди. Масалан, сиёсий партиялар, касба уюшмалари ва шу каби тузилмаларда таъсис шартномаси қўлланилмайди. Умуман олганда, таъсис шартномаси тузиш ҳар доим юридик шахсни вужудга келтириш жараёнининг дастлабки босқичи ҳисобланади. Баъзи нотижорат тузилмаларида ушбу назифани ташаббускор гуруҳлар бажаради. Ташаббускор гуруҳлар аъзолари нотижорат юридик шахсни ташкил этиш бўйича саъй – ҳаракатларни амалга ошириб, юридик шахс ташкил топганидан кейин уни аъзолари мақомига эга бўладилар. Агар нотижорат ташкилотни аъзоликка асосланса, у ҳолда муассислар (таъсис шартномаси иштирокчилари) ва аъзолар ўртасида ўзига хос муносабатлар вужудга келади.

Нотижорат ташкилотларини ташкил этиш бўйича таъсис шартномалари бундай туркумдаги шартномаларнинг алоҳида турини ташкил этади деб айтиш мумкин. 1999 йил 14 апрелда қабул қилинган «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги қонун»нинг 16 – моддасида нодавлат нотижорат ташкилотларининг таъсис ҳужжатлари белгилаб қўйилган. Унда кўрсатилганича, қўллашчилар томонидан тузилган таъсис шартномаси ва улар тасдиқлаган устав – уюшма (иттифок) учун таъсис ҳужжати ҳисобланади. Таъсис шартномасида тарафлар (муассислар) нодавлат нотижорат ташкилотлари уюшмасини (иттифоқини) тузиш мажбуриятини оладилар, уни тузиш соҳасида биргаликда фаолият кўрсатиш тартибини унга ўз мол – мулкни бериш ҳамда унинг фаолиятида иштирок этиш, нодавлат нотижорат ташкилот

фаолиятини бошқариш, муассисларнинг унинг таркибидан чиқиш шартларини белгилаб берадилар. Таъсис шартномасига муассисларнинг келишувига биноан бошқа шартлар ҳам киритилиши мумкин. Нодавлат нотижорат ташкилотларининг уюшмалари (иттифоқлари) камида иккита нодавлат нотижорат ташкилот ташаббуси билан тузилиши мумкин. Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги қонуннинг 25 – моддасида нодавлат нотижорат ташкилотни давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш асослари белгилаб қўйилган. Ушбу асосларни муайян қисми таъсис ҳужжатлари мазмуни билан боғлиқ. Бошқача айтганда, ушбу қонунда таъсис шартномаси шартлари, мазмуни билан боғлиқ талаблар ҳам ўз ифодасини топган деб айтиш мумкин. Агарда таъсис шартномасида Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий тузилишини зўралик билан ўзгартиришни, суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига путур етказишни, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини камситишни, урушни, ижтимоий, миллий, irqий ва диний адоватни тарғиб қилишни, фуқароларнинг соғлиги ва маънавиятига таъжовуз қилишни мақсад қилиб қўйган бўлса, ёхуд унда ҳарбийлаштирилган бирлашмалар тузиш назарда тутилган бўлса, нодавлат нотижорат ташкилотини давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилиши мумкин. Шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотининг номи ёки рамзий белгилари маънавиятга, фуқароларнинг миллий ёки диний туйғуларига даҳл қилса ҳам юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилади. Таъсис шартномаси асосан юридик шахслар уюшмаси (иттифоқи) ташкил этилганида тузилади. Маълумки, ҳозирги вақтда юридик шахслар уюшмалари ва иттифоқларнинг жуда кўп турлари мавжуд. Бунга қуйидагилар киради:

- а) концернлар;
- б) ассоциациялар;
- в) федерациялар;
- г) концерциумлар ва ҳоказо.

Ҳозирги кунда таъсис шартномасининг ҳуқуқий асослари ниҳоятда заиф эканлигини эътироф этмоқ лозим. Фуқаролик кодексига, «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида» ги қонунда таъсис шартномаларига тегишли бир неча нормалар бағишланган, холос. Бу эса амалиётда таъсис шартномаларини ниҳоятда умумий ва юзаки тузилишга олиб келмоқда. Нодавлат нотижорат ташкилотлари, концернлар, ассоциялар, федерациялар ва концерциумлар бўйича тузилган таъсис шартномалари ва уларнинг уставлари (низомлари) ўртасида мазмунан деярли фарқлар мавжуд эмас, бири иккинчисини такрорлайди, холос. Кўпроқ бу ўринда муассислар таъсис шартномаси шартларидаги ўзига хосликларни англаб олмайдилар. Бундай ҳолат таъсис шартномалари амалий аҳамиятини кескин пасайишига сабаб бўлади. Муассислар таъсис шартномасига нисбатан ўз ҳуқуқий

мақомларини белгилаб берувчи локал норматив ҳужжат сифатида эмас, балки оддий формал ҳужжат сифатида муносабатда бўлмоқдалар. Бундай муносабатга барҳам бериш учун нодавлат нотижорат ташкилотларининг таъсис шартномаларни ҳуқуқий асослари ҳар тарафлама кенгайтирилишни лозим.

Амалдаги фуқаролик кодексинда нодавлат нотижорат ташкилотларини таъсис шартномаларига, махсус параграф ажратилиши лозим. Ушбу параграфда нодавлат нотижорат ташкилоти таъсис шартномасининг шакли, тузиш тартиби, иштирокчилари, иштирокчилар сафига кириш ва чиқиш тартиби, муассисларни юридик шахсни бошқаришдаги иштироки масалалари, таъсис шартномаси шартларини бузганлик учун жавобгарлик чоралари ва уларни қўллаш асослари, таъсис шартномасини ўзгартириш ва бекор қилиш тўғрисидаги ҳуқуқий нормалар назарда тутилиши лозим.

Бурханова Л.М.

к.ю.н., доцент, заведующая кафедрой
«Гражданское право» юридического
факультета

НЕКОТОРЫЕ ВОПРОСЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ НОРМ СЕМЕЙНОГО ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН, РЕГУЛИРУЮЩИХ ОТНОШЕНИЯ С УЧАСТИЕМ ИНОСТРАННОГО ЭЛЕМЕНТА

В современных условиях развития частноправовых связей, характеризующихся глобализацией, применение к брачным отношениям отечественного законодательства вошло в противоречия с интересами самих участников этих отношений, в частности, граждан республики Узбекистан за границей. Поэтому внесение существенных корректив в семейное законодательство Республики Узбекистан, в частности в коллизивно - правовое регулирование заключения и расторжения брака, в вопросы имущественных и личных неимущественных отношений супругов, осложненных «иностранным элементом», допущение применения к семейным отношениям иностранного законодательства, является своевременным.

Правовой основой для развития подобных отношений явилось подписание Республикой Узбекистан Международного пакта о гражданских и политических правах и Международного пакта об экономических, социальных и культурных правах 1966года. Республика присоединилась к Конвенции о правах ребенка 1989г., Конвенции о статусе беженцев 1993г., Конвенции государств-участников стран СНГ о правовой помощи и правовых отношениях по гражданским, семейным и уголовным делам 1993г.

и другим международным договорам, которые определили определенные обязанности нашего государства по реализации международных обязательств перед мировым сообществом.

В связи с этим требуют решения такие задачи, как поиск путей преодоления коллизий между нормами семейного законодательства Республики Узбекистан и законодательства зарубежных стран, необходимость выявления факторов, влияющих на признание брака и его прекращение; потребность в анализе правовых норм, регулирующих заключение и расторжение брака с «иностранным элементом», личных и имущественных отношений супругов, правоотношений между родителями и детьми, вопросов усыновления, опеки и попечительства. Определенную сложность представляют также проблемы установления содержания иностранного права.

Вышеизложенные положения обуславливают выработку оптимальных мер по защите прав и законных интересов лиц, участвующих в брачно-семейных отношениях независимо от гражданской принадлежности. В связи с этим, необходима глубокая и всесторонняя разработка коллизионных и материально-правовых норм, направленных на урегулирование отношений лиц, вступающих в брачно-семейные отношения с международным характером на примере правового регулирования заключения и расторжения брака с «иностранным элементом».

В современных условиях исследование вопросов о признании и расторжения брака с «иностранным элементом», регулирование личных и имущественных правоотношений между членами семьи, вопросы усыновления, опеки и попечительства, как с теоретической, так с практической точек зрения является необходимостью, продиктованной введением времени.

Случаи увеличения брачных и семейных отношений международного характера не только в Республике Узбекистан, но и во всем мире, в свою очередь, требует глубокого осмысления и исследования не только коллизионного, но и материального законодательства иностранных государств.

Определенное значение в области правового регулирования брачных и семейных отношений в международном частном праве имеют отдельные вопросы, в частности, условий и порядка заключения брака, консульских браков, усыновление детей иностранными гражданами.

В области семейного права действует ряд многосторонних соглашений, часть из которых заменила старые Гаагские конвенции конца XIX – начала XX века. Среди универсальных договоров указанного типа следует назвать Конвенцию о взыскании алиментов 1956г., Конвенцию о согласии на вступление в брак, брачном возрасте и регистрации браков 1962г., серию Гаагских конвенций: Конвенцию о юрисдикции, применении права и признании решений об усыновлении 1965г., Конвенцию о признании разводов и решений о раздельном жительстве супругов 1970г., Конвенцию о праве, применимом к алиментным обязательствам 1973г.,

Конвенцию о праве, применимом к режимам собственности супругов 1978г.,
Конвенцию о заключении и признании действительности браков 1978г.,
Конвенцию о защите детей и сотрудничестве в области иностранного
усыновления 1993 г.

Принимая во внимание перечисленные обстоятельства можно сформулировать определенные предложения по совершенствованию законодательства семейного законодательства Республики Узбекистан.

1. Внести в п.1 статьи 235 «Признание браков, заключенных за пределами территории Республики Узбекистан» Семейного кодекса Республики Узбекистан для признания действительности брака, заключённого вне территории Республики Узбекистан, условия статей 14, 15 Семейного кодекса Республики Узбекистан. Так как эти условия как добровольность вступления в брак и брачный возраст имеют существенное значение для заключения брака, а в статье 235 даётся ссылка только на статью 16 Семейного кодекса Республики Узбекистан.

2. По вопросу о законе, применяемом к алиментным обязательствам в пользу детей, действует Гагская конвенция о праве, применяемая к алиментным обязательствам в отношении детей 1965г., которая предусматривает порядок выплаты алиментов в пользу детей, предусматривающих затруднения вследствие наличия различных гражданств или основного места жительства. В виду того, что вопросы алиментного содержания с участием иностранного элемента в главе VIII Семейного кодекса Республики Узбекистан не урегулированы, то присоединение к данной конвенции, приведет к более эффективному разрешению данного вопроса.

3. В раздел VIII Семейного кодекса Республики Узбекистан целесообразно включить статью, регулиющую личные неимущественные и имущественные права и обязанности супругов, в которой определить, что личные неимущественные и имущественные права и обязанности супругов определяются законодательством государства, на территории которого они имеют совместное место жительства, а при отсутствии совместного места жительства законодательством государства, на территории которого они имели последнее совместное место жительства. Личные неимущественные и имущественные права и обязанности супругов, не имеющих совместного места жительства, определяются на территории Республики Узбекистан законодательством Республики Узбекистан.

При заключении брачного договора или соглашения об уплате алиментов друг другу супруги, не имеющие общего гражданства или совместного места жительства, могут избрать законодательство, подлежащее применению для определения их прав и обязанностей по брачному договору или по соглашению об уплате алиментов. В случае, если супруги не избрали подлежащее применению законодательство, к брачному договору или к их соглашению об уплате алиментов применяются положения, регулиющую личные неимущественные и имущественные права и обязанности супругов.

4. В раздел VIII Семейного кодекса Республики Узбекистан целесообразно включить статью, регулирующую установление и оспаривание отцовства (материнства) при различном гражданстве родителей. Определить, что установление и оспаривание отцовства (материнства) устанавливаются законодательством государства, гражданином которого является ребенок по рождению. Порядок установления и оспаривание отцовства (материнства) на территории Республики Узбекистан определяется законодательством Республики Узбекистан. В случаях, если законодательством Республики Узбекистан допускается установление отцовства (материнства) в органах ЗАГСа, проживающие за пределами территории Республики Узбекистан родители ребенка, из которых хотя бы один является гражданином Республики Узбекистан, вправе обращаться с заявлениями об установлении отцовства (материнства) в дипломатические представительства или в консульские учреждения Республики Узбекистан.

5. Определить в разделе VIII Семейного кодекса Республики Узбекистан, что права и обязанности родителей и детей, в том числе обязанность родителей по содержанию детей, устанавливаются законодательством государства, на территории которого они имеют совместное место жительства. При отсутствии совместного места жительства родителей и детей права и обязанности родителей и детей определяются законодательством государства, гражданином которого является ребенок. По требованию истца к алиментным обязательствам и к другим отношениям между родителями и детьми может быть применено законодательство государства, на территории которого постоянно проживает ребенок.

6. Установить в разделе VIII Семейного кодекса Республики Узбекистан, что алиментные обязательства совершеннолетних детей в пользу родителей, а также алиментные обязательства других членов семьи определяются законодательством государства, на территории которого они имеют совместное место жительства. При отсутствии совместного места жительства такие обязательства определяются законодательством государства, гражданином которого является лицо, претендующего на получение алиментов.

Гулнора Худайбердиева
докторант-таджикотчи

ТУРДОШ ХУКУҚЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШДА ФУҚАРОЛИК- ХУҚУҚИЙ ВОСИТАЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИШИ

Фуқаролик ҳуқуқида турдош ҳуқуқлар ҳимоясини таъминлашда фуқаролик-ҳуқуқий восита ва усулларни аниқлаш муҳим ҳисобланади. Бу восита ва усулларнинг қўлланишида, аввало, турдош ҳуқуқлар субъектлари ва уларнинг меросхўрларига тегишли бўлган ҳуқуқ ва эркинликлар, уларнинг ҳажмини аниқлаб олиш лозим. Ҳуқуқ эгаларининг қонуний манфаатларининг

таъминлашни ҳуқуқ кафолатига боғлиқ. Бу тўғрида олимларнинг турли қарашлари мавжуд. Айрим муаллифлар ҳуқуқ кафолати, бошқаси эса ҳуқуқларни амалга ошириш кафолати, яна бировлари эса ҳуқуқлар ва эркинликлар кафолати тўғрисида сўз юритади.²

И.Насриев кафолат дейилганда олимларнинг биринчи галда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалда рўёбга чиқарилишини, кўлик муҳофаза этилишини таъминловчи шарт-шароитлар ҳамда махсус воситаларни тушунишади. Бундай воситалар фуқароларнинг ҳуқуққа мувофиқ ҳатти-ҳаракатлар қилишлари ва мазкур ҳуқуқларни бузувчиларга ижбатош тегишли таъсир чоралари қўрилишини таъминлайди, деган хулосага келади. Олим шахсий ҳуқуқларни амалга оширишни таъминлаш билан боғлиқ кафолатларни: сиёсий кафолатлар; ҳуқуқий кафолатлар; ташкилий-иқтисодий кафолатларга ажратади. И.Насриевнинг ҳуқуқларни амалга оширишнинг кафолатлари жумласига иқтисодий кафолатни алоҳида киритиш мумкин. Чунки, ҳар қандай ривожланган давлатнинг турдош ҳуқуқларга оид қонунчилиги ва соҳага оид халқаро шартномаларда турдош ҳуқуқлар субъектларининг шахсий номулкий ҳуқуқлар билан бирга мулккий ҳуқуқлар тегишли тартибда ўрнатилган. Бу ҳуқуқлар асосан моддий ҳарактерга эга бўлиб, бу ҳуқуқлар номулкий ҳуқуқлар пайдо бўлганда мавжуд бўлади. Яъни, номулкий ҳуқуқлар ўз изидан мулккий ҳуқуқларни янгилаштириб юради. Мулккий ҳуқуқларнинг бевосита туркумланиб қонунчиликда алоҳида белгилаб қўйилиши турдош ҳуқуқлар субъектларининг қонуний манфаатлари келгусида қандай амалга оширилиши лозимлигига кўрсатади. Субъектга тегишли бўлган бу ҳуқуқлар унинг бутун ҳаёти давомида ёки асар ижро этилган, ёзиб олинган, эфирга узатилган пайтдап бошлаб 50 йил давомида амалда бўлади.³ Субъектлар ҳуқуқларининг аввалдан норма сифатида берилиши уларнинг ҳуқуқлари бузилган тақдирда уни тиклашда қўлланадиган фуқаролик-ҳуқуқий воситаларни танлаш имкониятини беради. И.Насриев муаллифлар ҳуқуқларининг бузилиши жараёнлари ва бузилган ҳуқуқларни тиклаш йўллари тahlili этиб, амалдаги қонун ҳужжатлари мазмунидан келиб чиқиб айтиш мумкинки...муаллиф-ижодкорнинг шахсий ҳуқуқлари қандай усулда бузилган бўлса, уни тиклаш ҳам худди шундай усулда амалга оширилиши шарт, деган хулосага келади.

Грац (Австрия) университетининг доктори Бернд Визер ҳуқуқ ва эркинликларни конституциявий мустаҳкамлашни баробарида, уларни ҳимоя қилишнинг самарали ҳуқуқий усуллари жорий этилмас экан, улар жамиятда ўз ўрнини топа олмаслиги тўғрисидаги гоёни илгари суради.⁴ Бу фикрга қўшилди айтиш мумкинки, инсонга тегишли ҳар қандай ҳуқуқ у ҳимоя қилинишига муҳтож ва уни ҳимоя қилишда ҳар бир давлат ўз қонунчилигида инсонга ва усулларни қўллашга белгилайди. Буюк аллома Абу Наср

² Насриев И. Муаллифнинг шахсий ҳуқуқларини ҳимоялаш - Т.: Мехнат. 2003. -135-бет

³ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. -Т.: Адолат. 1996.-490-492-бетлар

⁴ Визер Бернд. Защита прав человека в Австрии. Защита прав человека в современном мире. -М.: 1993.

Фаробийнинг “Энг мушкул иш-қонунчиликни жорий қилишдир. Қонунга шубҳа билан қараш ҳақда қонун устидан арз қилишдан кўра эса энг осон ишдир”, “Халқ қонунларга эҳтиёж сезиши ва уларни чуқур ўрганиши зарур, чунки улар кейинчалик халқнинг ўзига фойда келтиради. Акс ҳолда қонундан кўзланган мақсадга эриши бўлмайди”, “Фуқаролик қонунчилиги, шахснинг номоддий ҳуқуқларини ҳимоя этишнинг моҳияти ҳамда афзалликларини халқимизга маънавий ўқитиш ва ўргатиш орқали тушунтиришимиз лозим”,⁵ деган фикрлари бугунги кунимизда ҳам ўз қадрига эга. Ана шундай доно қарашлар миллий қонунчилигимизда ўз аксини топса, ҳар кимга тегишли бўлган ҳуқуқ ва эркинликлар амалда таъминланади. Бугун инсон ҳуқуқ ва манфаатлари давлат сиёсати даражасига кўтарилмоқда. Президентимиз И.Каримов “...фуқаролик жамияти..шахс манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўла даражада рўйбга чиқишида кўмаклашади”,⁶ деб таъкидлашдан кўриш мумкинки, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ҳар бир кишининг қонуний манфаатларини амалда таъминлаш устивор йўналишлардан бири бўлиб қолаверади.

Шахсий номулкий ва мулкый муносабатлар, агар қонунларда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса ёки бу муносабатлар моҳиятидан ўзгача ҳол аниқлашилмаса, фуқаролик қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади. Фуқаролик кодексининг 7-моддасида белгиланган талаблар, яъни Ўзбекистон Республикасида фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларини тартибга солишда халқаро битимлар, шартномалар ва конвенцияларнинг устиворлиги эътироф этилганлиги⁷ ва юқоридаги қарашлардан келиб чиқиб бу ҳуқуқларнинг амалда қандай талбиқ этилиши, хусусан, турдош ҳуқуқларни ҳимоя қилишда қўлланадиган фуқаролик-ҳуқуқий воситаларни қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

а) турдош ҳуқуқларни ҳимоя қилишда қўлланадиган шартномалар (лицензия шартномаси ёки лицензия);

б) турдош ҳуқуқларни ҳимоя қилишда қўлланадиган халқаро битимлар (шартномалар ва конвенциялар);

в) турдош ҳуқуқларни ҳимоя қилишда иштирок этадиган органлар (суд).

Фуқаролик-ҳуқуқий воситаларни бундай туркумлаш, турдош ҳуқуқлар субъектларининг манфаатларини тизимли ҳимоя қилиш, ҳуқуқларнинг қайси босқичда бузилганлиги ва уни тиклашнинг даражаларини аниқлаш имкониятини беради. Турдош ҳуқуқларни ҳимоя қилишнинг дастлабки босқичи (тайёргарлик даври) сифатида - шартномалар, халқаро битимлар, ижрочилар ҳуқуқларини жамоа бўлиб бошқарувчи ташкилотлар майдонга чиқса, бузилган ҳуқуқларни аниқлаш, зарар даражаларини белгилаш ва бузилган ҳуқуқларни тиклашда суднинг иштирок этиши яхлит бир тизим остида ҳуқуқлар қафолатланганини кўрсатади.

⁵ Абу Наср Фаробий. Фозил одамлар шайхри. -Т.: Мерос. 1993. 20-23-бетлар

⁶ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари. Т.: Ўзбекистон. 1997. 173-бет

⁷ Уша жойда. 7-бет

Турдош ҳуқуқларни ҳимоя қилишни ташкил этишда шартномалар (лицензия)нинг қўлланиши энг муҳим йўналиш ёки воситалардан ҳисобланади. Турдош ҳуқуқлар субъектлари ўз ҳуқуқларини аввало улар билан фойдаланувчилар ўртасида тузилаётган шартномаларда белгилаб олинади. Шартномаларда белгиланган талаблар келгусида субъектларнинг мулкӣ ҳуқуқларидан фойдаланаётганда уни қандай тартиб ва ҳажмларда қўлланиши ҳам кўрсатади. Умуман, шартнома ҳуқуқ эгасининг манфаштларини олдиндан таъминлаш имкониятини яратади.

Фуқаролик ҳуқуқида шартномалар икки турга - оддий шартномалар ва лицензия шартномалари (рухсатномалар)га бўлиниши белгиланган.

Оддий шартномалар орқали ҳуқуқ эгасига тегишли бўлган ҳуқуқлар бошқа шахсга тўлиқ ёки қисман ўтказилиши мумкин. Шартнома бўйича ўтказиладиган мутлақ ҳуқуқлар унда аниқлаб олинади. Шартномада бошқа шахсга ўтказиладиган ҳуқуқ сифатида кўрсатилмаган ҳуқуқлар, агар бошқача қон исботланмаган бўлса, ўтказилмаган деб ҳисобланади. Фуқаролик кодексининг 1035-моддасида белгиланган бу тартиб оддий битимларга нисбатан қўлланиладиган қондаларга асосланади. Э.П.Гавриловнинг фикрига қараганда “томонларнинг шартлашувини мустаҳкамловчи ҳужжатга муаллифлик шартномаси”, дейилади.

Шартномага кўра ҳуқуқ эгаларига тегишли бўлган фақат мулкӣ ҳуқуқлар (ижарага бериш, тарқатиш, эфир ёки кабел орқали кўрсатиш ёхуд ушбу) ўзгаларга ўтказилиши мумкин, холос. Ҳуқуқ эгасининг номулкӣ шахсий ҳуқуқлари ҳеч кимга ўтказилмайди ва у абадий ҳимоя қилинади. Номулкӣ ҳуқуқлар фақат ҳуқуқ эгаси томонидан ўзгартирилиши ёки чегаралаб қўйилиши мумкин.

Агарда, мутлақ ҳуқуқни унинг амал қилиш даврида чекланган вақтда бошқа шахсга беришни назарда тутувчи шартномага нисбатан лицензия шартномаси тўғрисидаги қондалар қўлланади.

Лицензия шартномаси-шартномадан ўзининг предмети, рухсат бериладиган ҳуқуқлар таркиби, фойдаланиш вақти ва амал қилиш ҳудуди ҳамда асосан ҳуқуқ эгасининг хоҳишига асослангани билан фарқ қилади. Лицензия шартномасини бир гуруҳ олимлар шартноманинг иккинчи кўриниши деса, иккинчи бур гуруҳ олимлар уни рухсатнома, бошқа гуруҳ олимлар эса бир томонлама битим деб атайдилар. Профессор О.Оқюлов “лицензия шартномаси интеллектуал мулк объектларидан учинчи шахслар фойдаланишига имкон берувчи муҳим фуқаролик-ҳуқуқӣ восита”, “лицензия шартномаси-интеллектуал мулк объектдан фойдаланишга рухсат бериш ҳақида келишув ҳисобланади” деб уқтиради.⁸ Россия Федерациясида “мутлақ ҳуқуқлар эгасининг ҳуқуқӣ муҳофаза остидаги объектдан фойдаланишга оид ўзига тегишли ҳуқуқларни белгиланган тартибда ва маълум шартлар асосида учунчи шахсларга беришига лицензия (рухсатнома) дейилади”.

⁸ Оқюлов О. Интеллектуал мулк ҳуқуқӣ мақомидаги назарий ва амалӣ муаммолари Т.:ТДҲИ, 2004.-90-бет

Бошқа олимлар “лицензия шартномаси бу лицензия битими бўлиб, унга кўра мутлак ҳуқуқларга эга бўлган жисмоний ёки юридик шахс (лицензиар) бошқа шахсга (лицензиатга) маълум бир шартларга асосида объектдан фойдаланишга ҳуқуқ беради ва бунинг эъвазига лицензия тўловига эга бўладилар”, деб таъкидлашади. Б.Н.Тошевнинг фикрига кўра “лицензия шартномаси муаллифлик шартномасидан маълум бир вақтгача ва маълум доирада амал қилиши билан фарқланади”. Юқоридаги қарашларни умумлаштириб айтиш мумкинки, лицензия шартномаси бу мутлак ҳуқуқларни учинчи шахсларга ўтказишда қўлланадиган ва ҳақ эъвазига тузиладиган, фақат маълум бир ҳаракатларни амалга оширишга рухсат берадиган мажбурий шартнома ҳисобланади. Бир хил адабиётларда муаллифлик ҳуқуқига оид мажбурий лицензиянинг-ноширликда, радиосаниттиришларда, ёзувларни амалга оширишда тузиладиган кўринишлари мавжуд, дейилган⁹. Бизнингча, лицензия шартномаси:

асар (ижро)ни таржима қилишда;

асар (ижро)дан теле-радио ва кабелли узатишларида;

асар (ижро)ни фонограммада ёзиб олишда тузилади. Лицензия шартномасини бундай таснифлашга турдош ҳуқуқлар объектларининг шундай кўринишдаги турлари асос бўлади.

Лицензия шартномаси пуллик ҳисобланади. Фуқаролик кодексининг 1036-моддасига кўра лицензия шартномаси лицензиатга қўйидагиларни:

объектлардан, лицензиарнинг ундан фойдаланиш ҳуқуқи ва бошқа шахсларга лицензия бериш ҳуқуқи сақланиб қолган ҳолда (оддий номултлак лицензия) фойдаланиш ҳуқуқини;

объектдан, лицензиарнинг ундан фойдаланиш ҳуқуқи сақланиб қолган ҳолда, бироқ бошқа шахсга лицензияни бериш ҳуқуқисиз (мутлак лицензия)

фойдаланиш ҳуқуқини;

қонунда йўл қўйиладиган бошқа турдаги лицензияларни беришни назарда тутиши мумкин.¹⁰

Лицензия шартномасига кўра ҳуқуқ эгалари, ўзгаларга мутлак ҳуқуқларини ўтказишда Фуқаролик кодексининг 1077-1080-моддаларида назарда тутилган ҳаракатларнинггина бажаришга рухсат берадилар, деган ҳулосага келиш мумкин.

Лицензия шартномасида мумумий қондалар, умумий тушунчалар, шартноманинг предмети, молиявий келишувлар ва уни ўтказиш тартиби, ҳужжатлаштириш, кафолат, назорат ва конфиденциаллик, низолар ҳал этиш тартиби, шартноманинг ҳаракат муддати ва бошқа қондалар ўз аксини топиши мумкин.

Лицензия шартномасига мувофиқ ҳуқуқ эгаларининг ҳуқуқлари вақтинча бошқа шахсларга ўтказилади. Б.Н.Тошевнинг фикрича лицензия асосида хорижий мамлакатлардан олиб келиниб таржима қилинган, ёзиб

⁹ Азбука авторского права. М:Юридическая литература. 1982. с.52

¹⁰ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. Т.: Адолат. 1996. 471-472-бетлар

олигини, нусхаси қўпайтирилган асарлар бошқа мамлакатларга тижорат мақсадларида ёки ижара объекти сифатида чиқарилиши мумкин эмас.¹¹ Бу фикрга қўшилиб ҳулоса қилиш мумкинки, номулкий ҳуқуқларни ўзгаларга ўтказиб бўлмаганидек, мутлақ ҳуқуқларни ҳам абадий ўзгаларга ўтказиш яқин оқибатларга олиб келмайди. Бизнингча, мутлақ ҳуқуқлар (мулкий ҳуқуқлар)нинг ўзгаларга ўтказилишида ҳам алоҳида муддатлар белгилаш лозим. Қонуннинг 44-моддасида лицензия шартномаси унда назарда тутилган, аммо муаллифлик ҳуқуқининг амал қилиш муддатидан кўп бўлмаган муддат давомида амал қилади, деб белгиланган бўлсада, бу конда турдош ҳуқуқларга нисбатан қандай қўлланиши ҳанузгача мавҳум бўлиб қолмоқда.¹² Амалда ҳуқуқ эгаси бутун ҳаёти давомида ўз ҳуқуқларини кузатиб туриш имкониятига эга бўлса у (ижрочи, актёр) вафот этгани ёки тузатилигани (теле-радио)дан сўнг ҳуқуқларни назорат қилишнинг имконияти бўлмайди. Йиллар ўтиши билан янги авлод дунёга келишида, шунда химоя муддатлари ўтиб кетса, бу турдаги объектларнинг қонунсиз қайта-қайта фойдаланиш натижасида ҳуқуқларнинг у ёки бу қўринишлари ўзгариб бориши ва натижада аниқлаб бўлмайдиган объект лайдо бўлиши мумкин.

Турдош ҳуқуқларни химоя қилишда халқаро битимлар (шартномалар ва конвенциялар)ни фуқаролик-ҳуқуқий восита сифатида қўллаш катта аҳамият касб этади. Чунки, турдош ҳуқуқлар нафақат бир мамлакат ҳудудида, балки бутун дунёда химоя қилиниши талаб этилади. Бунинг учун ҳар бир давлат турдош ҳуқуқларга оид халқаро битимлар (шартнома ва конвенция)ларга аъло бўлиб кириши талаб этилади. Миллий қонунчилик қондалари бошқа мамлакатлар қонунчилиги қондаларидан фарқ қилганда, мамлакат ҳудудида халқаро шартномада ёки битимда фуқаролик қонун ҳужжатларидагига қараганда бошқача қондалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома ёки битим қондалари қўлланади.¹³ Турдош ҳуқуқларга оид устивор қондалар 1961 йилги Рим конвенцияси, 1996 йилга БИМТнинг ижролар ва фонограммалар бўйича Шартномаси, 1971 йилги Женева конвенцияси ва ЖСТнинг ТРИПС Битимида белгиланган.

Халқаро битимларга кўра “миллий тартиб тамойили” амалда бўлади ва унга кўра халқаро битим қондалари миллий қонунчилик қондалари билан ёқин-ёқин қўлланади. Рим конвенциясининг 7-моддаси ижрочи-артистларга ҳар қандай рухсатсиз ҳаракатларнинг олдини олиш, 10-моддаси фонограммани чаққундорларнинг ўз фонограммаларини ишлаб чиқаришда рухсат бериш ёки тақиқлаш, 13-моддасида эшиттирувчи (кўрсатувчи) тақиқловларнинг махсулотларидан фойдаланишга рухсат бериш ёки тақиқлаш ҳуқуқлари ва ундан келиб чиқадиган ҳаракатларни мустақкамлайди. Бу ҳаракатларнинг рухсатсиз амалга оширилишини фақат лицензия шартномалари тузиш орқали олдини олиш мумкин.

¹¹ Россиянинг ФХ ва Солиқлар. Қонунларнинг бажарилиши устидан прокурор назорати. Т.: Ўқитувчи.

¹² Туртинчи ҳақимият. Т.: Мехнат, 2003. 107-бет

¹³ Ушбаевнинг Республикасининг Фуқаролик қонунлари. Т.: Адилят, 1996. 7-бет

БИМТнинг ижролар ва фонограммалар бўйича Шартномаси ижрочилар ва фонограмма ишлаб чиқарувчиларининг янги ва мутлақ ҳуқуқларини ҳимоя қилишни назарда tutади. Шартноманинг 18-моддасида унга аъзо бўлган ҳар бир давлат бу субъектлар томонидан ўз ҳуқуқларини амалга оширишда самарадорликка эришиш учун таъсирча ҳуқуқий ҳимоя тизимини яратиш мажбуриятини юклайди. Шу жойда лицензия шартномалари анна шундай таъсирчан ҳимоя воситаси бўлиши мумкинлигига ишора қилинади. 1971 йилги Женева конвенцияси фонограмма ишлаб чиқарувчиларининг манфаатларини улар фонограммаларини қонунсиз ишлаб чиқаришларнинг олдини олишга қаратилган. Конвенциянинг 6-моддасида фонограммаларни рухсатсиз ишлаб чиқариш, сотиш, четга олиб чиқиш, ижарага беришнинг олдини олишда лицензия қўлланишининг тартибларини белгиллаган.

Бутунжаҳон савдо ташкилотининг ТРИПС Битими 3-моддасида турдош ҳуқуқларга оид “миллий тартиб тамойили”нинг амалда бўлишини белгилган бўлса, 14-моддасида ижрочилар, фонограмма ишлаб чиқарувчилари ва эшитириш (кўрсатув) берувчи ташкилотларнинг рухсат бериш ҳуқуқларини мустаҳкамлаган. Ҳар қандай рухсат халқаро доирада лицензия шартномаси орқали расмийлаштирилишни ҳисобга олсак, лицензиянинг ҳуқуқий ҳимоя воситаси сифатида аҳамиятини тушуниб олиш қийин эмас. Турдош ҳуқуқларнинг юқорида белгиланган восита ва усуллар орқали ҳимояга олингани, турдош ҳуқуқлар субъектларининг қонуний манфаатлари амалда таъминлайди.

Р.А.Хонназаров
ўқитувчи

ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ

2009 йилни Президентимиз томонидан “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” деб эълон қилиниши қишлоқ хўжалик тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган чора тадбирларининг узвий давомидир десак муболаға бўлмайди. Чунки, мустақил республикаимиз тараққиёти қишлоқ хўжалигида тадбиркорликни ривожлантириш билан узвий боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, биз ўз олдимишга қўйган юксак марраларга эришиш йўлида, юрт тинчлиги, Ватан тараққиёти, халқимиз фаровонлигини таъминлашда энг аввало ўрта синф вакиллари-тадбиркорлик, фермерлик ҳаракати ва хусусий бизнес тузилмаларининг, барча моддий ва интеллектуал мулк эгаларининг

манфаатларини устун қўйиш, уларга тўлиқ имтиёз ва имкониятлар яратиб бериш, уларни қўллаб-қувватлаш бизнинг устувор вазифамиз бўлиб қолади¹⁴.

Мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш жараёни жамиятда тадбиркорлик руҳини қарор топтириш ҳамда тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни тақозо этади. Қишлоқ хўжалик тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамиятни иқтисодий тараққий эттиришнинг муҳим омилidir.

Давлат бош ислохотчи сифатида тадбиркорликнинг шу жумладан, қишлоқ хўжалиги бизнесининг тараққиётини таъминлаш мақсадида улар фаолиятига ноқонуний аралашувнинг олдини олиш механизмларини ишлаб чиқариш ҳамда самарали ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чораларини кўради. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини назоратини давлат томонида тартибга солиш қонунийлик, одиллик, мақсадга мувофиқлик, ижтимоий адолат, давлат ва тадбиркорлик манфаатлари билимининг риоя этишда давлат органлари ва хўжалик юритувчи субъектлар ўртаси масъулиги каби принципларга асосланади.

Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантиришга устувор аҳамият берилаётганлиги сабабли аграр тармоқда фаолият юритувчи деҳқон ва фермер хўжалиқлари ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш

Қишлоқ хўжалиги тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ички шартлар бўлиб, айрим тадбиркорларнинг яъни, деҳқон ва фермер хўжалиги билими ва унинг аъзоларининг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши бўйича ширини агротехник иқтисодий ва ҳуқуқий билимга эга бўлмаслиги, ердан мақсадсиз ҳамда оқилона фойдаланишга йўл қўйилаётганлиги, моддий-техник жиҳатдан етарли таъминланмаганлиги, техникалардан фойдаланишда хўжасизликка йўл қўйилиши¹⁵, ёқилги мойлаш материаллари билан таъминлаш талаб даражасида эмаслиги ёки ундан мақсадсиз фойдаланиш ҳоллари мавжудлиги, шунингдек улар фаолият юритаётган жойларда ижтимоий инфратузилмаларни шакллантириш даражаси буғунги куннинг эҳтиёжи билан номуносиблиги кабилар билан изоҳланади.

Қишлоқ хўжалигида тадбиркорликни ривожлантиришга таҳдид солаётган ички ва ташқи хавф-хатарларни бартараф этиш баробарида улар ҳуқуқ ва манфаатларини самарали ҳимоя қилишнинг усул ва воситаларидан янгида унумли фойдаланишни тақозо этади.

Давлат томонидан кўрилаётган аниқ чоралар ва яратилган ҳуқуқий ҳимоя тизими қишлоқ хўжалиги тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим омил бўлаётган бўлсада, ҳали бу соҳада ўз ечимини қутаётган муаммолар борлигидан далолат бермоқда. Қишлоқ хўжалиги тадбиркорлик фаолиятини ташқи қилишда оилавий муносабатларнинг барқарорлиги ҳам тадбиркорлик тавakkалчилигининг

¹⁴ Каримов Н. А. Ватанимиз ва калкингга сароҳат билан хизмат қилиш-олий сўлатдир // Тадбиркорлар ва инновациялар ҳаракати: Ўзбекистон либерал-демократик партияси IV курултойидаги маъруза. 2017 йил 6 ноябрь. –Т.: Ўзбекистон, 2007. Б. 31-32.

¹⁵ Масалан, бу ҳақда қаранг: Холмўраев Б Мулк эгаси эмас ёхуд қўланкеси майдоқлар // Фермер 2008-б йили.

салбий оқибатларини камайтиришга, қолаверса, улар хавфсизлигини, таъминлашга ҳам ижобий ёрдам беради.

Қишлоқ хўжалиги соҳасининг ижтимоий-иқтисодий аҳамиятини назарда тутган ҳолда уни устувор ривожлантириш, тармоқдаги тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоясини таъминлаш давлат эҳтиёжлари учун маҳсулот етказиб бериш, деҳқон ва фермер хўжаликлари фаолиятини барқарорлаштириш, қишлоқда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, уларнинг даромадларини кўпайтириш, пировардида халқ фаровонлигини юксалтиришга эришилади. Бу ҳол қишлоқ хўжалиги тадбиркорлик субъектларининг ички ва ташқи таҳдидлар шароитида давлат ва хусусий манфаатлар балансини таъминлаш баробарида соҳа тараққиётининг ҳам муҳим гарови бўлиб ҳисобланади.

Давлат томонидан тадбиркорлик субъектлари ҳимоя тизимининг босқичма-босқич такомиллаштириб борилаётганлиги улар фаолиятини ривожлантиришга кенг имконият яратмоқда. Масаланинг бундай ечими таъминланаётганлиги энг аввало, қишлоқ хўжалик тадбиркорлик субъектлари манфаатини ифода этса, қолаверса, давлат ва жамиятнинг бундай ҳимоя тизимини яратишдан бевосита манфаатдорлигида ҳам ёрқин намоён бўлмоқда. Давлатнинг қишлоқ хўжалигида тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоясини таъминлаш функцияси қонунчилик, ижро ва суд ҳокимияти орқали амалга оширилаётганлиги ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Қишлоқ хўжалигида тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини таъминлаш комплекс тусдаги ҳуқуқ соҳалари нормалари билан тартибга солинади. Шу сабабли, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш муаммоларини ҳар бир ҳуқуқ соҳаси нуктаи назаридан ўрганишни тақозо этади.

Ҳулоса қилиб айтганда, тадбиркорликнинг шу жумладан, қишлоқ хўжалигида тадбиркорлик фаолияти субъектлари ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоясини таъминлашнинг назарий-методологик асосларини ўрганиш, унинг қонунчилик негизларини такомиллаштириш, ўқув-услубий ишларни ташкил этиш ҳамда бу борада амалий чора-тадбирларни кўриш, тадбиркорлик фаолиятини мақбул ёки оқилона таваккалчилик асосида амалга ошириш ўз навбатида, мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш имкониятини яратади. Давлат томонидан тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва манфаатларини тўла қонли ҳимоя қилиниши жамиятда тадбиркорлик руҳини қарор топтириш баробарида уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини самарали ҳимоя қилишнинг ишончли кафолати бўлиб хизмат қилади.

ХУСУСИЙ МУЛК ҲУҚУҚИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АЙРИМ ЖИХАТЛАРИ

Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ, Ўзбекистон кучли ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини қуришни, бунинг муносабатлари орқали мустаҳкам моддий заминни шакллантиришни ва ҳақиқий мулкдорлар синфини вужудга келтиришни мақсад қилиб қўйди. Шубҳасиз, «Бозор муносабатларига ўтишнинг асосий шарти кўп укладли иқтисодий ва рақобатлашиш муҳитини шакллантиришнинг ҳуқуқий ташкилий шарт-шароитларини вужудга келтиришдан иборат»¹⁶ эди. Шу сабабли иқтисодий ислоҳотларни биринчи босқичининг гоят муҳим вазифаси давлат мулки монополизминини тугатиш ва мулкни хусусийлаштириш ҳисобига кўп укладли иқтисодий реал шакллантиришдан иборат бўлди. Ўзбекистон Республикаси Конституциянинг 53-моддасининг иккинчи қисмига муносиб «Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкдан маҳрум этилиши мумкин»¹⁷. Хусусий мулк дахлсиздир деб кўрсатилган. Хусусий мулкнинг Асосий қонунда мустаҳкамланиши, унинг бозор иқтисодий муносабатларида ҳуқуқий тартибга солинишини белгилайди ҳамда уни бошқа мулк шакллари билан тенг шароитларда ҳимоя қилинишини кафолатлайди. Хусусий мулк бозор муносабатларининг таркиб топиши ва ривожланишида, унинг учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратишда, бу муносабатларда қатнашувчи тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилашда, уларнинг хатти-ҳаракатларини тартибга солишда ҳамда қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш учун зарур бўлган ҳуқуқий кафолатлар ва чораларни белгилашда ўзига хос муҳим аҳамиятга эга.

Тарихга назар ташласак мулк ҳуқуқи тушунчаси бу — ашға бўлган кенг маънодаги ҳуқуқий ваколатларга эга бўлиш деган маънони билдиради. Рим ҳуқуқшунослари хусусий «Мулкни муқаддас» мулк деб тан олганлар, ammo мулк ҳуқуқини тушунчасини тўлиқ ёритиб бера олмаганлар. Айниқса, хусусий мулкнинг дахлсизлигини ҳамда уни таъминлаш ва кафолатлаш ҳуқуқларига қадимги Рим давлатида ниҳоятда катта эътибор берилган. Бу қондалар барча капиталистик тузумни амалга оширувчи давлатлар, ҳатто МДҲ давлатлари, хусусан Ўзбекистон

¹⁶ Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни юқураштириш йўлида, Т. Ўзбекистон, 1995, 45-б.

¹⁷ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси — То. «Ўзбекистон», 2007 й. 1.

давлати ҳам ўзининг асосий қонунда, яъни, Конституциясининг 36, 53 — моддаларида ҳам ўз аксини топганлигини эътироф этиб уни юқори мақомли қоида даражасида мустақкам тасдиқлади.

Рим ҳуқуқшуносларининг мулк ҳақидаги фикр ва мулоҳазалари, айниқса «Мулкни муқаддас» деб атаган тамойиллари барча давлатларида, ҳатто ижтимоий кучли сиёсатни олиб бораётган давлатларда, хусусан Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексининг 164 — моддасида «Мулк ҳуқуқи муқаддасдир» деган ҳуқуқий норма ўз ифодасини топди. Мулкка нисбатан мусулмон ҳуқуқида ҳам шундай қоида назарда тутилган. Унда мулк муқаддас деб эълон қилиниб, уни бировларнинг гайриқонуний эгаллаб туришидан талаб қилиб олиш учун даъво мuddати назарда тутилган.¹⁸

Аmmo Рим юристлари мулк ҳуқуқининг мазмунини, ташкил этадиган элементларини англаб етганлар. Уларнинг фикрича, асосан, мулк ҳуқуқининг мазмунини ташкил этадиган ваколатлари қуйидагилардан иборат бўлган:

1. *ius utendi* (ашёдан фойдаланиш ҳуқуқи);
2. *ius fruendi* (ашёнинг фойдали хусусиятларини, ҳосил ва даромадларини олиш);
3. *ius abutendi* (ашёни тасарруф қилиш ҳуқуқи);
4. *ius possidendi* — (ашёни эгаллаш ҳуқуқи);
5. *ius vindicandi* (ашёни қонунсиз эгаллаб турган шахсдан мулкни қайтариб олиш ҳуқуқи).

Рим ҳуқуқшунослари бу бешта элемент тўлиқ асосда мулк ҳуқуқининг мазмунини очиб бермаслиги мумкин, чунки мулк ҳуқуқининг эгаси ўз мулкдан амалдаги қонунларга зид бўлмаган ҳолатларда фойдаланиш ҳуқуқига эгадир деб эътироф этганлар. Аммо хусусий мулк субъекти қанча ваколатларга эга бўлмасин барибир бу ҳуқуқнинг чегараси бўлган. Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 207 — моддасига асосан хусусий мулк ҳуқуқи шахснинг қонун ҳужжатларига мувофиқ тарзда қўлга киритган мол — мулкка эгаллик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқидир. Яъни, у мерос тариқасида ишлаб чиқаришда ўз меҳнати билан шахсан иштирак этиш, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш, битимлар тузиш, ёлланма меҳнатдан фойдаланиш тартибда ҳамда қонунда таъқиқлаб қўйилмаган бошқа асосларда олган ҳуқуқидир. Хусусий мулк ҳуқуқи билан боғлиқ муҳим қоида шуки, хусусий мулк бўлган мол — мулк миқдор ва қиймат жиҳатдан чекланмайди. Мулкчилик муносабатлари азалдан инсонлар ҳаёти билан боғлиқ бўлиб, у ҳозирги кунга қадар ҳар бир кишини қизиқтириб келган. Бу муносабатларда мулк тушунчаси, унинг шакллари ва турлари тўғрисида фикрлар ривожланиб борди.

¹⁸ Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг биринчи қисмига умумий тавсиф ва шарҳлар Т.: Иқтисодийёт ва ҳуқуқ дунёси», 1997 йил. 75 — бет.

Хусусий мулк—бу хусусий шахсларга тегишли мулк бўлиб, мулкдор ўз мулкига хусусий тарзда эгаллик қилади, ундан фойдаланиши ва тасарруф этади. Амалдаги қонунчиликка асосан, **хусусий мулк** хусусий шахсларга тегишли бўлган, ҳар—хил асоғларда ўзлаштириладиган мол—мулклардир. Хусусий мулк ҳуқуқи тўғрисида жуда кўплаб цивилист олимлар тадқиқот олиб боришлар жумладан: Х.Раҳмонқулов, И.Зокиров, Ш.Рўзиназаров, Х.Азизов, Р.Рўзиев, В.Тоқиддиев, В.Эргашев ва бошқалар ўзларининг дарслик, ўқув қўлланмалари, илмий тадқиқотлари ва илмий мақолаларида хусусий мулк ҳуқуқини ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсияларини баён этишган. **Хусусий мулк ҳуқуқи** — бу даромад олиш мақсадида ўз мол—мулкига эгаллик қилиш, ундан фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқидан иборатдир. Хусусий мулк ҳуқуқи субъектлари турли—тумли ва кенг доирада бўлса ҳам уларни бирлаштирувчи белги мулкнинг вужудга келиши, ундан фойдаланиш, бошқариш, тасарруф этиш, унинг натижаларидан баҳраманда бўлишда жисмоний шахс (хусусий шахс)нинг у ёки бу даражада иштирок этиши, иштирок этганида ҳам оммавий мулкдаги каби фуқаро (давлатга мансуб шахс) ёки махсус ваколатли мансабдор шахс сифатида эмас, балки мулкдор шахс сифатида иштирок этишидир. Бундай иштирок этиш бевосита (масалан, фуқароларга тегишли мол—мулк бўйича мулкдор ваколатларини амалга оширишда) ёки билвосита (масалан, юридик шахсни таъсис этувчиси ёки юридик шахс мол—мулкдан баҳраманда бўлувчи субъекти сифатидаги ҳуқуқларни амалга оширишда) намоён бўлади. Ҳар иккала кўринишда ҳам хусусий шахсга маълум мулкий ҳуқуқлар тегишли бўлади ва у бу ҳуқуқларни ўзига хос тарзда рўёбга чиқаради. Фикримизча Ўзбекистон Республикасида хусусий мулкни янада ривожлантириш учун қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

1. Хусусий мулк тўғрисидаги қонуларни, норматив ҳужжатаарни бир тизимга солиш, унификациялаштириш яъни, бирхиллаштириш лозим.

2. Амалдаги ФКда хусусий мулк ҳуқуқи бўйича пихоятда умумий характердаги нормалар ўрин олган. Шунинг учун хусусий мулк тўғрисидаги ФКдаги нормаларни қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш лозим.

3. Хусусий мулк ҳуқуқини мустахкамлашда мулк ҳуқуқини национализация, реквизиция орқали бекор бўлишининг қонун асослари белгилаб қўйилиши мақсадга мувофиқ. Яъни, Национализация ва Реквизиция тўғрисида махсус қонулар қабул қилиниши лозим.

4. Хусусий мулк ҳуқуқига қилинган тажовузуларга нисбатан жиноят қонунчилиги ва маъмурий жавобгарлик чоралари кучайтирилиши лозим.

5. Тадбиркорлик соҳасида хусусий мулкни мусодара қилиш чораси фавқулодда ҳуқуқий таъсир чораси сифатида қаралиши лозим. Яъни, уни бўлар — бўлмаста қўллавериш хусусий мулк ҳуқуқи дахлсизлигига путур етказди.

6. Хусусий мулк ҳуқуқини такомиллаштиришда ривожланган мамлакатлар қонунчилик тажрибасини ўрганиш, шунингдек мамлакатимизда суд амалиётини умумлаштириш лозим.

Хулоса қилиб шунини айтиш мумкинки, юқоридаги ҳолатлар хусусий мулк ҳуқуқини фуқаролик ҳуқуқи фани томонидан ҳар томонлама ва атрафлича илмий тадқиқ этиш зарурати мавжудлигини англатади. Хусусий мулк ҳуқуқини ҳар томонлама ўрганиш у ҳақида илмий асосланган назарий хулосалар ишлаб чиқишга, унинг моҳиятини англаб етишда, хусусий мулк ҳуқуқини фуқаролик — ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга, мақсадли йўналтирилган ҳуқуқий тартибга солиш механизминини яратишга олиб келган, бу эса охир — оқибатда иқтисодиётдаги ҳуқуқий ислохотлар самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатиб тадбиркорликни янада ривожланишига туртки берган бўлур эди.

В.Р. Топаляев
ю.ф.н. доцент

ОДДИЙ ШИРКАТ ШАРТНОМАСИ ФУҚАРОЛИК-ТАШКИЛИЙ ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТ СИФАТИДА

Оддий ширкат шартномаси мамлакатимиз қонунчилиги учун янгилик эмас. Бундай шартнома жуда қадимдан мамлакатимиз ҳудудида қўлланиб келинган. Бу шартнома бундан 2500 йил муқаддам қадимги Рим давлатида вужудга келган ва «Социетас» номи билан аталган. Ширкат шартномасига кўра икки ёки ундан ортиқ шахс хўжалик юритиш бўйича маълум бир мақсадга эришишни кўзлаб бирлашадилар. Ширкат моҳиятан қуйидаги мезонларга: шериклар кўзлаган жамиятта наф келтирувчи, қонун доирасидаги аниқ мақсад, умумий манфаатни ифодаловчи ва мақсадга эришишга қаратилган доимий келишувлар, мулкий ҳамжиҳатлик, фойда ва зиён кўришда шерикларнинг тенг иштирокига асосланган. Бу шартнома тури мусулмон ҳуқуқи қонунчилигида ҳам жуда яхши ишланган ва муваффақиятли қўлланилганлиги қадимги манбалардан маълум. Бундай манбалардан бири "Мухтасар" дир. Унда оддий ширкат "шериклик"

номи билан аталади. "Ширкати тақабул"¹⁹ да бир турли ҳунарни бирга қўшилиб бажаришга шарт қилишиб, ишлашда ҳамда ишни қилувчи қилиб олишдаги шериклик оддий ширкат тушунчасига тўғри келади. Унда ҳар бир ҳаракат, фойдани тақсимлаш ва бошқа масалаларни биргаликда шериклар келишувига асосан амалга оширилиши аниқ мисоллар орқали очиқ берилган.

Корпоратив ҳуқуқ бўйича етакчи мутахассислардан бири Т.Кашанина ширкатларнинг келиб чиқишини оила бошлиғи оилада янги ҳуқуқсизликка асосланган оилавий тадбиркорликдан келиб чиққан деб ҳисоблайди¹. Дастлабки пайтларда ширкатларда асосан ширкат раҳбарининг ёши, тажрибаси муҳим роль ўйнаган бўлса, кейинчалик иштирокчилар ўртасида уйдабурон, тадбиркор шахслар таъсири орта борди. Вақт ўтган сайин ширкатларнинг ўзи ҳам турларга ажрала бошлади.

Оддий ширкат шартномаси ўтмишда биргаликдаги фаолият тўғрисидаги шартнома номи билан аталиб келинган. Оддий ширкат шартномаси кўп томонлама шартномалардан бири бўлиб, унга асосан иштирокчилар деб аталувчи икки ёки ундан ортиқ шахслар фойда олиш мақсадига, қонунга зид бўлмаган умумий хўжалик юритиш учун ўз ҳиссаларини қўшиб, юридик шахс тузмасдан, биргаликда фаолият олиб бориш мажбуриятини оладилар. Оддий ширкат шартномасида иштирок этувчилар икки кишидан кам бўлиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 962-моддасига асосан оддий ширкат шартномаси (биргаликдаги фаолият тўғрисидаги шартнома) бўйича шериклар (иштирокчилар) деб аталувчи икки ёки ундан ортиқ шахс фойда олиш ёки қонунга зид бўлмаган бошқа мақсадга эришиш учун ўз ҳиссаларини қўшиш ва юридик шахс тузмасдан биргаликда иш олиб бориш мажбуриятини оладилар. Демак, ширкат бир неча шахсларнинг бир фаолиятни олиб бориш учун тузиладиган бирлашмаси ҳисобланади, лекин бу бирлашма юридик шахс мақомига эга бўлмасдан фаолият юритади. Шу сабабли муайян ҳаракат қилувчи иштирокчиларнинг ҳар бири юридик шахсдан фарқли ўлароқ муносабатда иштирок этиш жараёнида ўз субъектлигини сақлаб қолиш билан хarakterланади. Яъни, юридик шахс мақомига эга бўлган шахслар бирлашмаларида муносабатда иштирок ягона субъект орқали амалга оширилса (бу ерда юридик шахс мавҳум тушунча бўлиб, ўз ўзидан ундаги иштирокчилар муносабатда иштирок этсалар — да ўз номагаридан муносабатга киришмайди. Аксинча улар ягона субъект бўлган юридик шахс номидан ҳаракат қиладиган ва вужудга келган ҳуқуқ ва мажбурият ҳам улар учун эмас, юридик

¹⁹ Қаранг Мухтисар - Т. Чилпон, 1994, 239 б.

¹ Қаранг Кашанина - Т. В. Корпоратив ҳуқуқ, М: Норм, 1999 - с. 18.

шахс учун вужудга келади) оддий ширкатда вужудга келган ҳуқуқ ва мажбурият оддий ширкат тарафлари учун вужудга келади.

Оддий ширкат шартномаси бошқа фуқаролик ҳуқуқий шартномалардан ўзининг предмети, тарафлари, мақсади билан фарқ қилади. Бундай фарқлардан яна бири цивилист олимлар томонидан шартномаларни турли жиҳатларига кўра туркумлаш жараёнида янада яққолроқ кўринади.

Цивилист олим академик Х.Раҳмонқуловнинг фикрича шартномали мажбуриятлар таркибида мулкий муносабатлар ўз хусусиятларига кўра қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

1. Мол – мулкни ёки бошқа ашёвий ҳуқуққа бўлган мулк ҳуқуқини бошқа шахсга ўтказиш билан боғлиқ муносабатлардан келиб чиқадиган мажбуриятлар;

2. Мол – мулкни фойдаланиш учун бошқа шахсга топшириш билан боғлиқ муносабатлардан келиб чиқадиган мажбуриятлар;

3. Ишларни бажариш билан боғлиқ муносабатлардан келиб чиқадиган мажбуриятлар;

4. Хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ муносабатлардан келиб чиқадиган мажбуриятлар;

5. Вакиллик фаолияти билан боғлиқ муносабатлардан келиб чиқадиган мажбуриятлар;

6. Ташкилий – ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган мажбуриятлар²⁰.

Муаллиф бу ўринда оддий ширкат шартномасини ташкилий – ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган мажбуриятлар туркумига киритади.

Цивилист олим О.С.Иоффе шартномаларни янада майдалаган ҳолда:

1. Мол – мулкни ҳақ эвазига ўтказиш бўйича мажбуриятлар;

2. Мол – мулкни мулк сифатида ёки фойдаланишга текин бериш бўйича мажбуриятлар;

3. Ишларни бажариш бўйича мажбуриятлар;

4. Хизматлар кўрсатиш бўйича мажбуриятлар;

5. Юк ва пассажирлар ташиш бўйича мажбуриятлар;

6. Кредит ва ҳисоб – китоб бўйича мажбуриятлар;

7. Биргаликдаги фаолият бўйича мажбуриятлар;

8. Сугурта бўйича мажбуриятлар;

9. Мол – мулкдан ҳақ эвазига фойдаланиш бўйича мажбуриятлар тарзида туркумлайди²¹.

Цивилист олимлардан О.А. Красавчиков ҳам шартномаларни ўзига хос:

1. Мол – мулкни топширишга бўлган мажбуриятлар;

2. Ишларни бажаришга бўлган мажбуриятлар;

²⁰ Қаранг: Раҳмонқулов Х. Мажбурият ҳуқуқи. [Умумий қондалар]. –Т.: ТДҲОИ. 2005. Б. 18 – 20.

²¹ Қаранг: Иоффе О.С. Обязательственное право. М., Юрлит. 1975. -176.

3. Хизматлар кўрсатишга қаратилган мажбуриятлар;

4. Пул топширишга қаратилган мажбуриятлар тарзида туркумлайди²².

О.А. Красавчиков юқоридаги муаллифлардан фарқли равишда оддий ширкат фаолиятни бирлаштириш бўлганлиги сабабли, бу ерда мазкур шартнома туркумлаган ишларни бажаришга бўлган мажбуриятлар ва хизматлар кўрсатишга қаратилган мажбуриятлар туркумига мансуб бўлади деган хулосага келади.

М.Брагинский, В.Витрянский шартномаларни бундай гуруҳлаштиришга нисбатан танқидий муносабатда бўладилар. Уларнинг фикрича, бунда туркумлаштиришдан ҳам кўпроқ шартномаларни инвентаризациялашга ўхшаб кетади. Гуруҳлар ўргасида аниқ белгилаб қўйилган ички чегаралар мавжуд эмас. Шу сабабли ҳам улар шартномаларни кўп поғонали туркумлаштиришни тавсия этадилар. Бунда ҳар бир гуруҳга бирлаштирилган шартномалар ҳар бир босқичда ўзидан аввалги босқичнинг муайян хусусиятларини ўзида мужассамлаши лозим. Уларнинг фикрича, «натижа» («натижани йўналтирилганлиги») тамойилидан етарли даражада фойдаланган ҳолда ФҚда ўз ўрнига эга бўлган шартномаларни тўрт гуруҳга бўлиш мумкин:

- мол – мулкни топширишга қаратилган шартномалар;
- ишларни бажаришга йўналтирилган шартномалар;
- хизмат кўрсатишга қаратилган шартномалар;
- турли тузилмаларни таъсис этишга қаратилган шартномалар.²

Албатта, М.Брагинский, В.Витрянскийлар томонидан шартномаларни бу мезонлар асосида туркумлаштиришга салбий муносабат унчалик тўғри эмас, чунки бундай туркумлаштириш бўйича шартномаларни, мажбуриятларни муайян туркум гуруҳлари, уларнинг моҳияти, мазмунини чуқурроқ тушуниб олишга ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштиришда муайян гуруҳларга эришишни таъминлайди.

М.Брагинский, В.Витрянский тўртинчи гуруҳ доирасида бўлиниш бирлашиш мақсадини ҳисобга олган ҳолда амалга ошириш лозим деб ҳисоблайдилар. Бу ҳолатда улар юридик шахслар ташкил этиш мақсадини кўзласа (тўлиқ ширкат, ишончга асосланган ширкат – командит ширкат, масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар ташкил этиш учун зарур бўлган ва таъсис шартномалари акциядорлик жамияти тузиш борасида таъсисчилар шартномаси назарда тутилмоқда), бошқа ҳолатда эса, юридик шахс ташкил этмасдан биргаликда хўжалик фаолияти юритиш мақсади кўзланади. Биргаликдаги фаолият охир оқибатда юридик шахс ҳуқуқига эга бўлмаган оддий ширкат шаклидаги тузилма барпо этишга қаратади.

²² Қўшимч. Красавчиков О.А. Вопросы системы свободной части ГК РСФСР. Свердловск. 1967. -127-5

² Қўшимч. Брагинский М., Витрянский В. Договорное право. М., Статут. 1997. - 320

Ҳозирги вақтда фуқаролик ҳуқуқининг предмети мулкӣ ва шахсий номулкӣ муносабатлар билангина боғлиқ эмаслиги тўғрисида бир қатор фикрлар айтилмоқда. Жумладан, проф. О.Оқюлов фуқаролик ҳуқуқини предмети таркибига ташкилий ҳуқуқий муносабатлар ҳам киради деган фикрни илгари суради. Ушбу фикр мулоҳазанинг исботини у юридик шахслар ташкил этиш жараёнида кўради. Унинг кўрсатишича, фуқаролик ҳуқуқи томонидан тартибга солинадиган муносабатларни анъанавий равишда фақат мулкӣ ва шахсий номулкӣ турларга ажратиш ҳар доим ҳам тўғри эмас. Баъзан субъектлар ўртасида, шундай муносабатлар ҳам вужудга келадик, улар ўз моҳиятига кўра, мулкӣ на шахсий – номулкӣ бўлиб ҳисобланмайди. Бу ўринда гап фуқаролик ҳуқуқий муносабат иштирокчиларини муайян тузилмалар тузиш бўйича ташкилий муносабатларга киришиши ҳақида (юридик шахслар ташкил этиш, юридик шахслар иттифоқларини ташкил этиш, биргаликдаги нотижорат ҳамкорлик тўғрисида) бормоқда. Тўғри, Е.Суханов улардан баъзиларини мулкӣ муносабатларни ўзига хос кўриниши бўлган корпоратив муносабатлар деб ҳисоблайди. Бироқ бу ушбу муносабатлар моҳиятини аниқ ва тўлиқ ифода этмайди.¹

Академик Ҳ.Раҳмонқулов бу фикрга қўшилибгина қолмасдан, уни янада давом эттиради ва чуқурлаштиради. Унинг фикрича, бир тарафини иккинчи тарафга маъмурий бўйсунишига асосланмаган тарафларнинг тенглик тамойилига асосланган ташкилий мулкӣ муносабатлар, фуқаролик ҳуқуқи билан тартибга солинади ва бундай ташкилий муносабатлар жумласига қуйидагилар ҳам киради:

– юридик шахснинг ҳуқуқий мақомини белгиловчи уставини нишлаб чиқиш, қабул қилиш ва тасдиқлаш;

– таъсис шартномасини тузиш ва уни давлат рўyxатидан ўтказиш, шунингдек, бошқа ташкилий – ҳуқуқий тузилмалар ташкил этиш ва уларни юридик расмийлаштириш (турли хўжалик бирлашмалари, ширкатлари ва уларни ваколатхоналари, филиаллари шаклидаги юридик шахсларни ташкил қилиш);

– қайтадан ташкил этиш билан боғлиқ муносабатлар (юридик шахсни қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиш чиқариш, ўзгартириш ва ҳ.к.);

– биргаликдаги фаолият тўғрисидаги шартномани тузиш (оддий ширкат шартномаси);²

¹ Қараңг: Оқюлов О.О.Современные концепции о предмете гражданского право и проблемы либериализации системы право. Материалы международного симпозиума традиционное право Узбекистана и Японии проблемы совершенствования законодательства Т., 2002. – с. 48

² Қараңг: Раҳмонқулов Х.Р. Фуқаролик ҳуқуқининг предмети, методи ва тамойиллари. Т., 2003. – 25 б.

Бундан ташқари дивялист олим проф. Р.Рўзиев фуқаролик ташкилий ҳуқуқий муносабатлар таркибига қуйидагилар ҳам киреди деган фикр ва мулоҳазаларни илгари суради:

– дастлабки шартномаларни тузиш (бунда шартнома шартларига мувофиқ келгусида мол – мулк бериш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш бўйича дастлабки шартнома асосида келгусида асосий шартнома тузиш ҳақида келишиб олинади);

– узоқ муддатли хўжалик алоқаларини ўрнатиш учун тузиладиган шартнома;

– мажбурий тартибда тузиладиган шартномалар асосида вужудга келадиган муносабатлар (муайян муддатлар мобайнида шартнома лойиҳаларини тузиш ва унинг шартлари ҳақида келишиб олиш);

– шартнома тузиш олдида бўладиган низоларни ҳал қилиш ва ҳоказо.²³

Юқоридаги муаллифларнинг фикрларини умумлаштирган ҳолда оддий ширкат шартномасини бошқа шартномалардан фарқли ўзинга хос жиҳатларидан бири келиб чиқади. Яъни, оддий ширкат шартномаси фуқаролик ташкилий – ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган мажбуриятларни вужудга келтирувчи шартнома ҳисобланади. Хулоса қилиб шунни таъкидлаш мумкинки фуқаролик ташкилий ҳуқуқий муносабатларни ҳар томонлама илмий таҳлил қилиш Ўзбекистон Республикасида фуқаролик қонунчилигини янада такомиллаштиришга олиб келади.

Алишер Иноятов
2–курс магистранти

ТОВАР ОМБОРИДА ОМОНАТ САҚЛАШ ШАРТНОМАСИ ТАРАФЛАРИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач кўплаб соҳалар каби хизмат кўрсатиш соҳаларига ҳам катта эътибор бериламоқда. Бунини биз республикамизнинг барча ҳудудларида тadbirkorлик фаолиятига кенг эркинлик берилаётганлиги ва улар кўрсатаётган хизмат турларининг кенгайиб бораётганлиги билан изоҳлашимиз мумкин.

Бозор муносабатларига ўтиш шароитида товар омбурида омонат сақлаш муносабатларининг мазмуни, моҳияти ва иқтисодий муносабатлар тизимидаги ўрни тубдан ўзгарди. Айниқса, шартнома тарафларининг мажбуриятлари доирасининг кенгайганлиги бевосита бозор муносабатлари шароитида талаб ва таклиф, рақобат, субъектларга берилган кенг имкониятлар ва

²³ Қўраш: Рўзиев Р.Ж. Фуқаролик ҳуқуқи. Т1: «Салсафа ва ҳуқуқ институти». 2005. – 23 б.

ташаббускорликнинг натижаси бўлди. Таъкидлаш лозимки, товар омборида омонат сақлаш шартномасининг тарафлари шартном тузишда бевосита эрк-ирода эркинлиги асосида ҳуқуққ муносабатга киришадилар. Шу билан бирга фуқароля ҳуқуқларини амалга ошириш эркинлиги бевосита субъектлари шартномавий муносабатларга эркин кириши имконини ҳа беради²⁴.

Маълумки, шартнома мазмуни деганда тарафлар келишув билан шартномага киритилган шартлар тушунилади²⁵. Ҳ.Р.Раҳмонқуловнинг таъкидлашича, шартномада тарафларнинг келишилган ва мустаҳкамланган шартларининг йиғиндис шартноманинг мазмуни деб эътироф этилади. Шартном мазмунини ташкил этадиган унинг шартлари шартном тарафларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятларидир, деган тушунчан аниқламайди²⁶.

Товар омборининг асосий мажбурияти сифатида товар сақлаш учун қабул қилиб олиш ҳисобланади. ФКнинг 876-моддасига мувофиқ, Омонат сақлашни тадбиркорлик ёки бошқа профессионал фаолият сифатида амалга оширадиган омонат сақловчи омонат сақлаш шартномаси бўйича ўз зиммасига ю топширувчининг ашёларини сақлашга қабул қилиш ва ю топширувчи берган нарсаларни ушбу моддада назарда тутилган қондаларга мувофиқ сақлаш мажбуриятини олиши мумкин. Омонат сақлаш шартномаси бўйича ашёни сақлашга қабул қилиш мажбуриятини олган омонат сақловчи бу ашёни сақлаш учун ўзин беришни талаб қилишга ҳақли эмас. Бироқ, ашёни омонат сақлаш шартномасида назарда тутилган муддатда сақлашга топширмага юк топширувчи, агар қонунда ёки шартномада бошқача тарти назарда тутилган бўлмаса, ашёни сақлашга топширмаганлиг муносабаги билан етказилган зарар учун омонат сақловчи олдид жавобгар бўлади. Агар омонат сақлаш шартномасида бошқач тартиб назарда тутилган бўлмаса, ашё шартномада келишилган муддатда сақлашга топширилмаган ҳолларда, борди – ю, бу мудда белгиланмаган бўлса, шартнома тузилган кундан бошлаб уч о ўтганидан кейин омонат сақловчи ашёни сақлашга қабул қилиш мажбуриятидан озод этилади.

Товар омборида омонат сақлаш муносабатлари учун энг муҳи жиҳатлардан бири бу товарлар омонат сақлашга қабу қилинганлигини тасдиқлаш мақсадида тузилган ҳужжатлардиг ФКнинг 908 – моддасига мувофиқ, товар омборлари товарлар сақлашга қабул қилганлигини тасдиқлаб, қуйидаги омбо ҳужжатларини бериши мумкин:

²⁴ Емельянов В.И. Рациональность, добросовестность, незлоупотребление гражданскими правами.-М.:Лек Книга. 2002.-40 с.

²⁵ Гражданское право. Ч.1./Под.ред. А.П.Сергеева, Ю.К.Толстого.-М.:Прспект.2005.-588 с

²⁶ Раҳмонқулов Ҳ. Мажбурият ҳуқуқи.-Т.:ДЮИ.2005.-237 б.

- икки қисмли омбор гувоҳномаси;
- оддий омбор гувоҳномаси;
- омбор паттаси.

Икки қисмли омбор гувоҳномаси, унинг ҳар бир қисми ва оддий омбор гувоҳномаси қимматли қоғозлар бўлади.

Ҳар қандай қимматли қоғозлар каби икки қисмли омбор гувоҳномаси ҳам ўзига хос мулкӣ ҳуқуқларни кафолатлайди. Қимматли қоғоз ҳисобланган омбор ҳужжатлари бир вақтнинг ўзида мол—мулк гарови ва омонат сақлаш муносабатлари билан боғлиқ мулкӣ ҳуқуқларни кафолатлайди.

Товар омбори — тадбиркорлик фаолияти сифатида товарларни сақлайдиган ва сақлаш билан боғлиқ хизматларни кўрсатадиган ташкилот бўлиб, у махсус ва умумий омборларга бўлинади. Махсус омборлар товарларни сақлаш учун чегараланган доирадаги шакллардан қабул қилишлари қонун ҳужжатлари билан белгиланади. Агар товар омборига нисбатан бундай чекловлар белгиланмаган бўлса, бундай товар омборлари умумий омборлар ҳисобланади²⁷.

Товар омбори стандартлар, техникавий шартлар, технология йуриқномалари, сақлаш йуриқномалари, айрим турдаги товарларни сақлаш қоидаларида, омбор учун мажбурий бўлган бошқа махсус норматив ҳужжатларда белгилаб қўйилган сақлаш шартлари (тартиботи) га риоя қилиши лозим.

Агар омборда омонат сақлаш шартномасида бошқача тартиб наърда тугилган бўлмаса, товар омбори товарларни сақлаш учун қабул қилиб олаётганида уларни ўз ҳисобидан кўздан кечириши керак.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 25 майдаги 95—сонли қарори билан тасдиқланган "Дон ва дон маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш, ички таниш, қайта ишлаш ва сотишнинг дастлабки ҳисобини юритиш ва расмийлаштириш тартиби тўғрисида" ги Низомнинг²⁸ 86—бандига кўра, Ишлаб чиқарилган маҳсулот корхоналарида ҳисоблагичнинг кўрсаткичлари бўйича ҳисобга олинади, чиқиндилар эса бевосита смена мастери еки қоплаш бўлими мудирининг бевосита кузатувида тарозидан тортилади. Ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳисоби журналда смена мастери томонидан юритилади, санитария ҳолати тўғрисидаги белгини смена лаборанти қўяди. Журналда, шунингдек идишсиз сақлаш омборига, қадоқлаш цехига берилган маҳсулот, қопланган қонлар сони ҳам юритилади.

²⁷ Фискалий ҳуқуқи. II-қисм.—Тошкент: Адолат, 1999.—249 б.

ВОСИТАЧИЛИК ШАРТНОМАСИ ТЎҒРИСИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Мамлакатимизда амалга ошириладиган ислохотларнинг асосий мақсадларидан бири бозор иқтисодиёти қонуниятларига асосланган янги иқтисодий муносабатларни вужудга келтириш ва уларни изчил ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган қонунчилик базасини яратиш ҳисобланади. Таъкидлаш жоизки бозор муносабатлари тизимини шакллантирилиши, унинг ҳуқуқий асосларини вужудга келтирилиши шартнома ва битимларни ижтимоий ҳаётни ҳуқуқий тартибга солувчи асосий воситага айланишига олиб келди. Бугунги кунда фуқаролар, юридик шахслар ва бошқа субъектлар ўртасидаги муносабатлар шартномалар тузиш орқали расмийлаштиримоқда. Бироқ шартномаларга нисбатан қўйиладиган талабларга ҳар доим ҳам риоя қилинаётгани йўқ. Бу эса турли хил низоларни келтириб чиқармоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий негизини яратиш иқтисодий ислохотни амалга оширишнинг асоси эканлигини таъкидлаб, қуйидагиларни ёзади: «Мустақкам ҳуқуқий негиз бўлгандагина ўзини оқламаган эски тизимни тўла ишонч билан қайта қуриш, маданий бозор иқтисодиётига эга бўлган янги жамият қуриш мумкин. Ҳозирги мутлоқ янги сиёсий – иқтисодий ва ҳуқуқий муносабатларни акс эттирувчи янги қонунлар мажмуигина биз барпо этаётган ёш ижтимоий бинога барқарорлик, демократик характер бахш этувчи омил бўлиб хизмат қилади. Республиканинг барча аҳолиси манфаатларини таъминлашга, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар мавжуд бўлгандагина туб ўзгаришларнинг кучли ижтимоий асослари яратилади. Ўзбекистоннинг ёрқин келажигига ишонч уйғотилади»¹. Таъкидлаш лозимки, бозор муносабатлари шароитида воситачилик хизматиға бўлган талаб кескин ортди. Айниқса савдо, хизмат кўрсатиш ва иш бажариш соҳаларида воситачилик хизматидан фойдаланиш, қимматбаҳо қорозлар муомаласини амалга оширишда воситачилик хизматларидан кенг фойдаланилади. Бугунги кунда воситачилик ижтимоий ҳаётнинг деярли барча соҳаларида кенг қўлланиладиганлиги, биринчи навбатда воситачилик фаолиятининг ўз ҳисобидан муайян харажатлар қилмаслиги ва учинчи шахслар

¹ Каримов И.А. «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларини чуқурлаштириш йўлида» – Т., «Ўзбекистон» 1995 й 29 – бет

ҳисобидан ўз фаолиятини амалга ошириш орқали фойда кўриниши билан характерланади.

Маълумки, воситачилик шартномаси хизмат кўрсатишга оид шартномалар тизимида мансуб ҳисобланади ва бунда воситачи комитент кўрсатмаларига мувофиқ ўз номидан лекин комитент ҳисобидан бир ёки бир неча битимларни тузади. Хизмат кўрсатишнинг бу турида воситачи томонидан учинчи шахс учун ҳуқуқий оқибат туғдирадиган юридик ҳаракат содир этилади. Воситачилик ёрдамида мол-мулкни пулли реализация қилишга доир келишувлар амалга оширилади. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак у савдо воситачилиги муносабатини расмийлаштиради. Мамлакатимизда воситачилик шартномаси билан боғлиқ муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган нормалар мавжуд бўлса — да, воситачилик фаолиятининг ҳуқуқий «сосларини белгилаш, воситачиларнинг ҳуқуқий мақомини аниқлаш, профессионал воситачилик фаолияти билан шуғулланиш шартлари ва тартибини ўрнатиш масалларини ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган қонун ҳужжатлари қабул қилинмаган. Шу билан бирга воситачилик фаолиятини амалга ошириш, фаолият соҳаларини белгилаш, воситачиликнинг ўзига хос тадбиркорлик фаолияти сифатидаги белгиларини ҳамда воситачилик хизматини амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмни яратиш ҳам амалий жиҳатдан муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек «Шартнома тузиш маданияти шартномалар маданиятини бутунлай янги поғонага кўтаришимиз керак».²¹ Ана шу нуқтаи назардан воситачилик билан боғлиқ ижтимоий муносабатларнинг йўналиши ва хусусиятларининг ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинишининг илмий таҳлили амалиёт учун катта фойда келтиради. Ўзбекистон Республикасининг янгиланган фуқаролик қонунчилиги негизда воситачилик шартномасининг тушунчаси ва бозор муносабатлари шароитидаги ўзига хос хусусиятларини аниқлаш, воситачилик шартномасининг бозор иқтисодиёти шароитида зарурияти ва амалий аҳамиятини очиб бериш, хизмат кўрсатиш шартномалари тизимида воситачилик шартномасининг тўтган ўрнини белгилаш назарий жиҳатдан алоҳида ўринга эга. Шу билан бирга мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг воситачилик шартномасини тузиш ва ижро этиш, воситачилик хизматининг бозор муносабатлари шароитидаги хусусиятларини тадқиқ этишга қаратилган тадқиқот ишларининг олиб борилмаганлигини аниқлади. Республикамызда воситачилик шартномаси Ҳ.Р.Раҳмонқулов, И.Б.Зокиров, Б.Ибратов, Ш.Н.Рўзиназаров, С.Б.Бобоқулов, Т.В.Кочергина ва бошқа олимлар

²¹ И.А.Каримов Мустақил Ўзбекистон: истиқлол олдидан, мавқура Т, «Ўзбекистон» 1997, 16 — бет.

томонидан муайян даражада ўрганилган. Воситачилик шартномасининг фуқаролик – ҳуқуқий масалалари МДҲ мамлакатларида С.Н.Братусь, О.С.Иоффе, М.К.Сулайманов, Е.А.Суханов, Н.А.Барингов,³⁰ Н.В.Сирик,³¹ Е.Д.Шешенин³² ва бошқа олимлар томонидан ўрганилган. Бироқ бу тадқиқотлар ё соби совет қонулари асосида ёхуд хорижий давлатлар қонулари асосида тадқиқ этилгани маълум. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Фуқаролик кодекси асосида яратилган ўқув адабиётлари ҳам воситачилик шартномаси мавзуси ниҳоятда қисқа баё қилинган. Булар эса ўз навбатида, воситачилик шартномаси тушунчасига оид илмий асосланган ва унинг барча жиҳатларини қамраб олган муаллифлик таърифини бериш, воситачилик шартномасининг шакли ва уни қўлланилиш соҳаларига аниқли киритиш, воситачилик хизматини фуқаролик – ҳуқуқий тартибга солишга оид муаммоларни ўрганиш ва тадқиқ этиш заруратини белгилайди. Фикримизча воситачилик шартномасини қуйидагилар асосида ҳар томонлама илмий таҳлил этилса мақсадга мувофи бўлар эди:

- воситачилик шартномасининг тушунчаси ва моҳиятини очи бериш;
- воситачилик шартномасининг мажбуриятлар тизимида тўғри ўрни ва аҳамиятини ёритиш;
- воситачилик шартномаси фуқаролик ҳуқуқий асосларининг ривожланиш босқичларини кўриб чиқиш;
- бозор тизимида воситачилик шартномаси намое бўлишининг ўзига хос хусусиятлари аниқлаш;
- воситачилик шартномасини тузиш тартиби ва шаклин таҳлил қилиш;
- воситачилик шартномасининг мазмунини, шартном тармақларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини очи бериш;
- воситачилик шартномасини ижро этиш масалалари кўри чиқиш;
- воситачилик шартномасида мажбуриятлар ижросини таъминлаш усулларини қўллаш ёритиш;
- воситачилик шартномаси бўйича мажбуриятларни бузганли учун фуқаролик – ҳуқуқий жавобгарликни таҳлил қилиш;
- тадбиркорлик субъектларининг воситачилик муносабатларида иштирокининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш;

³⁰ Барингов Н.А. Услуги (социально-правовой аспект) - Саратов.2001

³¹ Сирик Н.В. Договор на оказание туристских услуг в гражданском праве России. Автореф. дисс... к. ю. н. - М.: 2001.

³² Шешенин. О правовой природе договоров в сфере обслуживания. В.К.Н. Битовое обслуживание населения (правовые вопросы). -М.: 1968.

• айрим МДХ ва хорижий давлатларнинг фуқаролик қонунчилигида ва амалиётида воситачилик шартномасини амаллашнинг ўзига хос жиҳатларини ўрганиб, уларни таҳлил этиш;

• амалдаги Фуқаролик кодексининг воситачилик шартномасини тартибга солувчи нормаларини такомиллаштириш мазмунидан таклифлар ишлаб чиқиш.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш мумкинки воситачилик шартномасини мазмун ва моҳиятини ҳар томонлама илмий таҳлил қилиш Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик фаолиятини янада ривожланиши ва шартнома институтини такомиллаштиришга амалий ёрдам беради деб ўйлаймиз.

Мадор Машрапов
2-курс талабаси

ОАДИЙ ШИРКАТ ШАРТНОМАСИДА ЖАВОБГАРЛИК МАСАЛАЛАРИНИ АЙРИМ ЖИХАТЛАРИ

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик кодекси давлатимиз ҳуқуқида мажбуриятларнинг аъъанавий тушунчасини таъкидлаб ўтди ва фуқаролик кодексининг 234-моддасини 1-қисмида қуйидагича ифодаланди: «Мажбурият-фуқаролик ҳуқуқий муносабат бўлиб, унга асосан бир шахс (қарздор) бошқа шахс (кредитор) фойдасига муайян ҳаракатни амалга оширишга, жумладан, мол-мулкни топшириш, ишни бажариш, хизматлар ўрсатиш, пул тўлаш ва ҳ.к. ёки муайян ҳаракатдан ўзини сақлашга мажбур бўлади, кредитор эса-қарздордан ўзининг мажбуриятларини бажаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади». Демак, шунга қўра, мажбуриятларнинг бажарилиши муайян ҳаракатни амалга ошириш ёки муайян ҳаракатдан сақланиш деб тушунилади. Мажбуриятларнинг бажарилиши ҳақидаги мазкур тушунча юқорида келтирилган фуқаролик кодексининг 234-моддаси 1-қисмидан мантиқан англашилсада, ҳуқуқ назариясида унга бир неча бор изоҳ берилди ва бизнинг фикримизча, бу қонунчиликнинг ўзида мавжуд қарама-қаршиликлар каби, алоҳида олимларнинг ҳаракатларидаги хилма-хиллик билан ҳам изоҳланади.

Биринчи навбатда, мажбуриятларнинг бажарилишини ўзича тушуниш, у ҳақда унчалик тўғри хулосани бермайди. И.С.Тольстойнинг фикрича, мажбурият ҳуқуқий муносабатдаги «бурчларнинг бажарилиши» билан «мажбуриятларнинг бажарилиши»ни фарқлаш лозим, яъни «мажбурият ҳуқуқий муносабатдаги бурчларни бажариш қарздор томонидан кредитор талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган ҳаракатларни амалга оширишни англатади», «мажбуриятларни тўхтатиш учун эса унинг тартибини таъминлаш тугвчи алоҳида бурчларнинг миқдорига боғлиқ бўлган

қатор ҳаракатларни бажариш лозимдир».¹ Мажбурият — бу тегишинча фуқаролик ҳуқуқий муносабат бўлиб, таркибини бир ёки бир қанча бурчлар ташкил этган ижобий ҳаракатларни амалга оширишдир.

Бурч ҳар доим мажбурият ёки бошқа ҳуқуқий муносабатни таркибий қисми сифатида вужудга келади. «Ҳар бир имконият, деб ёзади В.С.Тольстой, тегишли шахсларни ҳуқ — атворида ҳақиқатга айланади».¹ Ҳуқуқий муносабат қатнашчиси томонидан тез — тез амалга ошириладиган муайян ҳаракатни кўриб чиқишни қонун ўша ҳаракат қайси субъектдан келиб чиқиши лозим бўлса, ўша субъектга айланади. Лекин ҳуқуқий муносабатнинг бошқа шахслар томонидан тез — тез кўриб чиқиши чегараланган ёки умуман таъқиқланган.

Қарздор кўриб чиқишини чегаралаш орқали қонун ўз навбатида юқори эҳтимоликни яратадики, бунда бошқа тараф учун исталган ва олдиндан белгиланган ҳуқ — атвор ҳақиқатга айланади. Қонунчилик ва юридик адабиётларда биринчи тоифа имкониятни, одатда, ҳуқуқ, субъектив ҳуқуқ, қонунийлик, иккинчи тоифадаги имкониятларни эса — бурч деб атайдилар. Демак, бурч ҳам ҳуқуқдек — баъзи бир ҳаракатларни амалга ошириш имкониятидир, лекин унинг фарқли хусусияти қарздор шахсга нисбатан санкция қўллаш таҳдида кўринади, албатта, агар шахс ҳуқуқбузарликка йўл қўйса, қонун чиқарувчи ва ваколатли шахсларнинг тахминича, шартномавий мажбуриятларда санкцияни белгилаш мажбурият эгаси учун бир мунча номақбул (ноқулай) бўлиб, унинг олдига ягона йўл, яъни, белгиланган буйруққа (фармойишга) амал қилиш қолади ҳолос. Лекин шунини таъкидлаш жоизки, бутун қонунчиликда, жумладан, Фуқаролик кодексига ҳар доим ҳам мантиқан олганда «мажбурият» ва «бурч» атамалари фарқланмайди ва тез — тез бир — бирининг ўрнида қўлланилаверади. Масалан, Фуқаролик кодексининг 239 — моддасига мувофиқ: «кредитор мажбуриятнинг қисмларга бўлиб бажарилишини қабул қилмасликка ҳақли».

Ўз — ўзидан кўришиб турибдики гап бу ерда мажбуриятнинг яхлит бажарилишини қабул қилишда эмас, балки мажбуриятларни қисмларга бўлиб бажарилишини қабул қилиш тўғрисида кетмоқда. Мадомики, мажбурият ўз ичига кредиторга юкланган бурчни ҳам олар экан, демак, у ҳеч ҳам қисмларга бўлиб бажарилишини қабул қила олмайди.

Юқорида берилган ноизчилик амалдаги қонунчилик шарҳларида ҳам акс этади. Жумладан, Г.Отнюкова фақат мажбуриятларнинг бажарилишини муҳокама қилаётганда

¹ Тольстой В.С. Исполнение обязательств. -М.: Юрид.лит. 1973. -22,- 25 с.

¹ Тольстой В.С. Исполнение обязательств. -М.: Юрид.лит. 1973. -5 с.

мажбуриятларнинг бажарилиши билан бурчларнинг бажарилиши ўртасидаги фарқни кузатмайди.¹

Аслини олганда, «мажбурият» атамаси ўз таркибига кирувчи «мақолатли шахсларнинг ҳуқуқлари ва қарздорнинг бурчларидан иборат яхлит мажмуани англатади. «Бурч» атамаси эса баъзи бир ҳаракатларни амалга ошириш имкониятини англатиб, унинг фарқли хусусияти қарздорга нисбатан санкция қўллаш таҳдидида намоён бўлади, албатта, қарздор ҳуқуқбузарликка йўл қўйса.

Иккинчидан, мажбуриятларнинг бажарилиши ва муайян ҳаракатларни амалга оширишдан сақланиш ҳақидаги ҳолат баҳсли ҳисобланади. Айрим муаллифлар «мажбуриятларнинг таркибини муайян ҳаракатларни амалга ошириш ёки ҳаракатлардан сақланиш ташкил этади деб эътироф этадилар. «Мажбуриятларнинг бажарилиши фақат фаол ҳаракатлар туфайлигина амалга оширилиши мумкин» деб ҳисоблайдилар ҳамда «ҳаракатлардан сақланиш қарздорнинг мустақил (алоҳида) бурчини ташкил этмайди, балки фаол ҳаракатларни амалга ошириш бўйича бурчларни тўлдиради, холос».¹ В.С.Тольстойнинг таъкидлашича, шартномалар ва маъмурий актларда ижобий ҳаракатлардан сақланиш бурчи ҳеч қачон мустақил мақсад сифатида ўрнатилмайди². Бундай мулоҳазаларга қўшилиш қийин.

Мазкур мавзу бўйича бир мунча неча ўн йиллардан бериб баҳс – мунозара кетмоқда. Г.Ф.Шершеневич XX асрнинг бошларидаёқ таъкидлаган эдики, «мажбуриятнинг объектини ташкил этувчи ҳаракат ижобий ёки салбий характер касб этиши мумкин. «Ҳаракат» тушунчаси остига қурилган сақланиш қарама – қарши тушунчани ҳосил этмайди; сақланиш ҳаракатсизлик эмас – бу муайян натижага йўналтирилган эрkning йўқлиги, балки аксинча, шундай эрkning мавжудлигидир». Салбий маъно – мазмунига эга мажбуриятта мисол тариқасида Г.Ф.Шершеневич «турдош савдо вакили бошқа шахснинг ишига зарар (путур) етказмаслиги ҳақида» ги шартномани келтиради³. Мажбуриятнинг мазмун моҳиятини бундай тушуниш, бизнинг фикримизча, тўғридир.

Дарҳақиқат, тадбиркорлик муносабатларининг замонавий ривожланиш босқичида мажбуриятларга қўшимча тарзда, яъни муайян ҳаракатлардан сақланиш бурчи қарздорнинг бурчларидан бири (масалан, ижарага олувчининг бурчи, ижарага берувчининг розилигисиз, мулкни ижарага бермаслик) бўлиб, қарздорнинг муайян ҳаракатларни амалга оширишдан сақланиши асосий предмет бўлган мажбуриятнинг айрим турлари пайдо бўлди. Тадбиркорлик фаолиятида тобора кенг қўлланилаётган шартномалар қаторида сир сақлаш ҳақидаги шартнома ҳам мавжуд.

¹ Ошаникова Г.Д. «Исполнение обязательств». С.120.

² Гражданское право. ч.1 / под ред Ю.К.Толстого, А.П.Серебряева. -Спб., Издат-во ТЕНС. 1996.-462 с.

³ Толстой В.С. Исполнение обязательств. -М.: Юридлит. 1973. —9 с.

⁴ Шершеневич Г.Ф. Учебник торгового права. -Вл.: Бел. 1995.

қатор ҳаракатларни бажариш лозимдир».¹ Мажбурият — б тегишинча фуқаролик ҳуқуқий муносабат бўлиб, таркибини би ёки бир қанча бурчлар ташкил этган ижобий ҳаракатларни амал оширишдир.

Бурч ҳар доим мажбурият ёки бошқа ҳуқуқий муносабати таркибий қисми сифатида вужудга келади. «Ҳар бир имконият, де ёзади В.С.Толстой, тегишли шахсларни ҳуққ — атворида ҳақиқат айланади».¹ Ҳуқуқий муносабат қатнашчиси томонидан тез — те амалга ошириладиган муайян ҳаракатни кўриб чиқишни қонун ўш ҳаракат қайси субъектдан келиб чиқиши лозим бўлса, ўш субъектга айланади. Лекин ҳуқуқий муносабатнинг бошқа шахсла томонидан тез — тез кўриб чиқиши чегараланган ёки умум таъқиқланган.

Қарздор кўриб чиқишни чегаралаш орқали қонун ў навбагида юқори эҳтимоликни яратадики, бунда бошқа тараф учун исталган ва олдиндан белгиланган ҳуққ — атвор ҳақиқатга айланади. Қонунчилик ва юридик адабиётларда биринчи тоифа имкониятни, одатда, ҳуқуқ, субъектив ҳуқуқ, қонунийлик, иккинчи тоифадаги имкониятларни эса — бурч деб атайдилар. Демак, бурч ҳам ҳуқуқдек — баъзи бир ҳаракатларни амалга ошириш имкониятидир, лекин унинг фарқли хусусияти қарздор шахста нисбатан санкция қўллаш таҳдида кўринади, албатта, агар шахс ҳуқуқбузарликка йўл қўйса, қонун чиқарувчи ва ваколатли шахсларнинг тахминича, шартномавий мажбуриятларда санкцияни белгилаш мажбурият эгаси учун бир мунча номақбул (ноқулай) бўлиб, унинг олдида ягона йўл, яъни, белгиланган буйруққа (фармойишга) амал қилиш қолади холос. Лекин шуни таъкидлаш жоизки, бутун қонунчиликда, жумладан, Фуқаролик кодексига ҳар доим ҳам мантиқан олганда «мажбурият» ва «бурч» атамалари фарқланмайди ва тез — тез бир — бирининг ўрнида қўлланилаверади. Масалан, Фуқаролик кодексининг 239 — моддасига мувофиқ: «кредитор мажбуриятнинг қисмларга бўлиб бажарилишини қабул қилмасликка ҳақли».

Ўз — ўзидан кўриниб турибдики гап бу ерда мажбуриятнинг яхлит бажарилишини қабул қилишда эмас, балки мажбуриятларни қисмларга бўлиб бажарилишини қабул қилиш тўғрисида кетмоқда. Мадомики, мажбурият ўз ичига кредиторга юкланган бурчни ҳам олар экан, демак, у ҳеч ҳам қисмларга бўлиб бажарилишини қабул қила олмайди.

Юқорида берилган ноизчилик амалдаги қонунчилик шарҳларида ҳам акс этади. Жумладан, Г.Отнюкова фақат мажбуриятларнинг бажарилишини муҳокама қилаётганда

¹ Толстой В.С. Исполнение обязательств -М.: Юрид. лит. 1973. -22,- 25 с.

² Толстой В.С. Исполнение обязательств -М.: Юрид. лит. 1973. -5 с.

Мажбуриятларнинг бажарилиши билан бурчларнинг бажарилиши ўртасидаги фарқни кузатмайди.¹

Аслини олганда, «мажбурият» атамаси ўз таркибига кирувчи **мажбурий** шахсларнинг ҳуқуқлари ва қарздорнинг бурчларидан **иборат** яхлит мажмуани англатади. «Бурч» атамаси эса баъзи бир **қаракатларни** амалга ошириш имкониятини англатиб, унинг **фарқли** хусусияти қарздорга нисбатан санкция қўллаш таҳдида **имомён** бўлади, албатта, қарздор ҳуқуқбузарликка йўл қўйса.

Иккинчидан, мажбуриятларнинг бажарилиши ва муайян **қаракатларни** амалга оширишдан сақланиш ҳақидаги ҳолат баҳсли **қисобланади**. Айрим муаллифлар «мажбуриятларнинг таркибини муайян ҳаракатларни амалга ошириш ёки ҳаракатлардан сақланиш ташкил этади деб эътироф этадилар. «Мажбуриятларнинг бажарилиши фақат фаол ҳаракатлар туфайлигина амалга оширилиши мумкин» деб ҳисоблайдилар ҳамда «ҳаракатлардан сақланиш қарздорнинг мустақил (алоҳида) бурчини ташкил этмайди, балки фаол ҳаракатларни амалга ошириш бўйича бурчларни тўлдиради, холос».¹ В.С.Тольстойнинг таъкидлашича, шартномалар ва маъмурий актларда ижобий ҳаракатлардан сақланиш бурчи ҳеч қачон мустақил мақсад сифатида ўриштилмайди². Бундай мулоҳазаларга қўшилиш қийин.

Мазкур мавзу бўйича бир мунча неча ўн йиллардан бериб **паҳс** – мунозара кетмоқда. Г.Ф.Шершеневич ХХ асрнинг бошидаёқ таъкидлаган эдики, «мажбуриятнинг объектини ташкил этувчи ҳаракат ижобий ёки салбий характер касб этиши мумкин. «Ҳаракат» тушунчаси остига қурилган сақланиш қарама – қарши тушунчани ҳосил этмайди; сақланиш ҳаракатсизлик эмас – бу муайян натижага йўналтирилган эрkning йўқлиги, балки аксинча, шундай эрkning мавжудлигидир». Салбий маъно – мазмунига эга мажбуриятта мисол тариқасида Г.Ф.Шершеневич «турдош савдо шикети бошқа шахснинг ишига зарар (путур) етказмаслиги ҳақида» ги шартномани келтиради³. Мажбуриятнинг мазмун моҳиятини бундай тушуниш, бизнинг фикримизча, тўғридир.

Дарҳақиқат, тадбиркорлик муносабатларининг замонавий ривожланиш босқичида мажбуриятларга қўшимча тарзда, яъни муайян ҳаракатлардан сақланиш бурчи қарздорнинг бурчларидан бири (масалан, ижарага олувчининг бурчи, ижарага берувчининг ротилигисиз, мулкни ижарага бермаслик) бўлиб, қарздорнинг муайян ҳаракатларни амалга оширишдан сақланиши асосий предмет бўлган мажбуриятнинг айрим турлари пайдо бўлди. Тадбиркорлик фаолиятида тобора кенг қўлланилаётган шартномалар қаторида сир сақлаш ҳақидаги шартнома ҳам мавжуд.

¹ Толстой Г.Д. «Исполнение обязательств». С.120.

² Гражданское право. т.1 / под ред. Ю.К.Толстого, А.П.Серегина. -Сиб., Издат-во ТЕИС. 1996. -462 с.

³ Толстой В.С. Исполнение обязательств. -М.: Юрелит. 1973. -9 с.

⁴ Шершеневич Г.Ф. Учебник торгового права. -М.: Бек. 1995.

Бу турдаги шартномаларга мувофиқ ўзаро ҳамкорликда фаолият юритиш ҳақида шартнома тузишга киришаётган тарафлар музокаралар жараёнида бир – биридан оладиган информацияларни учинчи шахсларга ошкор қилмаслик мажбуриятларни оладилар. Яъни, мазкур шартномавий мажбуриятларнинг асосий предмети бўлиб ахборот тарқатишдан сақланиш ҳисобланади.

Фуқаролик кодексининг 967 – моддасига мувофиқ, шерикларнинг биргаликдаги фаолиятига боғлиқ харажатлар ва зарарларни қоплаш тартиби уларнинг келишуви билан аниқланади. Бундай келишув бўлмаганда ҳар бир шерик ўзининг умумий ишга қўшган ҳиссаси қийматига мутаносиб равишда харажатлар ва зарарларни зиммасига олади.

Ўтказилган зарарни қоплаш, фуқаролик – ҳуқуқий жавобгарлик шакли сифатида фуқаролик ҳуқуқи учун муҳим аҳамиятга эга. Зеро, субъектив фуқаролик ҳуқуқларини муҳофаза қилиш ва уларни амалга оширишда бузилган ҳуқуқларни тиклашда ҳуқуқбузарга тарбиявий таъсир ўтказишда ўтказилган зарарни қоплаш энг муҳим восита ҳисобланади.

Фуқаролик ҳуқуқида зарар деганда, ҳуқуқи бузилган шахснинг бузилган ҳуқуқини тиклаш учун қилган ёки қилиши лозим бўлган харажатлари, унинг мол – мулки йўқолиши ёки шикастланиши (ҳақиқий зарар), шунингдек бу шахснинг ҳуқуқлари бузилмаганида одатдаги фуқаролик муомаласи шароитида олиши мумкин бўлган лекин, оломай қолган даромадлари (бой берилган фойда) тушунилади (Фуқаролик кодексининг 14 – моддаси). Ўтказилган зарар жабрланувчи томонидан қилинадиган харажатлар шаклида кўрилади. Бундай харажатларнинг зарурийлиги ва уларнинг тахминий миқдори жавобгарлик миқдорини белгилловчи товар, ишдаги ҳамда хизмат кўрсатишдаги камчиликларни бартараф этишга кетадиган смета (калькуляция) сифатидаги мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлик даражасини белгилловчи шартнома, асослангирилган ҳисоб – китоб каби бошқа далиллар билан тасдиқланган бўлиши керак³⁴.

Ушбу ҳоюда асосида зарар тушунчасини қуйидаги уч ҳолат асосида тушуниш мумкин:

- ҳақиқий зарар;
- бой берилган фойда;
- маънавий зарар.

Зарарнинг бу уч кўриниши фуқаролик – ҳуқуқий жавобгарликни белгилашда муҳим аҳамиятга эга бўлмайди. Фақатгина маънавий зарарни қоплашни айрим хусусиятлари мавжуд.

³⁴ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 5 февралдаги №77 – сонли «Хўжалик судлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг жавобгарлик тўрисидаги қоидаларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги Қарори

О.Оқюловнинг фикрича, моддий зарар ҳуқуқбузарлик сабабли келиб чиққан харажатлар, мол – мулкнинг шикастланиши, нобуд бўлиши, олинмай қолган даромад, ҳуқуқбузарнинг моддий манфаати тарзида намоён бўлади³⁵.

Илгари юридик адабиётларда шартнома жавобгарлигининг уч функцияси (вазифаси) – рағбатлантирувчи, тикловчи ва оғоҳлантирувчи функциялари ҳақидаги фикрлар ҳукмронлик қилган. Бозор муносабатлари шароитида қачонки тадбиркор томонидан шартнома мажбуриятларини бажариш қондаси бажариш принципи сифатида мавжуд бўлмаганида, қарздорни шартномани бажаришга ундовчи рағбатлантириш функцияси, шартнома жавобгарлигининг компенсацион вазифаси, яъни кредиторнинг нафақат мулкий ҳолатини тиклаш, балки шартномалар учун нохуш бўлган бошқа ҳолатларни (масалан, манфаатни йўқотиш) ҳисобга олувчи вазифалар борасида сўз кiritиш тўғрисида бўлади. Компенсациявий вазифа, яъни, кредиторни ўзига хос "овутиш" ва бажарилиши лозим бўлган мажбурият ўрнига зарарни қоплашга унинг розилик бериши бу функцияни ҳимоя қилади. Яъни, компенсациявийдан фарқли равишда, шартнома жавобгарлигининг тикловчи функцияси фақатгина бузилган ҳолатни тиклаш, яъни зарарларни қоплашга мўлжалланганлиги ва шартнома жавобгарлигининг бошқа шакли – жарима тўлашни ҳисобга олмаслик ҳоллари ҳам компенсацион вазифани ёқлаб чиқади.

Шундай қилиб, фуқаролик – ҳуқуқий шартнома жавобгарлиги – шартномани бузган шахсга нисбатан мажбурий қўлланиладиган шартномага кўра олинган мажбуриятларни бажаришда юзага келадиган кредиторнинг мулкий ҳолатини тиклаб беришчи ва фуқаролик муомиласи иштирокчилари ўртасида нормал муносабатларни рағбатлантирувчи мулкий таъсир кўрсатиш чораларидир.

Шериклардан бирортасини умумий харажатларни ёки зарарни қоплашда иштирок этишдан тўлиқ озод этадиган келишув ўз – ўзиндан ҳақиқий бўлмайди.

Агар оддий ширкат шартномаси унинг иштирокчилари тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириши билан боғлиқ бўлмаса, умумий шартнома мажбуриятлари юзасидан ҳар бир шерик ўзининг умумий ишга қўйган ҳиссаси қийматига мутаносиб равишда бутун мол – мулки билан жавобгар бўлади. Оддий ширкат шартномасидан келиб чиқмаган умумий мажбуриятлар бўйича шериклар солидар жавобгар бўладилар.

Агар оддий ширкат шартномаси унинг иштирокчилари тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириши билан боғлиқ бўлса

³⁵ Оқюлов О. Фуқаролик – ҳуқуқий жавобгарлигини қўллаш асослари // Қонун ҳимоясида. 1999-ж. 1. 17

шериклар умумий мажбуриятлар бўйича уларни юзага келишидан қатъи назар солидар жавобгар бўладилар.

Шартномадан келиб чиқадиган мажбуриятлар бажарилмаганда ёки тегишли равишда ижро этилмаганда кредитор қарздордан, агар бу қонун ёки шартномада кўзда тутилган бўлса, шартномани бажарилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга. Бироқ, аввал қоқоридан айтиб ўтилганидек, умуман зиёнларни қоплаш, шунингдек шартномани бажармаслик натижасида етказилган ҳамда унинг алоҳида шартларнинг бузилиши натижасида жарима тўлаш билан боғлиқ бўлган зарарларни қоплаш шартнома мажбуриятлари бузилишининг энг кўп тарқалган натижаси ҳисобланади. Фуқаролик кодексининг 324—моддасида мажбуриятлар бузилган ҳолда қарздор кредиторга мажбуриятларнинг бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги юзасидан етказилган зарарларни қоплаб бериши лозим эканлигини белгилайди. Фуқаролик кодексининг 14—моддаси эса, "зарарлар" сўзи остида "ҳуқуқи бузилган шахсининг бузилган ҳуқуқини тиклаш учун сарфлаган ва сарфламоқчи бўлган ҳаражатлари, унга тегишли мол—мулкнинг йўқолиши ёки бузилиши (реал зиён), агар бу шахснинг ҳуқуқи бузилмаганда у олиши мумкин бўлган, лекин ололмаган фойда (бой берилган фойда)" маъноси ётади.

Баъзи муаллифларнинг фикрича, оддий ширкат шартномаси иштирокчиларининг жавобгарлиги қуйидаги ҳолатлар билан аниқланади:

а) амалга оширилаётган фаолият (тижорат ёки нотижорат) характери билан;

б) фуқаролик — ҳуқуқий жавобгарликнинг ўзига хос чоралари ва уларни қўллаш асослари билан (шартномасиз жавобгарлик, битимлар юзасидан учинчи шахслар олдидagi жавобгарлик);

в) оддий ширкат фаолиятини тутатиш факти билан. Шериклар томонидан уларнинг биргаликдаги фаолияти натижасида олинган фойда, агар оддий ширкат шартномасида ёки шерикларнинг бошқа келишувида ўзгача тартиб назарда тутилган бўлса, шерикларнинг умумий ишга қўшган ҳиссалари қийматига мутаносиб равишда тақсимланади. Шериклардан бирортасини фойдада иштирок этишдан четлатиш тўғрисидаги келишув ўз—ўзидан ҳақиқий эмас.

Оддий ширкат шартномаси иштирокчисининг кредитори фуқаролик кодексининг 227—моддасига мувофиқ, унинг умумий мол—мулкдаги улушини ажратишни талаб қилишга ҳақли.

Фуқаролик кодексининг 974—моддасига мувофиқ, иштирокчилардан бирортаси оддий ширкат шартномасида бундан буён иштирок этишдан воз кечиш тўғрисида ариза бериши ёхуд шериклардан бирининг талаби билан шартнома бекор қилиниши натижасида оддий ширкат шартномаси бекор қилинмаган тақдирда шартномада иштирок этиши тўхтаган шахс учинчи шахслар олдидан

Ўзи шартномада иштирок этган даврда юзага келган умумий мажбуриятлар бўйича у оддий ширкат шартномасининг иштирокчиси бўлиб қолавергандаги каби жавобгар бўлади.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш лозимки, оддий ширкат шартномасини фуқаролик – ҳуқуқий тартибга солишда бу шартноманинг юридик табиати, ўзига хос хусусиятларини аниқлаш ва шу орқали ушбу муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатларини такомиллаштириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Алиева Зилола
2–курс магистранти

МОЛ-МУЛКНИ ИШОНЧЛИ БОШҚАРИШ ШАРТНОМАСИНИ ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ МАСАЛАЛАРИ

Мол – мулкни ишончли бошқариш институти инглиз – америка ҳуқуқ тизимига хос бўлган, мол – мулкни ишончли шахсга бошқаришга бериш орқали ундан иқтисодий фойда кўришга қаратилган муносабат ҳисобланади. Мулкдор ўзига тегишли мол – мулкни бошқариш учун топширар экан, биринчи навбатда бу мол – мулк ишончли ва ушбу мол – мулкни бошқариш қобилиятига эга бўлган шахсга топширилишидан умидвор бўлади. Шу билан бирга, ишончли бошқарувчи тадбиркор ва ишбилармон бўлиши ҳам мулкдор манфаатлари учун муҳим ҳисобланади.

Мол – мулкни ишончли бошқариш фуқаролик – ҳуқуқий тартибга солишда, энг аввало, ушбу муносабатлар моҳиятига яъни қаратиш лозим. Шу муносабат билан ушбу ҳуқуқий институтнинг моҳиятини тўлиқ англаб олиш учун замонавий Англия ҳуқуқида траст (ишончли бошқариш)га бўлган муносабатни таҳлил этиш мақсадга мувофиқдир.

Англия ҳуқуқи бўйича траст бир неча усуллар билан вужудга келиши мумкин. Бундай усуллар жумласига қуйидагилар киради:

1. Тўғридан – тўғри эрк – иродани ифода этиш орқали. Бунда мулкдор шартнома тузиш орқали ўз мақсадини ифодалайди ва мол – мулкни ишончли шахсга трастга топширади.

2. Мулкдор мол – мулкни трастга топшириши кўриниб турган ҳақиқат – ҳаракатни содир этиш орқали, бундай ҳаракатлар қитъа континентал ҳуқуқ тизимида конклюдент ҳаракатлар сифатида маълум (англашилган траст).

3. Агар траст траст шартларининг бузилишидан вужудга келса (ко-труктив траст), яъни ишончли шахс (траст сақловчи) траст шартларини бузиб мол – мулкни учинчи шахсга текинга берса ва учинчи шахс бенефициар (фойда олувчи) манфаатларини билган бўлса, бу ҳолатда қонун бўйича учинчи шахс траст сақловчи (ишончли бошқарувчи) га айланади.

4. Траст норматив ҳужжат асосида вужудга келса, бунда траст қонун бўйича траст деб номиланади³⁶.

Инглиз ҳуқуқшуносларининг маъмур фикрларидан кели чиқиб айтиш мумкинки, траст куйидаги хусусиятлари билан тавсифланади:

— траст (ишончли шахс) қонун бўйича хусусий ва юридик шахс ҳисобланмайди;

— траст учинчи шахсга мол—мулкни учинчи шахсга манфаатларини кўзлаб бошқариш учун берилганда вужудга келади;

— фойда олувчининг манфаатлари, мулкдорнинг манфаатлари ҳисобланади, чунки улар мол—мулкни ўзга шахснинг ноқонуний эгаллигидан талаб қилиш ҳуқуқига эга. Ноқонуний эгаллик деганда инсофсиз эгалловчи шахс, яъни бундай мулкни текишга олган ёки унинг ҳақини тўламаган, шу билан бирга, мол—мулк трасти берилганлигини билган шахс томонидан трастинг эгаллиги тушунилади. Бу ҳолатда ушбу шахс фойда олувчининг манфаатлари учун траст сақловчи ҳисобланади;

— траст биринчи навбатда адолатлиликка асосланади;

— траст траст сақловчи хусусий мулкнинг бир қисми сифатида фойдаланилиши мумкин эмас;

— траст ўзида фойда олувчи учун очиқ бўлган мустақил фондни ифодамайди;

— траст сақловчилар учинчи шахслар билан тузган битимлари учун шахсан ўзлари мажбурият оладилар ва бу мажбурият муассис ва фойда олувчи зиммасига юкланмайди.

Маъмур ҳолатлардан кўришиб турибдики, траст (Англиз ҳуқуқидаги) ва мол—мулкни ишончли бошқаришнинг умумий қоидалари, субъектлари, мақсади ва асосий жиҳатлари бир—бирига ўхшайди.

Таъкидлаш лозимки, мол—мулкни ишончли бошқариш ривожланган бозор муносабатлари шароитида қўлланиладиган ва йирик мулкдорлар синфи шакллангач амал қилиши мумкин бўлган ҳуқуқий институт ҳисобланади. Агар иқтисодиётда йирик мулкдорлар мавжуд бўлмаса, одатда, бу ҳуқуқий институтга ҳеч қандай эҳтиёж сезилмайди. Шу билан бирга, фуқаролик қонунчилигида мол—мулкни мулкдорнинг ўзи бошқармаган ҳолда ундан фойда кўриши мумкин бўлган яна бир қатор бошқа шартномалар ҳам мавжудки, муайян вазиятлар ва шартлар мавжуд бўлмаганда иқтисодий муносабатларда трастинг (мол—мулкни ишончли бошқариш) га талаб мавжуд бўлмайди. Масалан, ижара рента, ишончнома, вакилик каби шартномалар орқали мулкдор ўз мол—мулкдан фойда кўриши мумкин.

Замонавий юридик адабиётларда мол—мулкни ишончли бошқаришни мажбурият—ҳуқуқий муносабатларга ҳосилгини би

³⁶ J.G.Riddell «The Law of the trusts», Butterworths. London. Third edition. 1987, p. 14.

Қатор муаллифлар эътироф этишади. Улар жумласига И.А.Дозорцев³⁷, Е.А.Суханов³⁸ ва Н.Д.Егоров³⁹ларни киритиш мумкин.

Н.Д.Егоровнинг фикрича, ҳуқуқдор шахснинг манфаатларини қондириш усулларига кўра ашёвий ва мажбурият – ҳуқуқий муносабатлари ажратилади. Ашёвий – ҳуқуқий муносабатларда ҳуқуқдор шахснинг манфаатлари айнан шу шахснинг ашёга бевосита таъсири натижасида ашёнинг фойдали хусусиятлари ҳисобидан қопланади. Мажбурият – ҳуқуқий муносабатларида эса, ҳуқуқдор шахснинг манфаатлари ҳуқуқдор шахснинг қарздор шахста бирон – бир моддий неъматларни тақдим этиши натижасида қарздорнинг муайян ҳаракатлари ҳисобидан қопланади⁴⁰. И.Б.Зокировнинг фикрига кўра, мулкӣ – ҳуқуқий муносабатларда ҳуқуқ эгаси бўлган шахслар бошқа шахсларнинг ижобий ҳаракатларига муҳтож бўмай, ўз ҳуқуқларини ўзлари бевосита амалга ошириш имкониятига эга бўладилар. Мажбурият – ҳуқуқий муносабати эса, одатда, фуқаролик муомаласи натижасида вужудга келади⁴¹.

Мазкур фикрларга қўшилган ҳолда таъкидлаш лозимки, муайян моддий неъматнинг ҳуқуқдор шахснинг таъсири остида қолган ҳолатда унинг манфаатларини қондиришга хизмат қилиши ашёвий – ҳуқуқий муносабат сифатида кўрилас, моддий неъматлар ҳуқуқдорнинг бевосита таъсирида эмас, балки учинчи шахсларнинг таъсири натижасида ҳуқуқдор шахснинг манфаатлари учун хизмат қилиши мажбурият – ҳуқуқий муносабати сифатида эътироф этилади. Шу билан бирга, бу икки ҳуқуқий муносабат моддий неъматларнинг фуқаролик муомаласида бўлиш ҳолатига кўра ҳам муайян маънода фарқланишидан келиб чиқсак, мол – мулкни ишончли бошқаришнинг мажбурият – ҳуқуқий муносабатлар жумласига киришини аяглаб олиш қийин кечмайди.

Биринчи навбатда мол – мулкни ишончли бошқариш муносабатлари Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексининг 1140 – моддасига мувофиқ, ишончли бошқарувчининг мажбурий ҳаракати, яъни мол – мулкни ишончли бошқаришга асосланган бўлиб, бу ўринда ҳуқуқий муносабат объектини мажбурий шахснинг ҳаракати ташкил этади.

Шу билан бирга, ишончли бошқарувчининг ҳуқуқдор шахс (ишонқарув муассиси ва фойда олувчи) нинг манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилиши унга муайян моддий неъмат (ишончли бошқариш объекти) топширилгандан сўнг амалга оширилади. Яъни, бунда

³⁷ Дозорцев И.А. Доверительное управление имуществом (гл.53 ГК РФ) // ГК РФ 4.2 Текст, комментарии, судебная практика. Под ред. О.М.Козырь, А.Л.Маковского, С.А.Хохлова. -М.: 1996. -С.532.

³⁸ Комментарий к части первой Гражданского кодекса РФ для предпринимателей. -М.: 1995. -230-232 с.

³⁹ Гражданское право. Учебник. Ч.2. Под ред. А.П.Сергеева, Ю.К.Толстого. -М.: 1997. -582-583 с.

⁴⁰ Гражданское право. Учебник. Ч.2. Под ред. А.П.Сергеева, Ю.К.Толстого. -М.: 2003. -102 с.

⁴¹ Комментарий И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи: Даврият нашри. Тошкент, 2006. (ДРОИ). -75 б.

аввало, фуқаролик муомаласи мавжуд бўлиши, яъни мол—мулк қонун ёки шартнома асосида бошқарувчига топширилган бўлиши лозим.

Фикримизча, ишончли бошқаришнинг мажбурият—ҳуқуқий муносабатларга ҳослигини асословчи яна бир ҳолат бу ишончли бошқариш муносабатларининг нисбий тусга эгалитидир. Зеро бошқарув муассиси ишончли бошқариш топширилган ўзининг мол—мулки юзасидан талабларни фақатгина ишончли бошқарувчига қўйишга ҳақли ҳисобланади. Ҳуқуқдор шахснинг ўз талабларини фақатгина олдиндан белгиланган ва мажбурийлик элементига эга бўлган шахсга қаратиш ҳолати бу мажбурият—ҳуқуқий муносабатларига хос хусусиятдир.

Мол—мулкни ишончли бошқариш муносабатларини фуқаролик—ҳуқуқий тартибга солишда, амалдаги фуқаролик қонун ҳужжатларини мазкур муносабатларга татбиқ этишда ташкилотни юридик шахс сифатида бошқаришдан мол—мулкни ишончли бошқаришнинг фарқли жиҳатларини аниқлаб олиш лозим. Ташкилотни бошқариш бу фуқаролик ҳуқуқининг ўзига хос мустақил субъекти ҳисобланган юридик шахсни бошқариш ҳисобланади. Мол—мулкни ишончли бошқариш эса ҳар доим фуқаролик муомаласининг объекти ҳисобланган мол—мулкни бошқаришни назарда тутadi. Юридик шахсни бошқариш маъмурий ва меҳнат ҳуқуқи нормалари асосида амалга оширилса, мол—мулкни бошқариш соф фуқаролик—ҳуқуқий унсурлар асосида амалга оширилади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, мол—мулкни ишончли бошқариш шартномасини фуқаролик—ҳуқуқий тартибга солишда бу шартноманинг юридик табиати, ўзига хос хусусиятларини аниқлаш ҳамда ушбу муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатларини такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир.

Суатонов Баходир
2—босқич магистранти

КЎП ТОМОНЛАМА ШАРТНОМАЛАРНИ ФУҚАРОЛИК—ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ МУАММОЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ фанида шартнома ҳуқуқий категория каби позитив ҳуқуқда ҳам алоҳида ва муҳим ўрин эгаллайди. Ижтимоий муносабатларни шартнома орқали тартибга солиш муаммоларига бағишлаб кўплаб илмий ва амалий тадқиқотлар олиб борилган. Бироқ фуқаролик ҳуқуқи фанида ва қонунчиликда ҳам ҳозирги кунга қадар ўз ечимини топмаган муаммолар мавжуд. Биринчи навбатда ҳуқуқни қўллаш

шароётида кўндаланг турган бундай муаммолар назарий жиҳатдан тубдан ўрганиб чиқишни ва чуқур илмий изланишни талаб қилади.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётидаги туб ўзгаришлар фуқаролик ҳуқуқида ҳали номаълум бўлган янги ҳуқуқ институтларининг вужудга келишига ва шартнома муносабатларида мавжуд бўлган, ечимини топмаган муаммоларни ечиш вазифасини кўйди, зарур ҳолатларда эса уларнинг ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишни такомиллаштирди. Улар орасида трихий илдилари қадимги Рим ҳуқуқига бориб тақалувчи кўп томонлама шартномалар муҳим ўрин эгаллайди. Бироқ, сўнгги асрлар мобайнида қонунчиликда ҳамкорликдаги фаолият бўйича бундай келишув ёки биргаликдаги шартнома бўлмаган. Ҳамкорликдаги фаолият бўйича келишув шартномаси социалистик ҳўжаликда колхозлараро, давлат — колхоз муассасалари ва шиқилотлари муносабатларида ҳамда йўл, спорт, сув ҳўжалиги ва бошқа хидадаги иштиотлар, мактаблар, касалхоналар, кутубхоналар ва ҳ.к.ларни қуришда етарлича кенг қўлланилган.

Айни пайтда эса халқ ҳўжалигининг тубдан ўзгариши, хусусий мулкчиликнинг вужудга келиши ва тадбиркорликнинг ривожланиши муносабати билан кўп томонлама шартномаларни қўллаш кўлами мислсиз даражада ортди. Бу шартномаларнинг моҳияти сезиларли даражада ўзгарибгина қолмай, уларнинг ҳуқуқий асослари ҳам анчагина мустаҳкамланди. Шунга қарамай, кўп томонлама шартномаларни моҳияти ҳанузгача илмий адабиётларда чуқур илмий тадқиқ этилмаган ва кўп томонлама шартномалар бўйича фундаментал илмий тадқиқотлар олиб борилмаган. Бу эса кўп томонлама шартномаларнинг ҳуқуқий табиати ва фуқаролик ҳуқуқий шартномалари тизимида турган ўрни бўйича асослантирилган илмий концепциялар ҳалигача ишлаб чиқилмаганлиги билан боғлиқ. Кўп томонлама шартномаларнинг шакли, муҳим шартлари хақида қарама — қарши нуқтаи назарлар мавжуд.

Кўп томонлама шартнома шартларини бузганлик учун жавобгарлик масалалари ҳам тадқиқотчиларнинг эътиборидан четда қолиб келмоқда. Кўп томонлама шартномаларни қўллаш амалиёти билан боғлиқ бўлган қатор муаммолар ҳам мавжуд.

Ушбу шартноманинг ҳуқуқий асослари қонунларда етарли даражада ўз муҳассамини топмаган. Кўп томонлама шартномаларни қўлдан, ижро этиш ва бекор бўлиши бўйича суд амалиёти умумлаштирилмаган. Натихада бу соҳада судлар томонидан турлича ёндашувлар кузатилам ҳада. Шартномавий муносабатларда тарафларнинг шартнома шартларига риоя қилишда формал муносабатда бўлиш ҳолатлари кўп учрайди. Умуман олганда, ақолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятида кўп томонлама

шартномалар тўғрисида тасаввурлар вужудга келтирилиш
жараёни ўз ҳолига ташлаб қўйилган.

Юқоридаги ҳолатлар кўп томонлама шартномалар
цивилистика фани томонидан ҳар томонлама ва атрофлича илм
тадқиқ этиш зарурати мавжудлигини аниқлатади.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик кодекси
корпоратив қонунчилик қабулгача баҳс-мунозарага сабаб бўл
келаётган фуқаролик-ҳуқуқий шартномаларидан бири сифати
таъсис шартномасини мустаҳкамлади. Мамлакат иқтисодиёти
тубдан қайта такомиллаштириш давом этаётганда тадбиркорлик
фаолиятини олиб бораётган субъектларнинг турли кўриниш
қайта ташкил этиш зарурати мавжудлигига дуч келинди. Бу э
амалиётда ҳали етарли даражада қонун орқали тартиби
солинмаган ва назарий жиҳатдан такомиллаштирилмаган қай
ташкил қилиш шартномаси (қўшиб юбориш, қўшилиш) де
номланувчи шартнома асосида амалга оширилади.

Бошқа шартномалардан ўзининг кенг қўлланилиги билан
фарқланувчи ва барча фаолият соҳаларида фойдаланиш мумки
бўлган оддий ширкат шартномаси мустақил равишда ташкилий-
ҳуқуқий шаклдаги тадбиркорлик фаолиятини олиб бормайдига
турли ташкилотлар (ҳолдинглар, концернлар,) квазисубъектларин
яратишда ҳам қўлланилади.

Шунга ўхшаш иттифоқларнинг назарий ва ҳуқуқий нарс
этилиши даражаси етарлича бўлмагани сабабли, амалиётда ўзининг
салбий жиҳатини акс эттиради. Ижтимоий-иқтисоди
тадбиркорлик шартномаси ва қонунчиликдаги ўзгаришларин
ҳисобга олмаган ҳолда, оддий ширкат шартномасини фақ
тадбиркорлик шартномаси сифатидагина ўрганилган. Айни пайт
эса нотижорат мақсадини кўзлаган ва ўртада улуш қўшмайдига
шартноманинг эришган ютуқлари тўғрисида асар ҳаммуаллифлари
ҳамкор кашфиётчилар ва интеллектуал мулкнинг бошқ
субъектлари ўртасида тарқатилди. Ҳуқуқий қўллаш тизимида
каби келишув шартномаларини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга соли
муаммоларининг ечимини топиш учун уларнинг ҳуқуқий
табиатини аниқлаш зарурати пайдо бўлди. Эътироф этилган
шартномаларни амалиётда қўллаш эса кўп жиҳатдан қонунга зи
бўлган ва ечимини топмаган айрим муаммоларни туғдирад
Ҳуқуқий муносабатларни бир нечта субъектлар билан таснифлаш
мажбуриятда шахсларнинг кўпчилиги бўлиши, учинчи шах
фойдасига тузиладиган шартномалар ва кўп томонлам
шартномалар мавжудлиги тўғрисидаги турли тушунчалар ак
этади. Кўп томонлама шартнома тўғрисидаги консерватив тасди
худди иккитадан ортиқ шахс томонидан тузилган шартнома каб
нотўғри тасаввурга олиб келади, зеро юридик фанда мазку
масала тўғрисидаги тушунчалар ўрганилмаган ва у амал
олимадар диққат-эътиборидан мутлақо четда қолган. Шу муносаба

Кўп томонлама шартномаларни комплекс назарий тадқиқоти
Бир доимгидан ҳам ҳозирги кунда долзарб масала сифатида намоён
булмоқда.

Кўп томонлама шартнома деб уч ёки ундан ортиқ (жисмоний
ва юридик) шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини вужудга
келтириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги келишувга
айтилади.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш жоизки кўп томонлама
шартномаларни илмий таҳлил қилишни қуйидагилар асосида
амалга ошириш лозим;

Биринчидан, кўп томонлама шартномага илмий таъриф бериш,

Иккинчидан, кўп томонлама шартномаларни моҳиятини очиб
бериш;

Учинчидан, назарий ва амалий материаллар асосида кўп
томонлама шартномаларни хусусиятларини ёритиб бериш;

Тўртинчидан, кўп томонлама шартномаларни икки томонлама
шартномалардан фарқли жihatларини кўрсатиб бериш;

Бешинчидан, кўп томонлама шартномаларни таснифи ёки
гўрларини очиб бериш;

Олтинчидан, кўп томонлама шартномаларни шартномалар
тизимида тутган ўрнини аниқлаш;

Еттинчидан, кўп томонлама шартномалар бўйича фуқаролик
қонунчилигини такомиллаштириш жумладан Ўзбекистон
Республикасининг фуқаролик кодексига қўшимча ва
ўзгартиришлар киритиш хусусида таклиф ва тавсиялар ишлаб
чиқиш ва ҳоказолар.

Дилфуза Тожибоева
ўқитувчи

АДАБИЙ ВА БАДИЙ АСАРЛАРНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДАГИ 1886 ЙИЛДАГИ БЕРНЬ КОНВЕНЦИЯСИ КОДАЛАРИНИНГ МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИКДА ҚЎЛЛАНИШИ

Ўзбекистон Республикаси “Адабий ва бадий асарларни химоя қилиш
тўғрисида”ги 1886 йилда ташкил топган Берн конвенциясининг 1971 йил 24
нолдаги Актини имзолади. Конвенция қоидалари республикамизда 2005 йил
19 апрелдан қўллана бошланди.

Берн конвенцияси фан, адабиёт ва санъат асарларини муҳофаза қилишга
қаратилган универсал халқаро шартномалардан бири ҳисобланади.
Конвенция 38 асосий модда ва ривожланаётган мамлакатларга имтиёз
берилган 6 -моддadan иборат бўлган махсус қўшимча бўлимдан иборат.

Конвенцияда муаллифлик ҳуқуқи билан муҳофаза қилинадиган бир
қанор асарлар тоифалари белгиланган. Конвенция универсал халқаро ҳуқуқий
ҳужжат бўлиб, у аъзо давлатларда эгарда, муаллифлик ҳуқуқига оид алоҳида

қонун бўлмаса тўғридан-тўғри қўлланади ёки унинг қоидалари соҳага оид миллий қонунчиликда сингдириш (имплементация қилиш) орқали қўлланади.

Конвенцияда муҳофаза қиладиган асарлар билан бирга, унинг муаллифлари ҳуқуқларини муҳофаза қилишнинг асосий қоидалари ҳам белгиланган.

Агарда, 1996 йил 30 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги Қонунда муаллифларнинг айрим турдаги ҳуқуқлари белгиланган бўлса, 2006 йилда қабул қилинган мазкур Қонуннинг янги таҳрирдаги матнида асосий қоида ва нормалар Берн конвенцияси талабларидан келиб чиқиб ўрнатилди. Янги таҳрирдаги Қонунда муаллифларнинг шахсий ҳуқуқлари янада аниқлаштирилди, асарлар тоифларига ҳам аниқлик киритилди. Маълумки, конвенция амал қилишида унинг нормалари билан бирга қатор принциплари ҳам бирдек қўлланилади. Улар универсаллик, автоматик ҳимоя, миллий тартиб принципларидир. Бу принциплар миллий қонунчиликда ўрнатилган ҳар қандай имтиёз берувчи қоидалардан ташқари, конвенциянинг аъзоси бўлган ҳар бир мамлакатга қўшимча имтиёз беради.

Мамлакатимиз қонунчилигида, хусусан, соҳага оид қонунларда халқаро шартноманинг устуңлиги белгиланган бўлиб, унда “башарти Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларидагидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланади”, дейилади. Шунга кўра Берн конвенцияси қоидалари миллий қонунчиликка кўра устивор эканлиги эътироф этилган.

Мустақиллик йилларида республикаимизда муаллифлик ҳуқуқини муҳофаза ва ҳимоя қилиш давлат сийсати даражасига кўтарилиши боис, муаллифлик ҳуқуқи муҳофазасига қатъи эътибор билан қаралмоқда. Шу туфайли муаллифлар ва уларга тенглаштирилган субъектлар ҳуқуқларини янада чуқурроқ муҳофаза қилиш мақсадида соҳавий қонунлар, хусусан, Ўзбекистон Республикасининг “ЭЎМ учун яратилган дастурлар ва ахборотлар базасини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида”, “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”, “Журналистик фаолиятни ҳимоя қилиш тўғрисида”, “Ноширлик фаолияти тўғрисида”, “Реклама тўғрисида”ги қонунлар ва бошқа қонунлар қабул қилинди. Бу қонунларда ҳам Берн конвенциясининг асосий қоидалари назарда тутилган.

Берн конвенциясининг “миллий тартиб” тамойилига асосан таъкидлаб ўтиладики, тегишли ҳуқуқлардан фойдаланиш ва уни амалга ошириш бирон-бир расмийчилиكنи бажариш билан боғлиқ эмас. Бундай фойдаланиш ва амалга ошириш ишлари, асар келиб чиққан давлатда ҳимоя қилиш мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигига қарамайди. Шунга кўра, конвенциянинг асосий қоидалари белгилангандан ташқари, ҳуқуқларни ҳимоя қилиш ҳажми, муаллифнинг ҳуқуқини ҳимоясини таъминловчи ҳимоя воситаси билан тенг ва у ҳимоя талаб қилинадиган мамлакатнинг махсус қонунчилиги билан тартибга солинади.

Агар, муаллиф келиб чиққан мамлакатнинг фукароси бўлмаса, унинг конвенциядаги ҳимоя қилиш кучи тавсия этилади, у шу мамлакатнинг муаллиф-фукаролари фойдаланган ҳуқуқлардан фойдаланади. Бунга кўра:

а) конвенциянинг қайси мамлакати бўлишидан қатъий назар, биринчи марта шу ерда чиқарилган асар учун шу мамлакат унинг мамлакати ҳисобланади. Конвенциянинг ҳимоя қилишнинг турли муддатларни тавсия қилувчи бир неча мамлакатларида бир вақтнинг ўзида юзага келган асар учун қонунийлиги энг қисқа ҳимоя муддатини тавсия қилган мамлакат унинг мамлакати ҳисобланади;

б) конвенцияга кирмайдиган бир неча мамлакатлардан ва унга кирмайдиган бир мамлакатда чиқарилган асар учун конвенциядаги мамлакат унинг мамлакати ҳисобланади.

Конвенциянинг 6-бис моддаси номулкий ҳуқуқ муаммоларига бағишланган. "Муаллифнинг мулкый ҳуқуқидан қатъий назар, дейилади ўнда, - ҳатто бу ҳуқуқлари тан олинганидан кейин ҳам у асарга ўз муаллифлигини эътироф этилишини, нотўғри маъно берилишига ва асарнинг ёпиқка ўзгартиришларига қаршилик қилиши, шунингдек муаллиф обрўси ва калр-қимматига зарар етказувчи қар қандай тажовузларга қаршилик қилиш ҳуқуқига эгадир"¹.

Олдинги бандларда муаллифлик учун тан олинган ҳуқуқлар муаллифнинг ўлиmidан сўнг ҳам, мулкый ҳуқуқ ман қилинганга қадар, ўз кучини сақлаб қолади ва бу ҳимоя қилаётган мамлакатнинг ички қонунийлиги билан бошқариш ҳуқуқига эга бўлган муассаса ёки шахслар қомонидан амалга оширилади.

Асосий қондаларни ратификация қилиш вақтида ёки унга қўшилган вақтида олдинги бандларда кўрсатиб ўтилган ҳимоя қилишни таъминловчи қонда ўз қонунийлигида кўрсатилмаган мамлакатлар, муаллифларнинг ўлиmidан сўнг сақлаб қолмаслигини назарга олиши мумкин. Ушбу моддада тавсия этилган ҳуқуқларнинг таъминланишини ҳимоя қилувчи воситалар, ҳимоя қилиниши талаб қилинаётган мамлакатнинг қонунийлиги билан бирлибга солинади.

Ҳимоя қилишнинг давомийлиги, муддати ҳақидаги умумий қондалар шунга олиб келмоқдаки, ҳимоя қилиш муаллиф ўлиmidан сўнг ҳам яна эллик йилгача давом этиши керак. Лекин, бу умумий қондада мустаснолар ҳам бор. Иккинчи ёки тахаллус билан чиқарилган асарлар учун, шу асарлар оммага етказиладиган ҳуқуққа эга бўлганидан сўнг, муаллиф ўзияга қўйган тахаллус унинг шахси эканлигига шубҳа уйғотмаса ёки шу муддат давомида муаллиф ўз шахсини очса, бундай ҳолатларда умумий қонда қўлианади. Аудиовизуал (телефонография) асарлар учун ҳимоя қилишнинг энг кўп муддати асар омма учун етказилгандан сўнг (асарнинг чиқарилиши) эллик йил ўтгач, асар ирилгандан сўнг эллик йил ўтгач ҳимоя қилиш муддати тугайди. Амалий қонда ва фотография асарлари учун яратилган вақтдан йилгирма беш йил

¹ Берн конвенция об охране литературных и художественных произведений. ВОИС, Женев, 1990, с. 8

ўтгандан сўнг тугайди¹.

Берн конвенциясига республикамизнинг аъзолиги ҳар жиҳатда муаллифлар ва асарлар яратувчи бошқа шахсларга ҳам қатта имкониятлар яратди. Масалан, муаллифларимиз асарларидан конвенция аъзоси бўлган бошқа давлатларда эндиликда фақат рухсат билан фойдаланилади ҳам асарлардан фойдаланиш натижасида уларга тегишли бўлган муаллифлик ҳақлари ундирилади. Конвенция қондаларига кўра республикамиз ҳудудда хорижий муаллифлар асарларидан фойдаланиш натижасида хорижий муаллифларга ҳам тегишли муаллифлик ҳақлари тўланади ва тақсимланади. Муаллифлик ҳақларини йиғиш ва тақсимлаш жараёнида тегишли тартибда даромад солиғи ва тушумлар ундирилиши натижасида давлатимиз хазинасига кўшимча маблағлар ҳам тушади.

Бир қатор олимлар муаллифлар (меросхўрлар) мулкӣ ҳуқуқларини жамоа бўлиб бошқариш ҳуқуқ эгаларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи субъектлар ва у фуқаролик-ҳуқуқий восита деб ҳисоблашса², Б.Н.Тошев И.И.Насриевлар муаллифлар мулкӣ ҳуқуқларини бошқариш билан шуғулланиш ўзига хос институт, деган фикрни билдирадilar.³ О.Оқоло эса ҳуқуқларни бошқаришни ўзига хос тамойилларга асосланган ташкили тизимнинг бир бўғини деб ҳисоблайди.⁴ Бу қарашлар айнан Берн конвенциясида белгиланган муаллифлар мулкӣ ҳуқуқларини амалда таъминлашга оид тушунтиришлар бўлиб, бу олимлар конвенцияда белгиланган мулкӣ ҳуқуқларни амалда таъминлашнинг зарурати ҳақида ў фикрларини билдиришади. Конвенцияда бадий ёа адабий асарлар, хусусан саъбат ва кинематография асарлари, публицистик асарлар, фотография в ҳатто интервьюларнинг муҳофаза қилиши алоҳида қондаларда белгила қўйилган. Хусусан конвенцияда, муҳофаза беришнинг мезонлари муаллифнинг фуқаролиги, асарнинг чоп этилган жойи, муаллифнинг истикомат қилиш жойи, кинематография асарлари, архитектура асарлари в айрим бадий асарларга муҳофаза бериш мезонлари, номулкӣ ҳуқуқлар муаллифликни тан олишини талаб қилиш, ҳуқуқларни бузадиган айри ўзгаришлар ва бошқа ҳаракатларга эътироз билдириш, ҳимоя қили воситалари, муҳофаза қилиш муддати, асарлардан эркин фойдаланишнинг айрим ҳолатлари, таълим бериш мақсадида ишлаб чиқарилга иллюстрацияларга бўлган ҳуқуқлар, асарлардан эркин фойдаланиш, эфир бериш ва унга тегишли ҳуқуқлар, мажбурий лицензиялар, контрафак (бировнинг асарини қонунга хилоф равишда қайта бостириб, муаллифлик ҳуқуқини бузиш) нусхаларни ишлаб чиқиш, бу нусхаларни хатлаб қўйиш олиб чиқиш пайтида хатлаб қўйиш, асарларни кўрсатишда, такрорлашда в

¹ Международные конвенции об авторском праве. Комментарий. Москва, «Прогресс», 1982, с. 126

² Белов В.В., Виталиев Г.В., Денисов Г.М. Интеллектуальная собственность. Законодательство и практика его применения. -М.: Юристъ, 2002. -С. 149-150

³ Тошев Б.Н. Муаллифлик ҳуқуқи. -Т. ТДҲОИ, 2002. -Б. 68-70.

⁴ Насриев И.И. Муаллифнинг шахсий ҳуқуқларини ҳимоялаш. -Т.: Меҳнат, 2003. -Б. 145-153

⁵ Оқолов О. Интеллектуал мулк ҳуқуқий мақомининг назарий ва амалий муаммолари. -Т.: ТДҲОИ, 2004. -Б. 273-274

Тарқатишда назорат қилишнинг энг асосий жиҳатлари каби муҳим қондалар
аксини топган.

Бундан хулоса қилиш мумкинки, барча турдаги субъектлар ўз
қилишида нафақат миллий қонунликка риоя этиш, балки халқаро
конвенциянинг талабларига ҳам оғишмай риоя этишлари талаб этилади.
Чунки, муаллифлик ҳуқуқининг муҳофаза қилиниши ва унинг қондаларини
таъминлаш бевосита давлат зиммасида турибди. Шунинг учун ҳам
қонунчиликнинг доимий такомиллаштириб борилаётгани муҳим
қондалардан ҳисобланади.

Республикамиз фан, адабиёт, санъат, таълим ва бошқа соҳаларни тарғиб
қилишда қатор халқаро шартномаларда ҳам иштирок этиши республикамиз
иқтисодини янада оширади. Республикамизда муаллифлар ва уларнинг
меросхўрлари, нашриётлар ва оммавий ахборот воситалари ҳамда турдош
қуқуқлар субъектлари ҳисобланган теле-радио ташкилотлари, фонограмма
ишлаб чиқарувчилар, ижрочи-артистлар ва бошқа ижодий меҳнат билан
ингулланувчиларнинг тегишли ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган янги
миллий қонунчилик асослари Ўзбекистоннинг халқаро алоқалари ва бошқа
шундай каби турдош конвенцияларга аъзо бўлишига кенг имкониятлар яратади.

Шундай бўлса-да, республикамизда муаллифлик ҳуқуқи ҳимоясини
янада кенгайтириш ва унинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш асосий
вазифалардан бири бўлиб қолаверади. Конвенцияга кўра республикамизда
аъзо давлатлар муаллифлари ҳуқуқларини таъминлаш асосий вазифалардан
бўлиб қолади. Яъни, муаллифлар мулкӣ ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан
бирга, хорижий асарлардан руҳсат асосида фойдаланиш, маданий индустрия
фаолиятини қонуний тартибга солиш, янги миллий асарларни яратиш ва уни
хорижда тарғиб қилишни ҳам тақозо этади.

Берн конвенциясининг республикамиз ҳудудида амал қилиши ва бу
соҳада республикамиз ўз зиммасига олган халқаро мажбуриятларини
оғишмай бажариши учун қатор тадбирларни амалга оширишга тўғри келади.
Б. Гошев таъбири билан айтганда, муаллифлар ва ижрочилар ҳамда бошқа
субъектлар ҳуқуқий ҳолатини янада аниқлаштириб олиш, кино-видео
маҳсулотлари, санъат, маданият ва бадий ижод соҳасини
инвентаризациясини ўтказиш, хорижий ҳуқуқ эгаларининг асарларини
индензиялаштиришни ва қонуний асосларда маҳсулотларни эфирга узатишни
таъминлаш, аудио-видео маҳсулотларни ишлаб чиқариш, кўпайтириш,
сотиш, ижарага бериш ва бошқача усулларда тарғиб қилишда ҳам ҳуқуқ
эгалари билан шартномавий муносабатларга киришиш, хорижий асарларни
руҳсат билан таржима қилиш, чоп этиш, оммавий ижрочилик жойлари
(концерт заллари, ресторан, дискотека, бар ва бошқа жойлар)да мусиқий
асарларидан қонуний фойдаланишни таъминлаш, уни доим назорат қилиб
бориш, муаллифларимиз ва асарлар ҳақида маълумотлар базасини яратиш
лозим. Шунингдек, муаллифлар мулкӣ ҳуқуқларини жамoa бўлиб
бошқарадиган ташкилотларни тузиш, муаллифлик ҳуқуқига оид
ҳуқуқбузарликка қарши курашни кучайтириш мақсадида тегишли
қонунларга ўзгартиришлар киритиш, муаллифлик ҳуқуқи ҳимояси билан

шугулланадиган ҳуқуқшунос ва бошқа мутахассислар тайёрлашга қўйиб
эътибор қаратиш, Берн конвенцияси нормаларининг бажарилишини ўрғатиш
бориш ва бу соҳада мониторинг юритилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Дилмурод Эрназар
ўқитувчи

ЮРИДИК ШАХСЛАР БИРЛАШМАЛАРИНИНГ ФУҚАРОЛИК ХУҚУҚИЙ МАҚОМИ

Бозор иқтисодиёти шароитида юридик шахс бирлашмаларини
ҳуқуқий ҳолатини ўрганиш долзарб муаммолардан бўлиб келмоқда.
Маълумки, юридик шахслар бирлашмаларининг фуқаролик ҳуқуқий ҳола
ўзига хос хусусиятларга эгадир.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси 77-моддаси
асосан, Тижорат ташкилотлари ўзларининг тадбиркорлик фаолиятлари
мувофиқлаштириш, шунингдек муштарак мулккий манфаатларини ифо
этиш ҳамда химоя қилиш мақсадида нотижорат ташкилотлар ҳисобланув
уюшмалар, иттифоқлар ва ўзга бирлашмаларга бирлашишлари мумкин. Аг
иштирокчиларнинг қарорига мувофиқ уюшмага (иттифоққа) ва ў
бирлашмага тадбиркорлик фаолияти билан шугулланиш вазифаси юклатил
бундай уюшма (иттифоқ) ва ўзга бирлашма ушбу кодексда назарда тутил
тартибда хўжалик ширкати ёки жамиятига айлантирилиши керак ёх
тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун хўжалик жамиятлари тузи
ва уларда иштирок этиши мумкин.

Нотижорат ташкилотлари ўз фаолиятларини мувофиқлаштири
шунингдек муштарак манфаатларини ифода этиш ҳамда химоя қил
мақсадида уюшмалар (иттифоқлар) шаклида бирлашмалар тузишга
мумкин. Уюшма (иттифоқ) ва ўзга бирлашмалар юридик шахс ҳисобланад
Уюшма иттифоқ ва ўзга бирлашмаларнинг аъзолари ўз мустақилликлари
ва юридик шахс ҳуқуқини сақлаб қоладилар. Уюшма (иттифоқ) ва ў
бирлашмалар ўз аъзоларининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди
Уюшма (иттифоқ) ва ўзга бирлашмаларнинг аъзолари уларни
мажбуриятлари бўйича уюшма ва ўзга бирлашмаларининг таъс
ҳужжатларида назарда тутилган миқдорда ва тартибда субсидар жавоб
бўладилар.⁴⁵

Юридик шахс бирлашмаларининг ташкилий birlikлари қўлчили
бир-бирига ўхшаш бўлиб, асосан учта асосий вазифаларни бажаради:

Биринчидан, шу бирлашмаларга мустақил хўжалик субъекти сифати
қирган юридик шахсларнинг фаолиятларини мувофиқлаштиради.

Иккинчидан, уларнинг мулккий ёки бошқа муштарак манфаатлари
ифода этади.

⁴⁵ Ўзбекистон Республикаси кодекслари: Тошкент, Ўзбекистон Республикаси ақли
вазирлиги, Т.Адолат, 2006, 278 бет. ФКнинг 77 моддаси.

Учинчидан, уларнинг ҳуқуқларини тўлиқ химоя қилиш ваколатлари ривожланган. Республикаимизда энг кўп тарқалган бу бирлашмалар қуйидаги ташкилий ҳуқуқий тизимлардан ташкил топган.

1. Уюшмалар (иттифоқлар). Масалан: Банк уюшмалари. Республикаимиздаги барча хусусий банкларнинг профессионал манфаатларини химоя қилиш мақсадида тузган бирлашмалари. Банклар уюшмаларининг ваколатлари банклар учун энг қулай қонун нормаларини таъминлаш чораларини излаб юради, банк операцияларини ўтказиш қоидаларини бирхиллаштиради, ҳамда уларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга оширади. Булардан ташқари ахборот марказлари бўлиб ҳисобланиб, ҳудудий белги бўйича ҳам, банкларнинг ихтисослашиши бўйича ҳам ташкил этилиши мумкин.

Корпорация юридик шахслар бирлашмаларининг бир тури ҳисобланади. Корпорация сузи лотин тилидан олинган булиб corporatio-бирлашма, уюшма, ҳамжамият деган маъноларни аниқлатади.

Корпорация ривожланган йирик акциядорлар жамияти, бирон-бир фаолият учун уюшган юридик ва жисмоний шахслар мажмуасидан иборатдир.

Корпорация бир касб ёки фаолият соҳасида фуқароларни ҳам бирлаштириши мумкин. Ҳозирги бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда корпорация хўжаликларнинг барча тармоқларида асосий манқега эга.

Корпорациялар негизини акциядорлик жамиятлари ташкил этади. Корпорациялар бир хил махсулотларнинг асосий ишлаб чиқарувчиларини бирлаштиради, натижада ишлаб чиқариш монополлашади. Айни пайтда корпорациялар инвестиция капиталининг марказлашувига ёрдам бериш йўриқларида илмий техника тараққиётини, Махсулотларнинг рақобатбардошлиги ва узлуксизлигини таъминлайди.

Улар юридик шахс ҳуқуқига эга, ҳамда давлат, хусусий, аралаш (қўшма) корпорацияларга, тармоқлар бўйича саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт, алоқа ва бошқа турдаги корпорацияларга бўлинади..

Ривожланган мамлакатларда саноат тармоқлари корпорацияга уюшган ширкетлар кўп учрайди. (масалан "ДЭУ" корпорацияси.)

Корпорацияларда корпоратив манфаат корпорацияга кирувчи фирма, компания, ташкилотлар учун умумий манфаатларни ифода этади ва муштараклигини таъминлайди. Бу манфаат биргаликда товар ёки хизмат бозорларига кириб бориш, унда ўз ўрнини топиб, манқеини мустаҳкамлаш, рақобат курашида голиб чиқиб, фойдани ёки махсулот ишлаб чиқариш эҳтимоллигини кўпайтириш, махсулот сифатини яхшилаш имконини беради. Корпоратив манфаатдан келиб чиқиб, ўзида бир нечта мақсадларни аниқтайди. Унда манфаатдорлик механизми кўп ва сифатли махсулотларни ҳам ҳаражат билан ишлаб чиқариш, махсулот таннархи камайтириш, қомашё, материал, энергия, ёқилғи ва пул маблағларини тежашни, иқтисодий мақсадга мувофиқлигини таъминлайди ва фойда ҳамда даромадни кўпайтиради. Манфаат корпорация ўзида корпоратив амалга оширишда кўп

босқичли хусусиятга эга бўлиб, корпорацияда ишловчи ҳар бир ходи таркибий бўлимлар ва умуман корпорациянинг манфаатларидан шаклланад

Концерн юридик шахслар бирлашмалар тизимида ҳудудий тузил сифатида (иштирақ,манфаат) манфаатлар, шартномалар, капитал хамкорликдаги фаолиятда иштирақ умумийлиги асосида уюшг корхоналарнинг йирик бирлашмаси ҳисобланади. У ишлаб чиқари диверсификацияси асосида таркиб топадиган йирик, куп тармоқ корпорациядир.

Аксарият ҳолларда корхоналарнинг бундай гуруҳлари шу корхона ақцияларининг асосий қисми ўз қўлида тўпланган бош корхона (ҳолдини атрофида) бирлашади.

Концерн таркибига (саноат, транспорт, савдо, банк соҳаси) турл тармоқларга тегишли айрим ҳолларда, дунёнинг кўпгина мамлакатларид жойлашган ўнлаб ва юзлаб корхоналар ихтиёрий асосларда киради.

Турли минтақаларда жойлашган, айрим товарларни ишлаб чиқарадига ва концернга номинал кирадиган корхоналар бош компаниянинг шуъб филиаллари, шуъба корхоналари ҳисобланиб, ўз ҳужалик мустақиллигин сақлаб қолади. Амалда концерн таркибидаги корхоналар илмий-техникави ва ишлаб чиқариш тараққиёти, шунингдек, инвестиция, молия, ташк иқтисодий фаолият, корхоналарга хизмат кўрсатишни ташкил этии соҳаларидаги вазифаларни марказлаштириши асосида фаолият кўрсатади.

Корхоналар умумий молия, ягона илмий техника потенциали в кооперациялашган барқарор алоқаларга эга бўлади. Айрим концернла мураккаб маҳсулотларни тайёрлашнинг жами ишлаб чиқариш циклин амалга ошириш мумкин. Концернлар тармоқ ва тармоқлараро тузилиш мумкин. Лекин бир корхона фақат бир концернга кира олади.

Хозирги даврда, айниқса, ривожланган давлатларда саноат, транспор савдо, банк, сугурта, алоқа, матбуот, радио-телевидение компанияларин бирлаштирадиган, халқаро даражада фаолият кўрсатадиган, жаҳо мамлакатларида шахобчалари кенг ривож топган концернлар бор.

Халқаро концернлар трансмиллий концернлар деб аталади.

Концернлар асосан бозор иқтисодиётига ўтиш шароитларида айниқ Ўзбекистонда 1991 йил октябр ойдан бошлаб моддий ишлаб чиқариш бида боғлиқ бўлган тармоқ вазирликлари ўрида йирик концернлар ташки қилинди. “Ўзкимёсаноат”, “Ўздавлатмашконцерн”, “Радиоэлектронтехасбоб” “Ўзбалик”, “Ўзавтотўй” ва бошқа концернлар.

Юридик шахс бирлашмалари тизимида ташкилий ҳуқуқий тизи сифатида сугурта компаниялари энг кўп ривожланган ташкилотларди Масалан: Ўзгросугурта. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 199 йил 25 февралдаги “Ўзгросугурта” давлат акциядорлик сугурт компаниясини ташкил этиш тўғрисидаги ПФ-1713-сонли Фармониг мувофиқ ташкил этилган ва ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикас Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 6 мартдаги “Ўзгросугурта” давла акциядорлик сугурта компанияси фаолиятини ташкил этиш масалалар тўғрисида” ги 125-сонли қарорига кўра амалга оширади.

сугуртага ўтказган пуллари ҳисобидан тўлдириб борилади. Шунингдек мажбурий тиббий сугурта борасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш ҳудудий жамғармалар фаолиятига алоҳида эътибор қаратилади. Жамғармалар ўз фаолиятини мамлакатда мавжуд қонунчиликдан келиб чиққан ҳолда олиб боради. Сугурта тўловлари тарифлари мавжуд қонун асосида ҳар йили тасдиқланади. Тўловлар тартиби, ҳажми ва шартлари ҳам шу қонуларга мувофиқ ишлаб чиқилади. Бирок, бу ҳолатларда мажбурий тиббий сугурта дастурига алоҳида эътибор бериш талаб қилинади. Мажбурий тиббий сугурта таъминотининг барқарор ҳолатда сақланиши учун ҳуқуқ тамонидан мавжуд тўловлар бўйича янгидан янги тарифлар ишлаб чиқилади.

Тиббий сугурта шартнома шаклида амалга оширилади. Яъни, тиббий сугурта томонлар ўртасидаги келишувга асосланади. Унинг шартлари фуқароларнинг тиббий сугуртаси ҳақидаги қонун асосида бошқарилади. Мазкур шартномада қуйидагилар акс этади: томонларнинг номлари, келишув муддати, сугурталанганлар сони, сугурта тўловларини киритиш тартиби муддати, ҳажми, мажбурий ва ихтиёрий тиббий сугурта дастурларини қиравчи тиббий хизматлар рўйхати, мавжуд қонунчиликка қарши бўлмаган жиҳатлар ва томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда масъулияти. Умуман олганда, мазкур тиббий сугурта шартномаси мамлакат аҳолисини саломатлигини сақлашда устувор аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам Четвёркин “Бозор иқтисодиёти шароитида тиббий сугурта аҳоли саломатлигини сақлашдаги муҳим унсурлардан ҳисобланади”¹ деган хулосага келган эди.

Тиббий сугурта шаклига кўра ихтиёрий ва мажбурий турлари бўлинади². Тиббий сугуртанинг мазкур шакллари аҳоли саломатлигини сақлашда ўз ўрнига эга. Жумладан, ихтиёрий тиббий сугурта ўз олдига сугурта қилинган шахсларни мажбурий тиббий сугурта дастурларида ортқча сифатли тиббий хизматлар билан кафолатли таъминлашни мақсад қилиб кўяди. Мажбурий тиббий сугурта бўлса, давлат ижтимоий сугуртасининг таркибий қисми сифатида мажбурий тиббий сугурта маблағлари ҳисобига тиббийёт муассасалари томонидан кўрсатиладиган бепул тиббий хизматлардан фойдаланиш, жисмоний шахсларга тегиш имкониятларни таъминлашга йўналтирилади. Унга кўра мазкур сугурта шартномасини тузган тарафлар оммавий сугурта муносабатларини киришишади. Яъни, бундай муносабатларда, сугурталовчи сифатида давлат органлари қатнашади. Шунинг учун ҳам мажбурий тиббий сугуртада сугурталовчи сифатида сугурта муносабатларида иштирок этувчи турли хил давлат жамғармалари фаолияти етакчи ўринни эгаллайди. Мазкур сугурта шаклининг энг муҳим жиҳати, унинг давлат ижтимоий сугуртаси турларида бири эканлигидир. Зеро, у ихтиёрий тиббий сугуртадан фарқли равишда чекланмаган доирадаги шахсларга минимал ҳажмдаги тиббий ёрдам тақдир

¹ Четвёркин Е. Медицинское страхование на западе и в России //Мировая экономика и международные отношения, 2000, № 12. - С.93.

² Караев. Социальная медицина и организация здравоохранения/Руководство для студентов: В 2 томах Т.2/В. А.Меняев и соавторы. - СПб, 1998

Шунингдек, барча ишловчи фуқаролар мажбурий тиббий суғурта шартномасини ўзи фаолият олиб бораётган иш жойидаги иш берувчи орқали тузади. Ишламайдиганлар учун мажбурий тиббий суғурта ҳукуматнинг ижро этувчи органи орқали амалга оширилади.

Мазкур тиббий суғурта шаклидаги тиббий ёрдам ҳажми эса мажбурий тиббий суғурта шартномаси бўйича бепул тақдим этилади. Бундай тиббий ёрдам биринчидан, фуқаронинг ёки унинг яқинларига ҳаёти ёки соғлиғига таҳдид солувчи ҳолатлар, қўтилмаган касалликлар, сурункали касалликлар, бахtsiz ходисалар, жароҳат ва захарланиш сабабли, ҳомиладорлик ва тўлғоқ шартлари намойиш бўлганда кўрсатилади. Шунингдек, амбулатор ва поликлиникада касалликлар профилактикаси, диагностикаси ва даволаш бўйича тадбирларни ўтказишда, шунингдек кундузги стационар ва амбулатор поликлиника муассасаларининг уй стационарларида ҳам тиббий ёрдам кўрсатилади.

Аксариyat ривожланган мамлакатларда фуқаролар қўшимча ҳажмдаги бепул тиббий ёрдам ҳам олишади. Масалан: Германиядаги мажбурий тиббий суғурта дастури бўйича инфекция ва паразитлар касалликлари (жинсий йўл орқали юқадиган касалликлардан, туберкулез, ОИТС дан ташқари), эндокрин тизими касаллиги, овқатланиш, моддалар алмашинуви бузилганда, асаб тизими, қон органлари ва алоҳида бузилишлар қайд этилганда, кўз ва қулоқ касалликлари, қон айланishi, нафас олиш органлари, ошқозон касалликлари, жинсий аъзолар, тери ва тери ости касалликлари, суяк-мускул тизими ва бирлаштирувчи тўқималар, тиш касалликлари ва оғиз-бўшиғи, ҳомиладорлик, туғруқ ва ундан кейинги жараёнлар, абортлар, жароҳатлар, захарланиш ва бошқа ташқи сабаблар таъсири оқибатлари, туғма аномалия (ривожланиш пароклари), катталарда деформация ва хромосомали бузилишларда амбулатор-поликлиника ва стационар ёрдам кўрсатилади.

Мажбурий тиббий суғурта шартномасининг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқишда хорижий тажрибага таяниш ҳам ўз самарасини беради. Германияда бу борада катта ютуқлар қўлга киритилган. Чунончи, бу давлатда аҳоли соғлиғини сакловчи муҳим соҳа сифатида мажбурий тиббий суғуртага алоҳида эътибор қаратилади. Шунингдек, Германияда тиббий суғурта билан кундузи бери шуғулланиб келаётган ва бой тажрибага эга бўлган давлат ва шунингдек яъни хусусий суғурта муассасалар фаолияти яхши йўлга қўйилган.

Шу ўринда айтиш жоизки, мажбурий тиббий суғурта дастури доирасида турли касалликларни олдини олиш мақсадида профилактика тадбирлари ҳам ўтказилади. Баъзи мутахассисларнинг фикрича, “Бу тизимда соғлом болаларни турли касалликлардан ҳимоялаш учун диспансер кузатуви ҳам олиб борилади”.

Мажбурий тиббий суғурта шартномасида суғурталанган фуқаролар ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш кафолатланади. Бунда қонун билан белгиловчи ва ижро этувчи ҳукумат органлари, суғуртачи (иш берувчи),

мажбурий тиббий сугуртанинг ҳудудий жамгармаси, тиббий суг ташкилотлари ва уларнинг ассоциациялари, соғлиқни сақлаш вазири профессионал тиббий ассоциациялар, даволовчи-профилактик бўлинмаи лицензион-аккредитацион комиссияси, давлат назорат органлари (прократ монополияга қарши курашиш қўмитаси, фуқаро ҳуқуқлари бўйича презид вакили), ижтимоий назорат субъектлари (профсоюзлар, истеъмолчи ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари, суд олди ва суд субъектлари) фаолияти муҳим ўринни эгаллайди.

Мажбурий тиббий сугуртани молиялаштириш учун барча хусусий а шакллари ташкилот ва муассаса иш берувчилари, меҳнатга тўловга нисби муайян фонд ажратилади ва мавжуд ҳуқуқий асосларга кўра ҳисоб-ки килинади. Бундай ажратиладиган фондларнинг қатта қисми пенн сугуртага тўғри келади

Мажбурий тиббий сугурта шартномасида 4 та субъект мавжуд, : ўртасида ҳуқуқий муносабатлар шартномавий келишув асосида ам оширилади. Булар сугуртачи, сугурталовчи, сугурталанувчи, тиф хизматни амалга оширувчидан иборат. Мажбурий тиббий суг шартномасини амалга оширишда бу субъектларнинг ўзига хос ўрни мави Масалан, сугуртачи – сугурта муассасаси, сугурта тўловларини йиг сугурта жамгармаларини шакллантиради, бу жамгармалардан тиф хизматларни ва бошқа турдаги нулли ва моддий харажатларни (шартнои келишилган) таъминлайди. Сугурталовчи эса жисмоний ёки юридик е (муассаса ёки ташкилот) сифатида сугуртачи билан тузилган шартноми келишувга кўра тўловларни тўлаб боради. Ишламайдиган аҳоли сугурталовчиси маҳаллий маъмурият ҳисобланади. Уларнинг маблағу давлат бюджети ҳисобидан ажратилади.

Мажбурий тиббий сугурта шартномасида сугурталанувчи сифа тиббий хизмат ва бошқа турдаги моддий ва пулли тўловлар (шартномага и бўлади) таъминланган субъект тушунилади. Тиббий хизматларни ам оширувчилар эса тиббий муассаса (ташкилот) ва шифокордан иборат. Улар сугурталанганларга келишувда кўрсатилгандек тиббий хи: кўрсатади ва ўз хизматлари учун тиббий сугурта жамгармаи тақдирланади.

Мажбурий тиббий сугурта шартномасида қайд этилишича, тиф сугурта ташкилотчиси қуйидагиларни амалга оширади:

- 1) сугуртачи билан шартнома тузади ва ундан тўловларни олади;
- 2) сугурталанувчиларга сугурта полисларини беради, улар бўйича тиф ёрдам кўрсатади;
- 3) тиббий муассаса ва мустақил шифокорлар билан шартнома тузи: улар хизматлари учун ҳақ тўлайди;
- 4) мажбурий тиббий сугурта бўйича қайд этиб бориладиган нархлари ўзгаришида иштирак этади ва кўрсатилаётган тиббий хизмат сифаи назорат қилиб боради.
- 5) Сугурта тарифларини ўрнатади.

Мажбурий тиббий суғурта шартномасида қайд этилишича, суғурта шартномасида суғурталанувчиларга кўрсатилган тиббий хизмат учун тўловни ва суғурта ташкилотига тўғридан-тўғри келувчи фойдани таъминлашга хизмат қилади.

Мажбурий тиббий суғуртанинг яна бир эътиборли томони шундан иборатки, суғурта қилинган барча шахслар суғурта қилинганнинг ижтимоий мақомидан ва қўшилган улуш миқдоридан қатъий назар, базавий дастур қадмида тиббий хизматлардан фойдаланишда тенг ҳуқуқли бўлади. Ва, шундай муносабатлар мажбурий тиббий суғурта шартномаси асосида шартномасига солинади. Шунингдек, суғурталанувчилар олдида мажбурий тиббий суғурта бюджети ижросига нисбатан ошқоралик, суғурта қилинган шахсларни ҳуқуқий ҳимоя қилишни таъминлаш устувор ўринни эгаллайди.

Хулоса ўрнида шунни таъкидлаш жоизки, аҳоли саломатлигини сақлашда мажбурий тиббий суғурта имкониятларидан фойдаланиш ва бу борада тажрибий тажрибаларга алоҳида эътибор қаратиш долзарб масалалардан ҳисобланади. Шу маънода аҳолининг саломатлигини сақлаш бўйича олиб борилаётган ислохотларни янада чуқурлаштириш мақсадида мажбурий тиббий суғурта тизимини жорий этиш бўйича қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва уларни жамият ҳаётига тадбиқ этишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш. шунингдек, бу борада қатта тажрибага эга бўлган Германия, АҚШ, Франциянинг ютуқларидан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

Ахунджанова М.Л.
старший преподаватель

ПРАВОВОЕ РЕГУЛИРОВАНИЕ ОБРАЩЕНИЯ ЦЕННЫХ БУМАГ

В первой части гражданского кодекса Республики Узбекистан ценные бумаги относятся к объектам гражданского права, что является новеллой в национальном гражданском законодательстве.

Президент Республики Узбекистан Ислам Каримов отметил, что государственное регулирование экономических и социальных процессов будет осуществляться с помощью общеизвестных инструментов - денежно-кредитной, налоговой, валютной политики, контроля за ценами, других мер косвенного воздействия. Именно таким способом можно прийти к цивилизованному рынку, создать необходимые для него условия».

Следует заметить, что степень участия государства в регулировании корпоративных отношений, а также отношений на рынке ценных бумаг оценивается зарубежными учеными по-разному: от полного невмешательства до жесткого регулирования.

Главным инструментом государственной политики в данной сфере является создаваемая государством система регулирования обращения ценных бумаг. При этом проявляется роль государства и как регулятора рынка ценных бумаг, и как эмитента государственных ценных бумаг и крупнейшего продавца корпоративных ценных бумаг в ходе приватизации.

В сфере регулирования рынка ценных бумаг интересы участников рынка и государства совпадают. Регулирование нужно для того, чтобы предупреждать и разрешать конфликты участников, улучшать управление рисками, уменьшать вероятность мошенничества, стимулировать увеличение ликвидности, внедрять лучший опыт практики ведения бизнеса и стандарты деятельности. Все эти цели регулирования являются общими и у участников рынка, и у государства.

Цели государственного регулирования фондового рынка изложены в базовом документе Международной организации комиссий по ценным бумагам «Цели и принципы регулирования в области ценных бумаг»:

«...регулирование должно способствовать формированию капиталов в хозяйстве и экономическому росту». Этот документ предусматривает три цели регулирования в данной сфере:

- защиту инвесторов (против вводящих в заблуждение, манипулятивных, мошеннических и инсайдерских действий),
- справедливость, эффективность и прозрачность рынков (равенство участников на рынке, равный и широкий доступ к информации, предупреждение нечестных торговых операций),
- сокращение системного риска (эффективное управление рисками в индустрии ценных бумаг).

Исходя из этого, основными функциями государства в регулировании рынка ценных бумаг являются: идеологическая, законодательная, институциональная, регулирующая, контролирующая, информационная, защитная, предотвращающая, предупреждающая.

Исходя из норм действующего законодательства, в процессе регулирования рынка ценных бумаг государство выступает в следующих ролях:

- эмитента- при выпуске государственных ценных бумаг;
- инвестора- при управлении крупными портфелями акций промышленных предприятий;
- регистратора-при выпуске ценных бумаг и проспектов эмиссий, контроле за соблюдением эмитентами условий и обязательств, предусмотренных в эмиссиях;
- лицензиара- при лицензировании и контроле за деятельностью инвестиционных институтов, аттестации специалистов;
- профессионального участника-при торговле акциями в ходе приватизационных аукционов;
- регулятора- при издании законов и подзаконных актов;

Важным аспектом роли государства на рынке ценных бумаг является его способность выступать в роли крупнейшего эмитента (финансирование государственного долга) и инвестора (государственная собственность в ценных бумагах юридических лиц), использовать инструменты рынка ценных бумаг для проведения макроэкономической политики и выполнять через свои структуры роль крупнейшего дилера на рынке государственных ценных бумаг. Именно государство является крупнейшим держателем

ценных бумаг предприятий Узбекистана и выступает крупнейшим продавцом на рынке корпоративных ценных бумаг.

Организационной системе государственного регулирования рынка ценных бумаг соответствует система его правового регулирования, которая включает в себя акты различных органов государственной власти, а кроме того, участники рынка разрабатывают нормы деловой этики и обычай делового оборота. По методам воздействия государственное регулирование развиваемого рынка подразделяется на косвенное общезкономическое (бюджетная политика, инструменты валютной и кредитно-денежной политики, налоговая система, политика приватизации и др.) и прямое административное (стандарты деятельности профессиональных участников рынка ценных бумаг, регистрация выпусков ценных бумаг, лицензирование на финансовом и фондовом рынке, требования раскрытия информации в интересах информационной безопасности на рынке ценных бумаг, регулярный надзор и проверки, система санкций и др.).

В соответствии со ст.ст. 20 и 21 Закона Республики Узбекистан « О механизме функционирования рынка ценных бумаг » , государственное регулирование рынка ценных бумаг в Узбекистане осуществляется уполномоченными органами в следующих формах:

- регистрация выпусков ценных бумаг и проспектов эмиссии, контроль за соблюдением эмитентами условий и обязательств, предусмотренных в них ;
- обеспечение раскрытия информации о ценных бумагах эмитентами и участниками рынка ценных бумаг;
- аттестация специалистов, лицензирование и контроль деятельности инвестиционных институтов;
- рассмотрение апелляций инвесторов и других участников рынка ценных бумаг и вынесение по ним заключений, предписаний, обязательных для исполнения участниками рынка ценных бумаг;
- регулирование сделок купли-продажи ценных бумаг на внебиржевом и биржевом рынках, сделок по дарению, наследованию, внесению ценных бумаг в уставный фонд и других, влекущих за собой изменение их собственника.

В заключение следует отметить, что законодательная база, регулирующая отношения субъектов на рынке ценных бумаг, имеет сегодня достаточно развитый характер и вполне отвечает требованиям дня. Действующие нормативные правовые акты практически охватывают государственным регулированием основные операции, производимые профессиональными участниками рынка ценных бумаг по оказанию услуг физическим и юридическим лицам, другой блок вопросов затрагивает развитие корпоративного управления в обществах и связан с регулированием детальных вопросов между акционерами по поводу взаимоотношений в акционерном обществе.

ДАВЛАТ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ

Давлат муассасалари юридик шахс сифатида давлат бюджетига турадиган ва мустақил сметага эга бўладиган давлат муассасалари ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган фаолият, жумладан маъмурий идора этиш ёки ижтимоий маънавий ишларни бошқаришни амалга оширади. Булар жумласига мустақил сметага, раҳбарларни кредит тақсимлаш ҳуқуқига эга муассасалар жумладан:

- шифохоналар
- таълим муассасалари
- театрлар
- музейлар
- судлар
- прокуратура ва бошқалар киради.

Цивилист олимлардан проф.И.Б.Зокировнинг фикрига кўра "Юридик шахс ҳисобланган давлат муассасалари ўз низомлари доирасида ўзлари юритаётган вазифаларни амалга ошириб, турли фуқаролик ҳуқуқий битимлар тузадилар, ўзларига бириктирилган мулкдан оператив бошқариш ҳуқуқи асосида фойдаланадилар. Давлат органлари ўз қарзлари учун жавобгар бўлади. Бироқ маблағи етмаса белгиланган тартибда давлат ҳам унинг учун жавобгар бўлиши мумкин".¹

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 76-моддасига асосан "Бошқарув, ижтимоий – маданий вазифаларни ёки тижоратчиликдан иборат бўлмаган бошқа вазифаларни амалга ошириш учун мулкдор томонидан ташкил этилган тўла ёки қисман молиявий таъминлаб туриладиган ташкилот муассаса ҳисобланади".²

Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтишнинг иқтисодиётни эркинлаштириш босқичида бюджет муассасалари тизими фаолиятини янада такомиллаштириш ва улардан самарали фойдаланиш каби таъсирчан шаклларни қўллашни таълаб этади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида муассасаларнинг ҳуқуқий мақомини белгилашда бир қатор камчиликлар мавжуд.

Биринчидан – муассасаларни ҳуқуқий мақомини белгилаб берувчи норматив ҳужжатларнинг талаб даражасида эмаслиги;

¹ И.Б.Зокиров. Фуқаролик ҳуқуқи. Т., ТДҲИ 2006, 131-бет.

² Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. Т., Шарқ, 2003, 42-бет.

Иккинчидан – муассасаларни юридик шахслар тизимида тутган ўрнини илмий тадқиқ этилмаганлиги;

Учинчидан – муассасаларни ташкил этишда таъсис шартномасини назарда тутилмаганлиги;

Тўртинчидан – муассасалар тўғрисидаги махсус қонуннинг қабул қилинмаганлиги ва ҳоказолар.

Бозор муносабатларига ўтиш жараёнида муассасаларнинг ҳуқуқий мақоми уларни фуқаролик муомаласидаги ижтироки ва тартиби тубдан ўзгарди. Амалиётнинг кўрсатишича ҳозирги кунда давлат муассасалари фақатгина давлат томонидан ажратилган маблағлар ҳисобидан фаолият кўрсатишдан ташқари ўзларини низомларида белгиланган тартибда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмоқдалар.

Биз ушбу тадқиқотимизда юқорида санаб ўтилган давлат муассасаларини бири бўлган таълим муассасаларини тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш тўғрисида тўхталиб ўтмоқчимиз.

Таълим муассасаси юридик шахс бўлиб қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ташкил этилади. Таълим муассаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган устав асосида фаолият олиб боради. Таълим муассаси аттестация натижаларига асосан давлат аккредитациясидан маҳрум этилиши мумкин. Таълим муассасалари ўқув тарбия мажмуаларига ҳамда ўқув – илмий ишлаб чиқариш ва бирлашмаларига бирлашиш ҳуқуқига эга. Таълим муассасалари ўз уставида белгиланган вазифаларига мувофиқ турли хил пулли таълим хизматлари кўрсатиш шунингдек, тадбиркорлик фаолиятининг бошқа турлари билан шуғулланишга ҳақли.

Таълим муассасасининг мулки давлат ёки таъсисчилар тасарруфида бўлади. Давлатга қарашли олий таълим муассасасига, хўжалик юритиш ҳуқуқига эга, ихтиёрида мол – мулк бўлган унитар корхона сифатида, низомида кўзда тутилган фаолиятни таъминловчи асосий фонд ва айланма маблағлар ҳамда бошқа бойликлар бириктириб қўйилади. Таълим муассасаси ўз фаолияти натижаси бўлган ақлий ва ижодий меҳнат маҳсулотига эгаллик қилиш ҳуқуқига эга.

Давлатга қарашли олий таълим муассасасига жисмоний ва юридик шахслар томонидан ҳада, хайр – эҳсон, васият шаклида ўтказилган пул маблағлари ва мулкни ҳамда тадбиркорлик фаолияти ва хўжалик тасарруфидаги мулкдан тушган фойдани олиш ва мустақил идора қилиш ҳуқуқи берилади.

Давлатга тегишли таълим муассасасига амалдаги тартибда ажратилган ер майдонлари мuddатсиз текин фойдаланиш ҳуқуқи билан бириктириб қўйилади.

Таълим муассасаларининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- жамиятнинг илмий — маданий салоҳиятини юксалтириш аҳоли ўртасида илмий қадриятларни тарғиб қилиш, ёшларнинг маънавий — маърифий савиясини ошириш;

- таълим тизимини илғор илм—фан ютуқлари асосида такомиллаштириш;

- жаҳон андозаларига мос фундаментал тадқиқотлар олиб бориш;

- фаннинг муҳим соҳалари бўйича янги илмий мактабларни шакллантириш ва улар фаолиятининг давомийлигини таъминлаш;

- ривожланган мамлакатларнинг илмий тадқиқот муассасалари билан илм—фан ва таълим соҳасида ўзаро тенг манфаатли ҳамкорликни кенг йўлга қўйиш;

- ҳар томонлама ривожланган ва етук шахсни мустақил давлат фуқаросини ва ўз ватанининг фидойисини тарбиялаш;

- илмий педагогик ходимлар ва таълим оловчиларнинг тадқиқотлари ҳамда ижодий фаолиятлари орқали фанни тараққий эттириш, олинган илмий натижаларни таълим жараёнига тадбиқ этиш;

- иқтисодийнинг тегишли соҳаларида фаолият олиб боровчи олий маълумотли ходимларни ва илмий педагогик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш;

- жамиятнинг ахлоқий, маданий, илмий қадриятларни сақлаш ва кўпайтириш;

- аҳоли ўртасида илмларни тарқатиш, унинг таълимий ва маданий даражасини кўтариш;

- олий ва олий ўқув юритидан кейинги касбий таълимни такомиллаштириш ва халқаро дастурларда иштирок этиш.

Шунингдек таълим муассасаларининг мажбуриятларига қуйидагилар киради:

— ўзлари тузган шартномалардан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажаришлари;

— ёллаш асосида жалб этилган ходимлар билан ўз вақтида ҳисоб китоб қилишлари;

— хавфсизлик, экология, санитария, гигиена ва меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига риоя этишлари;

— реализация қилинадиган товарлар учун қонун ҳужжатларига мувофиқ сертификатларга эга бўлишлари;

— почта манзили ва бошқа реквизитлари ўзгарганлиги тўғрисида тегишли давлат органларини ўз вақтида хабардор қилишлари;

— бухгалтерия, тезкор ва статистика ҳисобини қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ юритишлари;

— ўз фаолиятлари тўғрисида ҳисоботларни тегишли органларга белгиланган тартибда тақдим этишлари шарт.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш жоизки фуқаролик ҳуқуқининг субъекти сифатида муассасаларни ҳуқуқий мақомини

хар томонлама илмий таҳавв қилиш фуқаролик қонунчилиги ва тадбиркорлик фаолиятини янада ривожланишига олиб келган бўлур эди.

Ёриев Улуғбек
2-курс талабаси

ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИНИНГ СУБЪЕКТИ СИФАТИДА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР

Барча ҳуқуқ соҳалари каби фуқаролик ҳуқуқида ҳам унинг асосий тамойиллари, доимий динамикадаги ҳуқуқ манбалари, бошқа ҳуқуқ соҳаларидан мустақил бўлган тартибга солиш усуллари, субъект ҳамда объектлари мавжуд бўлиб, бозор иқтисодиётига ўтиш босқичида ушбу комплекс механизмнинг тўлиқ ва ўз вақтида ишлаб туриши мамлакатимиз миқёсида олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга оширишда ўзининг залворли ўрнига эга. Айни пайтда ислохотлар орқали беvosита манфаатлари кўзланаётган субъектларнинг (бу ерда фуқаролар(жисмоний шахслар), юридик шахслар ва давлат назарда тутиляпти) ҳуқуқий мақоми, улар ҳуқуқларининг амалда кенг қўлланилишига давлат миқёсида эътибор берилмоқда. Бунга мисол тариқасида республикамизда президентимиз И.А.Каримов ташаббуслари билан бир қанча норматив ҳуқуқий актларнинг қабул қилиниши, улар асосида эса, кўплаб амалий дастурларни кўришимиз мумкин. Булардан ташқари оммавий ўтказилган тадбирларни жумладан, 1997 йилни Инсон манфаатлари йили, 1999 йилни Аёллар йили, 2008 йилни Ёшлар йили деб эълон қилинганлиги ҳамда уларнинг ижтимоий ҳаётдаги ифодаси сифатида тегишли Давлат дастурларининг ижро этилаётганлигини санаб ўтиш мумкин. Шундан келиб чиқиб, ушбу мақола орқали фуқаролик ҳуқуқининг субъектларидан бири бўлмиш жисмоний шахслар, уларнинг ҳуқуқий мақомига бўлган қарашлар ҳамда мазкур соҳадаги илмий ва амалий муаммоларга тўхталиб ўтмоқчиман. Аввало, фуқаролик ҳуқуқидаги субъектлардан бири бўлган фуқаролар(жисмоний шахслар) муаммосига тўختаламиз. Ушбу масалада цивилист олимлардан И.Б. Зокиров, А.К.Юрченко, А.Н. Гув, Н.Д.Егоров, Р.Ж. Матқурбанов, Х.Р.Раҳмонкулов, Т. Туребеков, Ш.Матқонов, Л.Г. Кузнецова, Я.Н. Шевченко, Ш.Р. Юлдашева⁴⁷, Н.Ашурова қабилар шугулланганлар. Фуқаролик ҳуқуқи назариясида фуқаролик ҳуқуқи субъекти сифатида фуқаролар, ташкилотлар ва давлат бўлиши таъкидланади⁴⁸. А.Н.Гуевнинг фикрича, эса фуқаролик

⁴⁷ Юлдашева Ш.Р. Фуқаролик ва оила ҳуқуқида касбийлик ва ҳомийликнинг моҳияти, ун амалга ошириш усуллари. 12.00.03йў. Ю.ф.н.учун ёзилган диссертация Автореф. Т. ТДЮИ нашр -2005 йил.

⁴⁸ Зокиров И.Б. Ўзбекистон Республикаси фуқаролик ҳуқуқи. –Т.: ТДЮИ нашриети. 2006. 83-100 бетлар, Гражданское право. Учебник. В 3 т. Т. 1. –6-е изд. Отв.ред. А.П.Сергеев, Ю.К.Толстой. –М.: Проспект. 2003. С. 99. Н.Ашурова.Возраг етмаган фуқаролар-фуқаролик ҳуқуқининг субъекти сиф./ФК 10 йиллигига чикарилган тўплам.ТДЮИ 2007 й.

хукуки субъекти юридик шахслар ва фуқаролар ҳисобланади⁴⁹. Ле муаллиф муносабатда тенг равишда иштирокчи сифатида майдонга чиқувчи давлатни субъект сифатида эътироф этмайди. А.К.Юрченконинг фикри фуқаролик ҳуқуқий актларда «субъект» атамаси учрамайди. Ҳуқуқий ноимкамга таъсир этишига кўра фуқаролик ҳуқуқий муносабатлари субъектлар фуқаролар ёки ташкилотлар деб аталади. Фуқаролик ҳуқуқий муносабатларнинг барча субъектларига бир қўлланган ҳолларда «субъектлар» атамаси ўрнига «шахслар» атамаси қўлланилади. Н.Д.Егоровнинг фикрича эса фуқаролик ҳуқуқ муносабатларнинг барча субъектлари фуқаролик қонунчилигида қўлланилиши «шахслар» атамасини ўз ичига олади. Фуқаролик ҳуқуқий муносабат субъекти сифатида шахслар субъектив фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятлар олувчи сифатида кўрилади. Н.Ашурованинг фикрича, «шахс» атамаси «фуқаролик ҳуқуқ субъекти» иборасини тўлиқ ўзида ифода эта олмайди. Шахс атамаси асосан фуқаролик ҳуқуқи назариясида жисмоний ва юридик шахсларга нисбатан қўлланилади. Давлатга нисбатан эса «шахс» ибораси қўлланилмайди. Бундан ташқари давлатга нисбатан «шахс» иборасини қўллайдиган бўлсак, у «ўзига хос яққа ва яғнона субъект»⁵⁰ сифатидаг хусусиятини амалда йўқотиб қўяди ва умумий хусусиятга эга бўлган фуқаролик ҳуқуқи субъектлари – жисмоний ва юридик шахслар ичига «сингиб» кетади. Фуқаролик ҳуқуқий муносабат тенг субъектлар ўртасида юз берар экан, демак давлат ҳам муносабатда иштирок этиши ва ун иштирокчи сифатида тан олиш зарурати туғилади.

Мамлакатимиз қонунчилигида, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 16-моддасида фуқаро (жисмоний шахс) тушунчасига таъриф берилиб, фуқаролар (жисмоний шахслар) деганда Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, бошқа давлатларнинг фуқаролари, шунингдек фуқаролиги бўлмаган шахслар тушунилиши таъкидланган. Фуқаролик ҳуқуқида фуқароларнинг ҳуқуқ лаёқати ҳақида ўзларининг моддий ва маданий эҳтиёжларини қондириш мақсадида хилма-хил ҳуқуқий муносабатларга киришишнинг юридик имкониятини беради деб таъкидланади. Барча фуқароларнинг фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларига эга бўлиш лаёқати (ҳуқуқ лаёқати) тенг равишда эътироф этилиб, фуқаронинг ҳуқуқ лаёқати у туғилган пайтдан эътиборан вужудга келади ва вафот этиши билан тугайди. Фуқаролар ҳуқуқ лаёқатининг мазмунини уларнинг мулк ҳуқуқи асосида мол-мулкка эга бўлиш ҳуқуқи, мол-мулкни мерос қилиб олиш ва васият қилиб қолдириш ҳуқуқлари, банкда жамғармаларга эга бўлиш ҳуқуқлари, тадбиркорлик, деҳқон (фермер) хўжалиги билан ҳамда қонунде таъқлаб қўйилмаган бошқа фаолият билан шугулланиш ҳуқуқлари ташкил этилиб, айни пайтда уларнинг ёлланма меҳнатдан фойдаланиш ҳуқуқи, юридик шахслар ташкил этиш ҳуқуқи, битимлар тузиш ва мажбуриятларда иштирок этиш, етказилган зарарнинг тўланишини талаб қилиш, машғул

⁴⁹ Гуев А.Н. Гражданское право. Учебник. Т. 1. – М.: Инфра-М. 2004. – 40 б.

⁵⁰ Зокрев И. Ўзбекистон Республикаси фуқаролик ҳуқуқи. – Т.: Адолат. 1996. – 75 б.

турини ва яшаш жойини танлаш, фан, адабиёт ва санъат асарларининг, ижтироларининг, қонун билан кўрикланадиган бошқа интеллектуал фаолият натижаларининг муаллифи ҳуқуқига эга бўлиш имкониятлари ва ҳуқуқлари мавжуд.

Фуқаролик ҳуқуқида фуқаронинг муомала лаёқати ҳам мавжуд бўлиб, фуқаронинг ўз ҳаракатлари билан фуқаролик ҳуқуқларига эга бўлиш ва уларни амалга ошириш, ўзи учун фуқаролик бурчларини вужудга келтириш ва уларни бажариш лаёқати (муомала лаёқати) тушунилиб, у шахс вояга етгач, яъни ўн саккиз ёшга тўлгач тўла ҳажмда вужудга келади. Вояга етгунга қадар қонуний асосда никоҳдан ўтган фуқаро никоҳдан ўтган вақтдан тўтиборан тўла ҳажмда муомала лаёқатига эга бўлади. Никоҳ тузиш натижасида эга бўлинган муомала лаёқати ўн саккиз ёшга тўлмасдан туриб никоҳ бекор қилинган тақдирда ҳам тўла сақланиб қолади. Никоҳ ҳақиқий эмас деб топилганида суд вояга етмаган эр (хотин) суд белгилаган пайтдан бошлаб тўла муомала лаёқатини йўқотганлиги ҳақида қарор қабул қилиши мумкин.

Амалдаги қонунчиликни ва цивилист олимларининг фуқаролар ёхуд жисмоний шахсларнинг ҳуқуқий мақомига оид фикрларини ўрганиб чиқиб, қўйидагича хулосаларга келдим. Авваламбор, жисмоний шахслар амалда фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларининг асосий қисми ҳисобланиб, уларнинг иштироки бозор иқтисодиётига асосланган ижтимоий ҳаётнинг ҳамда фуқаролик муомаласининг юксалишида ўзига хос ўрин эгаллайди. Шунингдек, юқорида мурожаат қилинган фуқаролик ҳуқуқининг субъектлари сифатидаги жисмоний шахслар масаласига ЎзР Фуқаролик кодекси⁵¹ да ижобий ёндашилган, яъни кодекснинг биринчи қисмида “Шахслар” тарзида номланган 2-кичик бўлим таркибидаги 3-бобда фуқаролар (жисмоний шахслар) тарзида қаралиб, уларнинг ҳуқуқ ва муомала лаёқати, исмга ва уни ҳимоя қилишга, яшаш жойига, тадбиркорлик фаолияти билан шугулланишга бўлган ҳуқуқлари ҳамда фуқароларга нисбатан тайинланадиган вазифалик ва ҳомийликнинг ҳуқуқий ҳолати ҳамда махсус давлат органлари томонидан фуқаролик ҳолати ҳужжатларини қайд этиш фаолияти ҳақида муфассал тўхталиб ўтилган.

Даминов Абдували
2-курс магистранти

ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ МУЛКНИЙ АСОСЛАРИ

Жамиятнинг иқтисодий негизи мавжуд мулкчилик муносабатларига асосланади. Иқтисодиётимизнинг тараққиёти бевосита мулкчиликнинг турли

⁵¹Қаранг: 1. ЎзР Олий Мажлисининг Ахборотномаши, 1996й. №2. Илова; 2. ЎзР Фуқаролик кодекси, 2003й 14 июнгача бўлган ўзг. билан. Расмий в. Т.: ЎзР Адв. в. 2003. 16-33 моддалар.

шакллари ривожлантирилишига боғлиқдир. Айниқса бу соҳада хусусий мулкчиликни шакллантириш етакчи ўринни эгаллайди.

Тадбиркорлик фаолиятини асосини хусусий шаклдаги мулкчилик ташкил этади. Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат химоясидадир.

«Хусусий мулкнинг муқаддаслиги ва унинг ҳар томонлама муҳофаза этилиши Республикамизда тадбиркорликка доир ҳамма қонун ва қонун ости актларида ўз ифодасини топган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасига кўра, давлат итёмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларидаги тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди».

Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майдаги «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида» ги қонунининг 18-моддасига кўра, тадбиркорлик фаолияти субъектлари ўзларига тегишли бўлган мулкка хоҳишларига кўра эгаллик қиладилар, ундан фойдаланадилар ва уни тасарруф этадилар.

Бозор муносабатларига ўтиш шароитида тадбиркорлик фаолияти ривожланишининг мулкий асосларини илмий-назарий ва амалий таҳлил қилиб ўрганиш масаласи фуқаролик ҳуқуқи фани олдида турган долзарб муаммолардан бири бўлиб ҳисобланади.

Мусулмон ҳуқуқида мулк муқаддас ҳисобланиб, унинг соҳиби ундан ўз хоҳишича фойдаланиши мумкин, лекин мулкдорнинг ўз буюмидан фойдаланишида суистёмол қилиши, уни мақсадсиз йўқ қилиши катъиян ман қилинади. Мусулмон ҳуқуқида мулкка бўлган ҳуқуқнинг нақадар кадрланганлигини, бузилган мулк ҳуқуқини тиклаш тўғрисидаги даъво билан мурожаат қилиш муҳлати белгиланмаганлигидан ҳам англашимиз мумкин.

Мусулмон ҳуқуқида ўз аксини топган тадбиркорлик ва мулкчилик масаласида ҳуқуқшунос олим И.Анортаев таъкидлаганидек, мусулмон ҳуқуқида ҳам ҳар қандай жамият учун асосий масала бўлган тадбиркорлик ва мулкчилик масаласи деярли ҳар томонлама ҳал қилинган бўлиб, унинг тадбиркорлик фаолияти билан шугулланиши ва унинг туфайли ҳосил қилинган мулкка эгаллик қилиш, яъни ташкилот, ширкат ёки алоҳида шахснинг у ёки бу мулкни эгаллаб туриши ва фойдаланиш ҳуқуқи «Инойтнома» га асосан амалга оширилади. «Инойтнома» давлат томонидан берилган ёки гувоҳлантирилган ҳужжат ҳисобланади. Республикамизнинг қонунчилиги маскур ҳалқчил шароит меъёрларида белгиланган бу демократик ҳолати ўзининг қабул қилинган қонунларида мужассамлаштирган.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 17-моддасида, «Ҳар бир инсон яққа ўзи ёки бошқалар билан биргаликда мулкка эгаллик қилиш ҳуқуқи соҳибидир»⁵² деган қоида мавжуд бўлиб, унга ҳамоҳанг равишда, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 36-моддасида ва «Мулкчилик тўғрисида» ги қонунининг 1-моддасида, ҳар бир шахс мулкдор бўлиши

⁵² Инсон ҳуқуқлари. Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро билёв. Т.: "Ўзбекистон", 2001., 15 6

ҳуқуқига эга. Мулккий ҳуқуқ тан олинади ва қонун билан муҳофаза этилади» деб қайд қилиниши билан ҳар бир шахснинг мулкдор бўлишига тўла қонли ҳақли эканлигининг қафолатидир.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, «мулкчилик масаласини ҳал қилиш бозорни вужудга келтиришга қаратилган бутун тадбирлар тизимининг тамал тоши бўлиб хизмат қилади».53 Иқтисодийёт соҳасида биринчи галдаги асосий вазифа мулкдорлар синфини шакллантириш масаласини тубдан ҳал этиш лозим. Бошқача айтадиган бўлсак, биз ўз олдимизга қўйган мақсадни хусусий мулкчилик етакчи ўринда турадиган кўп укладли иқтисодийётни барпо этиш масаласини амалга оширишимиз керак».54

Жамиятнинг иқтисодий негизи мавжуд мулкчилик муносабатларига асосланади. Шу сабабини мулк нафақат юридик мазмун, балки иқтисодий маънога ҳам эга. Кишилар меҳнати билан яратилган ёки табиат томонидан инсонларга ўзига хос тарзда «тақдим этилган» бойликлар ҳар доим мулк бўлиб келган. Мулк эгаси бўлиши ёки бўлмаслигига қараб, кишиларнинг жамиятдаги мавқеи, аниқроғи ижтимоий-иқтисодий мақоми вужудга келади. Мулккий муносабатларсиз иқтисодий муносабатлар, ишлаб чиқариш жараёни ўз мазмунига эга эмас. «Мулк соҳиби ўз мулкига мустақил таяниб иш кўради» деб таъкидлайди И.Б.Зокиров.55

Мулкчилик бу – масъулият билан манфаатларнинг узвий бирлиги ҳисобланади. Мулкчилик реал бўлиши учун мулкдорларнинг иқтисодий манфаати унинг бойлик эгаси сифатидаги ҳаётий эҳтиёжи бўлиб, ҳатти-ҳаракат, феъл-атворини иқтисодий мотивацияси (сабабини) юзага чиқаради. Шахснинг мулкдан бегоналашувига барҳам берилганлиги бозор муносабатларининг қарор топиши билан узвий боғлиқдир.

Пугинский Б.И. ва Сафуллин Д.Н. лар барча мулк шакллари хусусий ҳисобланади деб таъкидлаган эди.

Толстой Ю.К. ва Сергеева А.П. мулкчилик масаласига ўз муносабатларини билдириб, мулкчилик – бу инсоннинг ашёга бўлган муносабатидир. «Мулкчилик моддий неъматга тегишли бўлган ҳолатдир».

Бизнинг фикримизча мулкчилик – бу инсоннинг ашёга бўлган муносабати, мулк эса, фуқарога ёки юридик шахсга қарашли мулккий ҳуқуқ ва мажбуриятлар, мулкый ҳуқуқлар мажмуаси ҳамда ашё ёки ашёлар йигиндисини ташкил этади. Тадбиркорнинг мулкый ҳуқуқи деганда қонунда белгиланган мулкни эгаллаш, ундан фойдаланиш ва тасарруф этиш ваколатларини мажмуи тушунилади.

Ўзбекистон Республикасидаги турли шаклдаги мулклар тенг ҳуқуқли мавқега эга бўлиши ва ана шу мулкларга нисбаган муносабатнинг тубдан ўзгарганлиги тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда. Хусусий мулкчилик муносабатларини жамиятда қарор топтирмай

⁵³ Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йулида. Т.: "Ўзбекистон", 1995 й. 45 б.

⁵⁴ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмасда. Т.: "Ўзбекистон", 1999 й. 32-33 б.

⁵⁵ Зокиров И. "Ўзбекистон Республикасидаги фуқаролар ҳуқуқи" (1-қисм) Т.: "Тошкент", 2006 й. 211 б.

туриб, тадбиркорликни ривожлантириш, бозорни сифатли моллар билан таъминлаш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш самарадорлигини ошириш мумкин эмас, чунки, тадбиркорликни қарор топтириш бевосита бозор муносабатлари билан узвий боғлиқдир.

Цивилист олим О.А.Красавчиков фикрича, мулкчилик ҳуқуқи мутлақ мулк ҳуқуқига алоқадор. Бу эса, ваколатли бўлган субъект мулкдор ўзига тегишли мулки билан ўз манфаати учун турли ҳаракатларни амалга ошириши, эгаллик қилиши, фойдаланиши ва тасарруф этиши мумкинлигини аниқлатади.

Бизнинг фикримизча, хусусий мулкчилик асосида фаолият юритувчи тадбиркорлик субъекти ўзига қарашли мол-мулкка эгаллик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф қилиш ҳуқуқини бошқа шахсга беришга фақат ўзи ҳақлидир.

Тадбиркорликни амалга оширувчи субъектларнинг мулкий ҳуқуқ объектлари қуйидагилар бўлиши мумкин: Республика ҳудудидagi ер, ер ости бойликлари, ички сувлар, ҳаво хазаси, усимлик ва хайвонот дунёси, иморатлар ва иншоотлар, асбоб-ускуналар, моддий ва маънавий маданият буюмлари, пуллар, қимматли қоғозлар ва бошқа мол-мулклар, инсоннинг унумли ижодий меҳнат қилиш қобилияти шулар жумласидандир.

Тадбиркорлар субъектлари ўзларининг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун турли мулкчиликка асосланган ҳуқуқий шаклдаги субъектларни шакллантирадилар.

Ш.Н.Рўзиназаровнинг фикрича, «тадбиркорлик ҳуқуқини субъектлари таркибида корхоналар алоҳида ўрин эгаллайди. Улар мулкчиликнинг турли хил шаклларида ташкил қилиниб, фаолиятини юритиши мумкин».56

Турли мулкчиликка асосланган бундай ташкилий ҳуқуқий шакллар ўзига хос ҳуқуқий мақомга эга бўлиб, улар ҳолдинлар, акциядорлик жамиятлари, масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар, қўшма корхоналар, ишлаб чиқариш кооперативлари, дехқон, фермер ҳамда кичик корхоналар кўринишида намоён бўлади. Бизнинг фикримизча, юридик шахс мақомига эга бўлган тадбиркорлик субъектлари тижоратчи ташкилотлар бўлиб ҳисобланиб, уларда корхонага хос ҳуқуқий белгилар ҳам ўзининг мужассам ифодасини топган.

Пўлатов Жамшид

2-курс магистранти

ЮНЕСКО ХАЛҚАРО ҲУЖЖАТЛАРИДА МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИНИ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШГА ОИД НОРМАЛАРНИНГ МОҲИЯТИ

Маълумки, ЮНЕСКОнинг муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилишдаги саъй-ҳаракатлари халқаро донради эътироф этилмоқда. Бундай нуфузли

⁵⁶ Рўзиназаров Ш.Н. Тадбиркорлик ҳуқуқини субъектлари ва уларнинг ҳуқуқий ҳолати // Ҳўжалик ва ҳуқуқ. 2001, 8 сон, 20 б.

ташкilotнинг муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилишга қаратилган ҳам амалий, ҳам халқаро қонунчилик фаолияти айниқса ривожланиб бораётган давлатлар учун аҳамиятлидир.

Сўнгги йилларда ЮНЕСКО ҳам бошқа халқаро ташкilotлар қатори бутун дунёда фан, адабиёт, санъат асарларини тарғиб қилиш билан бир вақтда, асарларнинг дахлсизлиги, улардан фойдаланишда ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслик ва асар яратувчилари билан муаллиф (меросхўр)ларнинг ҳуқуқларини узоқ йиллар давомида ҳимоя қилиш масалалари билан ҳам фаол шугулланиб келаётир.

ЮНЕСКО Уставининг 1-моддасида белгиланганидек, ЮНЕСКО асарлар, хусусан, китоблар, меъморий обидалар, санъат асарларини ҳар томонлама халқаро нормалар асосида ҳимоя қилиш мақсадида халқаро конвенция ва шартномаларга давлатларни аъзо бўлиб киришларини тавсия этиб боради. Шунингдек, интеллектуал мулк яратувчиларининг асарларини айирбоқлаш, фан, адабиёт, санъат асарларини нашр этишда ҳар томонлама алоқаларни ўрнатишда давлатлар ва халқларга яқиндан ёрдам беради. ЮНЕСКО Уставининг 2-моддасида эса интеллектуал фаолиятнинг барча соҳаларида ишловчи шахслар халқаро алмашинуви борасида халқлар ҳамкорлигини рағбатлантириш, нашрлар, санъат асарлари ва бошқа фойдали ҳужжатларнинг алмашинувига ёрдам бериши мустаҳкамланган.⁵⁷

ЮНЕСКОнинг муҳим вазифаларидан яна бири дунё мамлакатларида муаллифлик ҳуқуқига оид маълумотларни тарғиб қилиш, ҳуқуқий адабиётлар яратишда кўмаклашиш, халқаро конвенциялар ишлари билан таништириш, муаллифлик ҳуқуқига доир халқаро назарий-ҳуқуқий анжуманлар ўтказиб туришдан иборат.

ЮНЕСКОнинг яна бир асосий фаолияти бу—муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларга оид билимларни тарғиб қилиш, уни бутун дунёга ёйиш, бу соҳада ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлашда аъзо-давлатларга яқиндан ёрдам беришдан иборат. ЮНЕСКОнинг муаллифлик ҳуқуқи билан боғлиқ амалий фаолиятини қўйидаги айрим мисолларда кўриш мумкин.

Асарлар дахлсизлиги таъминлаш масаласи биринчи марта ЮНЕСКОнинг 1977-1978 йилларга мўлжалланган Дастурига киририлган эди⁵⁸. ЮНЕСКО Секретариати томонидан ушбу масала юзасидан бир неча тадқиқотлар ўтказилган ва у 1979, 1983, 1985 йилларда эса ҳукуматлар экспертлари кўмитасида кўриб чиқилган.

1987 йилда ЮНЕСКО Бош Конференциясининг 24-сессиясига ушбу масала юзасидан тайёрланган махсус ҳужжат муҳокама учун тақдим этилади. Натижада “Асарлар дахлсизлигини ҳимоя қилиш ҳақидаги Тавсиянома” 1989 йил октябрь-ноябрда бўлиб ўтган ташкilot Бош Конференциясининг 25-сессиясида кўриб чиқиб, қабул қилинади.

Муаллифлик ҳуқуқининг ҳимоя муддати тугаб, умумхалқ мулкига айланган асарларнинг дахлсизлигини ҳимоя қилишга доир масала ЮНЕСКО

⁵⁷ Мўминов А. Ўзбекистон ва ЮНЕСКОнинг халқаро-ҳуқуқий муносабатлари. -Т.: Янги аср авлоди, 2003.

-Б.167

⁵⁸ Бюллетень по Авторскому праву ЮНЕСКО. Т.2 -Париж: ЮНЕСКО, 1989. -С.28

ҳукуматлар экспертлари махсус комитетининг 1989 йил 3-7 апрель кунлари Париж шаҳрида ўтган мажлисида кўриб чиқилган⁵⁹. Асарларнинг ижтимоий бойликка айланиши аждодлар яратган асарларни Ватан ва маънавият йўлида хизмат қилиши, халқлар ўртасида умуминсоний қадриятларни шакллантириш, бу асарлар инсоният бахт-саодати йўлида хизмат қилишида қафолат берилиши муҳим ҳуқуқий мезондир. Шунингдек, халқаро нормалардан келиб чиқиб, хорижий мамлакатларда қолиб кетган меросимиз бўлган адабиётларимизни қонуний асосларда давлатимизга қайтаришда муҳим ўринни эгаллайди.

Асарларнинг умумхалқ мулкига айланиши, шу асарларни давлат томонидан муддатсиз тўлиқ ҳимоя қилинишини билдиради. ЮНЕСКО актларида белгиланганидек, асарнинг ижтимоий бойликка айланиши икки кўринишда амалга оширилиши мумкин:

Асарлар ижтимоий бойликка қонунчиликда белгиланганидек асарларни ҳимоя қилишнинг муддати тугагандан сўнг ижтимоий бойликка айланишидир. Яъни, бунда муаллиф вафот этгандан сўнг қонунчиликда ўрнатилган муддат ўтиши ва бу асардан фойдаланишга руҳсат бериш ҳамда тегишли муаллифлик ҳақларини талаб қилиш ҳуқуқи тугаганлиги етарли ҳисобланади;

Асарларни муаллиф ҳаётиги даврида ёки муаллиф вафот этганидан сўнг ҳам давлат томонидан сотиб олинishiдир.

Асарнинг давлат томонидан сотиб олинганлиги факти шу асарни давлат тасарруфига ўтишини белгилайди. Бундан ташқари муаллиф бир неча давлатлар ҳудудида яшаб, асар яратган бўлиши ҳам мумкин. Бундай ҳолатда муаллиф асари давлатлараро келишув (Битим, Шартнома)га биноан, шу давлатга тегишли, деб топилиб давлат томонидан ижтимоий бойликка айлантирилиши ҳам мумкин.

Юқорида кўрсатилган халқаро-ҳуқуқий нормалар ЮНЕСКО ташаббуси билан халқаро актларда ва давлатлар миллий қонунчилигида ўз аксини топиб бормокда. ЮНЕСКО томонидан муаллифлик ҳуқуқининг янги объектлари ва муаллифлик ҳуқуқи ҳимоясидан фойдаланувчилар, муаллифларнинг ҳуқуқий ҳимояга олинмаган жиҳатлари, уларнинг ижод қилиш, ҳамда меҳнатига тегишли шарт-шароитлар яратишга қаратилган қуйидаги нуфузли ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган:

1976 йил 22 ноябрь “Таржимонлар статуси ҳақида”ги Найроби Тавсияномаси;

1980 йил 27 октябрь “Ҳаракатланувчи тасвирларни сақлаш ва ҳимоя қилиш ҳақида”ги Белград Тавсияномаси;

1980 йил 27 октябрь “Ижодий ҳодимлар ҳолати ҳақида”ги Белград Тавсияномаси ва бошқалар.

ЮНЕСКОнинг муаллифлик ҳуқуқининг янги турдаги объектларидан ҳисобланган “мультимедиа асарлари”нинг халқаро-ҳуқуқий мақомини белгилаш ва миллий қонунчиликда мустаҳкамлаш муаммоларига

⁵⁹ Бюллетень по Авторскому праву ЮНЕСКО. Т.2.-Париж: ЮНЕСКО, 1989. -С.28-29

багишланган ҳукуматлараро қўмитаси мажлиси 1997 йил 23-27 июнь кунлари бўлиб ўтди⁶⁰. Халқаро экспертлар ва олимларнинг хулосасига кўра асарларнинг электрон наشري (видеоклиплар), рақамли объектлар (фильмларни электрон воситалар хотираларида сақлаб туриш) ахборот излари, кибернетик санъат (тасвирий санъат, графика асарларини компьютер ёрдамида яратиш) асарлари, электрон мусика (компьютер ёрдамида мусика яратиш, аранжировка қилиш) асарлари, амалий-бесак санъат (компьютер ёрдамида ўлчамли асар яратиш) асарлари, аудиовизуаль (компьютер ёрдамида овоз ёзиш, тасвирга олиш ва эшитиш) асарлари турлари пайдо бўлди. ЮНЕСКО томонидан шундай мунозарали объектлар хусусида турли мақомдаги анжуманларни ўтказишди, дунё мутахассисларини жалб этиши ва рағбатлантириб тургани муаллифлик ҳуқуқининг халқаро-ҳуқуқий муҳофазасида иштирок этганидан далолат беради. А.Милленинг таъкидлашича, ЮНЕСКО муаллифлик ҳуқуқи бўлими раҳбарларининг сўнги йиллардаги саъй-ҳаракатлари мутахассис ва олимлари томонидан “мультимедиа асарлари”га ҳуқуқий баҳо берилишига эришишга йўналтирилган⁶¹.

ЮНЕСКОнинг муаллифлик ҳуқуқида “ўтиш ҳуқуқи”нинг қўлланишига доир фаолияти ҳам юқори. Маълумки, муаллифлик ҳуқуқида “ўтиш ҳуқуқи” амалий-бесак санъат асарларига нисбатан қўлланганда ўзига хос оқибатларга олиб келади. Масалан, рассом томонидан яратилган асар бир неча марта ва турли муассаларда сотилиши ёки оммавий намойиш этилиши мумкин. Бунда асарнинг ҳар бир сотилиши (намойиш)идан олинган муаллифлик ҳақиға нисбатан бўлган ҳуқуқ ҳамма давлатларда ҳам ҳуқуқий мақом билан мустаҳкамланмаган. Жазоир, Бельгия, Швеция, АҚШ, Германия, Литва, Латвия, Россия Федерацияси, Ҳиндистон, Испания ва бошқа давлатлар қонунчилигида бу муаммо қонуний ечимини топган⁶². 2006 йил янги таҳрирдаги қонун қабул қилингунига қадар Ўзбекистон қонунчилигида ҳам бундай тартиб ўз ўрнини топмаган эди. Қўл тортишувлардан сўнг ЮНЕСКО экспертлари ва олимларнинг ҳаракатлари туфайли миллий қонунчилигимизда ҳам бу масала ўз ечимини топди, яъни қонунга муносабатларни тартибга солишга қаратилган янги ҳуқуқий норма киритилди.

Ўзбек олимларидан О.Оқюлов ва И.Насриевлар “ўтиш ҳуқуқи”ни “эргашма ҳуқуқ” деб номланишини назарий жиҳатдан таҳлил этганлар ва шу номда қўллашни тавсия этганлар. Бизнингча ўтиш ҳуқуқини эргашма ҳуқуқ деб юритилиши ҳам манлиқ, ҳам тил нуқтаи назаридан тўғри бўлади.

Инсоният маънавий ва маданый меросига ҳисса қўшадиган муаллифлар ҳуқуқларини янада қадрлаш мақсадида 1996 йилда ЮНЕСКОнинг 28 -Бош Конференцияси қарори билан ҳар йили 23 апрель-“Халқаро китоб ва

⁶⁰ Документи ЮНЕСКО. IGC (1971) /XII/ 7. -С.4-5

⁶¹ Милле А. Музыка и электроника. Проблемы интеллектуальной собственности на музыкальные произведения и исполнения, создаваемых с помощью электроники. Бюллетень по авторскому праву ЮНЕСКО. - Москва.: Прогресс, 1995. - № 2. -С.8-30

⁶² Документи ЮНЕСКО. IGC (1971) /XII/ Париж, от 9 апреля 1997 г. -С.4-5

муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кунини⁶³ сифатида бутун дунёни шишонланиши бу халқаро ташкилот томонидан дунё муаллифларини кўрсатилаётган халқаро эътибордир.

ЮНЕСКО томонидан қабул қилинган ҳақларо актлар миллий қонунчилигимизни такомиллаштириш учун халқаро манба бўлиб ҳизмат қилиши, ташкилотнинг фаолияти эса муаллифлик ҳуқуқи ҳимояси билан шуғулланаётган идоралар учун ўрناк бўлиши мумкин.

Бугунги кунда Ўзбекистонда ҳам бошқа давлатлар каби ЮНЕСКО ишлари бўйича миллий комиссия тузилган, Самарқанд шаҳрида эса Марказий Осиё тадқиқот маркази очилган. Унинг мақсади Буюк Ипак йўлини ўрганишда интеллектуал ҳамкорлик тизимини яратишдан иборат.⁶⁴

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, халқаро ташкилотлар орасида Ўзбекистон билан ЮНЕСКОнинг халқаро алоқалари юқори даражада олиб борилмоқда. Юнеско Бош котиби К.Мацурранинг 2006 йил сентябрь ойида Ўзбекистонга ташрифи мобайнида ўзаро ҳамкорликнинг янги даврларига мўлжалланган Меморандумнинг имзолангани⁶⁵ муаллифлик ҳуқуқини ҳам халқаро-ҳуқуқий муҳофаза қилишда бу ташкилотнинг республикамиз билан халқаро фаолиятини янада кенгайтирди.

Бозоров Улуғбек
2-курс магистранти

МУАЛЛИФЛАР ШАХСИЙ ҲУҚУҚЛАРИНИНГ АСОСЛАРИ

Бугунги кунда муаллифларнинг маънавий (шахсий) ҳуқуқлари тизими ҳам мазмунан, ҳам шаклан ўзгариб бормоқда, аниқроқ айтиладиган бўлса, улар тобора такомиллашиб бормоқда. Бутунжаҳон Интеллектуал Мулк Ташкилоти (БИМТ) томонидан Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги аъзолари учун тавсия сифатида ишлаб чиқилган Намунавий Қонуни⁶⁶нинг 14-моддасида муаллиф шахсий (маънавий) ҳуқуқларининг қуйидаги тизими мустаҳкамлаб қўйилган:

асар муаллифи сифатида тан олиниш ҳуқуқи ва шу жумладан тан олинишни талаб қилиш ҳуқуқи (муаллифлик ҳуқуқи);

⁶³ ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Миллий комиссиясининг 1996 йил 16 апрел № БТ-326/96 сонли хатида

⁶⁴ Тузмухамедов Р.А., Хакимов Р.Т. Основы международного права. - Т.: Мир и экономика, 1998. -С.114.

⁶⁵ Муминов А.Р. Ўзбекистон ЮНЕСКО билан таълим, фан ва маданият соҳасидаги ҳамкорлиги. Ўзбекистон ва БМТ: таърифи ва ҳамкорлик истиқболлари. -Т.:ТДЮИ, 2007 -Б.146

⁶⁶ Бутунжаҳон Интеллектуал Мулк Ташкилоти 1967 йил 14 июл кунини Стокгольм шаҳрида «Бутунжаҳон Интеллектуал Мулк Ташкилоти» ташкил этилиш тўғрисидаги Конвенция асосида ташкил этилган халқаро ташкилот ҳисобланиб, унинг қароргоҳи Швейцариянинг Женева шаҳридадир. Мазкур халқаро ташкилот Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тизимида бўлиб, у 1970 йилдан фаолият юритмоқда. БИМТнинг асосий вазифаси мамлакатлар ўртасида интеллектуал мулкни ҳимоя қилишни мувофиқлаштириш ва бу борадаги турли халқаро шартномаларнинг маъсурий бошларини таъминлашдан иборат. Ташкилот фаолиятининг асосий йўналиши ривожланиб келаятган давлатларнинг, шу билан бир қаторда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлатлари, Яқин Шарқ мамлакатлари ривожига ёрдам беришга қаратилган. 1974 йилда ҳукуматлараро халқаро ташкилот номини олган мазкур идора ўз мазбалиларини асосан ер юзюнда ижодий фаолиятни гуллаб-яшнашнинг рағбатлантиришга йўналтиради.

асар нусхаларида ва ундан оммавий ошкора фойдаланишда муаллифнинг ўз исмини, унинг тахаллусини кўрсатиш ёки кўрсатилишини талаб қилиш ҳуқуқи ёки номни кўрсатишдан воз кечиш ҳуқуқи (номга бўлган ҳуқуқ);

асарни ҳар қандай бузиш, путур етказиш ёки бошқача ўзгартиришларга, шунингдек муаллифнинг шаъни ёки нуфузига зиён етказиш мумкин бўлган ҳар қандай тажовузларга қарши ҳаракат қилиш ҳуқуқи (асар дахлсизлиги ҳамда муаллиф нуфузини ҳимоя қилишга бўлган ҳуқуқ)⁶⁷.

Бу ҳуқуқлар мазмунан таҳлил этилганда ҳар бир қисми ўз навбатида бир неча элементларга бўлиниб кетади. БИМТ Намунавий қонунидан келиб чиқиб, асар муаллифига қуйидаги:

муаллифлик ҳуқуқи;

муаллифлик номига бўлган ҳуқуқ;

асарнинг дахлсизлигига бўлган ҳуқуқ каби шахсий номулкий ҳуқуқлар тегишли бўлишли мустаҳкамланган эди.

Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 20 июлдаги «Муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар ҳақида»ги Қонуни⁶⁸ мазмунан янги бўлиб, унда муаллифлар шахсий ҳуқуқлари тизими анча кенгайтирилган ҳолда мустаҳкамланган. Қонуinning 18-моддаси “муаллифнинг шахсий номулкий ҳуқуқлари” деб аталиб, унда шахсий ҳуқуқлар аввалги Қонунга қўра анча кенг белгиланган ва у қуйидагича кўринишга эга:

асар муаллифи деб эътироф этилиш ҳуқуқи (муаллифлик ҳуқуқи);

муаллифлик исми-шарифига бўлган ҳуқуқ;

асарни ошкор қилишга бўлган ҳуқуқ;

муаллиф обрўсини ҳимоя қилиш ҳуқуқи.

Янги қонунчиликда шахсий ҳуқуқларнинг бундай кенгайтириб белгиланиши муаллифларга янада кўпроқ ҳуқуқлар берилгани, халқаро стандартларнинг миллий қонунчиликда акс эттирилганидан далолат беради.

Шахсий номулкий ҳуқуқлар, юқорида таъкидланганидек, турли-ғуман бўлиб, уларнинг ичда муаллифларнинг шахсий номулкий ҳуқуқлари алоҳида ўрин эгаллайди.

Муаллифлик номулкий ҳуқуқ муносабатларининг объекти–ижодий фаолият самараси бўлган фан, адабиёт, санъат асарларидир. Қонун асар муаллифларининг ҳуқуқларини характери жиҳатидан мулкий ва номулкий ҳуқуқларга ажратади. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1051,1052,1053,1054-моддаларида асар муаллифларига тегишли бўлган шахсий ҳуқуқлар кўрсатилган бўлса, Фуқаролик Кодексининг 1055,1056,1057-моддаларида ва Қонуннинг 21-22-моддаларида асар муаллифларига тегишли унинг шахси билан боғлиқ бўлган бошқа ҳуқуқлар кўрсатилган. Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 20 июлдаги «Муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар ҳақида»ги Қонунининг 18,21, 22-моддаларида шахсий ҳуқуқлар, 19-моддасида эса шахсий мулкий ҳуқуқлар тизими мустаҳкамланган. Муаллиф ҳуқуқларининг қонунчиликда бундай кенгайтирилиши мустақиллик

⁶⁷ Типовой закон ВОИС об авторском праве в смежных правах. Женева: ВОИС, 1991.–С.10.

⁶⁸ Халқ сўзи, 2006 йил 21 июль.

йилларида орттирилган тажрибанинг амалда қонунлар орқали эътироф этилганидан далолат беради.

Муаллифнинг шахсий номулкий ҳуқуқлари бошқа шахс ҳуқуқлардан шуниси билан фарқ қиладики, муайян фуқарога тегишли ҳуқуқ ушбу фуқаро билан боғлиқ бўлса, муаллифнинг шахсий номулкий ҳуқуқлари муаллифнинг шахси билан боғлиқ бўлмай, балки муаллифнинг ижодий фаолияти натижалари бўлган унинг асари билан узвий боғлиқдир.

Муаллифлик ҳуқуқининг объектлари бозор иқтисодиёти шароитида ўзига хос мулк ҳисобланади. Бундай мулклар, яъни объектлар номоддий (ноашёвий) кўринишдаги инсон тафаккурини, ақл-идрокининг маҳсули натижасидир. Баъзан асар моддий шаклда бўлган ҳайкал, сурат ёки кўлэзма тарзида бўлиши ҳам мумкин. Муаллифнинг юқоридаги асарларга нисбатан муаллифлик ҳуқуқи моддий объектларга нисбатан бўлган мулк ҳуқуқидан кескин фарқ қилади. Масалан, рассом ўз ижодий меҳнати билан вужудга келтирган асарини сотиши, ҳада қилиши мумкин, бунда буюмлашган асар муаллифдан бегоналаштирилади. Лекин, муаллифга тегишли шахсий номулкий ҳуқуқлар муаллиф (ижодкор) нинг ўзида у билан боғлиқ равишда сақланиб қолади. 1996 йилдаги Қонунда моддий шаклда бўлган асарларга нисбатан шартнома тузилиши мустаҳкамланмаган эди. 2006 йилдаги янги Қонунга моддий шаклдаги асарларни яратиш ва улардан фойдаланишни тартибга солиш назарда тутилган ҳолда буюртманинг муаллифлик шартномаси деб номланган қоида алоҳида 41-моддала қиртилди. Бу моддала биринчи марта буюртманинг муаллифлик шартномаси бўйича яратилган асарга бўлган шахсий номулкий ҳуқуқлар муаллифга тегишли эканлиги эътироф этилди.

Инсоннинг интеллектуал фаолияти маҳсуллари, уларни яратиш жараёни ва ўз хусусиятлари бўйича одатдаги ашёлардан фарқ қилади. Шунинг учун улар фуқаролик ҳуқуқий муносабатларида ўзига хос объект сифатида қаралади⁶⁹. Ижодий маҳсул натижаси ўзининг янгилиги ёки ўзига хос (оригинал), такрорланмас (уникал) белгиларга эга. Ҳуқуқ фанида бу маҳсулларнинг қўлчилиги гоъвий-номоддий кўринишда бўлишлиги қайд этилади. Шу сабабли ҳам уларга нисбатан одатдаги ашёга, моддий объектга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқ нормаларини қўллаб бўлмайди⁷⁰. Муаллифларнинг шахсий номулкий ҳуқуқларининг табиати ҳам айнан ижодий фаолият натижаси бўлган маҳсулнинг ўзига хос объект эканлигидан келиб чиқади.

Муаллифнинг шахсий номулкий ҳуқуқлари муаллифдан бегоналашмайдиган, ундан ажралмайдиган ҳуқуқлар бўлиб ҳисобланади. Бундай шахсий номулкий ҳуқуқларнинг бошқа шахсий ҳуқуқлардан ажратиб турадиган ўзига хос белгилари қуйидагилардир:

- а) объектларнинг номоддийлиги;
- б) мазкур ҳуқуқларнинг вужудга келиши ва тугаланишининг ўзига хослиги;

⁶⁹ О.Оқилолов. Ижод маҳсули-мулквий бойлик. «Ҳаёт ва қонун», 1994, 4-сон, 43-48-бетлар.

⁷⁰ Н.Зокиров. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик ҳуқуқи. –Т.: Адолат, 1996 йил, 90-б.

в) асар фақат уни яратган ижодкорга мутлақ тегишлилиги кўриниб туради.

Асар муаллифининг шахсий номулкий ҳуқуқларининг номоддийлиги шундаки, булар иктисодий мазмунга эга эмас, бундай ҳуқуқлар баҳоланмайди, уларни амалга ошириш бошқа шахсларга нисбатан иктисодий эквивалент мажбуриятларни вужудга келтирмайди. Баъзи шахсий номулкий ҳуқуқлар маълум ҳодиса, яъни инсон ақл-идрокига боғлиқ бўлмаган ҳолда, инсоннинг туғилиши, маълум ёшга етиши каби сабаблар орқали вужудга келади, баъзи номулкий ҳуқуқлар эса битимлар тузиш (масалан, ёзишмаларни сир тутишга бўлган ҳуқуқ почта экспедицияси шартномаси) орқали келиб чиқиши мумкин. Муаллифга тегишли шахсий ҳуқуқлар эса ижодий фаолият натижаси бўлган фан, адабиёт, санъат асарлари моддий объектив шаклини олган вақтдан бошлаб вужудга келади.

Бундан ташқари, шахсий номулкий ҳуқуқлар ижодкорларгагина тегишли эканлигини шундай изоҳлаш мумкинки, яъни фикр ҳам воқеа-ҳодисалар сингари ривожланади, гоя эса ўзгариб боради. Муаллифнинг қариндош-уруғлари, яқинлари унинг вафотидан кейин ҳаёт воқелиги туфайли унинг асари мазмунига ўзгартиришлар киритиши мумкинми? Маълумки исталган асарда жамият ривожининг маълум босқичини, унинг алоҳида хусусиятларини ақс эттирилганлигини кўриш мумкин. Демак, муаллифнинг асар хусусидаги фикри унинг ўзи ҳаётлигида ўзгарса, у ўз асарига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиши мумкин. Бошқа бирон қишга бундай мутлақ ҳуқуқ берилмаган. Ижодий меҳнат яқка, танҳо характер касб этиб, у фақат ижодкорнинг шахсий нуқтан-назарини, фикрини, ички дунёсини намоён этади. Шундай экан, муаллиф ижодий меҳнатининг самараси бўлган асари ҳамма даврда ҳам ўзининг асл ҳолатини сақлайди ва абадий шундай қолиши керак. Шу маънода асарнинг дахлсизлигига бўлган ҳуқуқ фақатгина ижодкорнинг шахсан ўзига тегишли бўлган ҳуқуқдир. Муаллифнинг шахсий номулкий ҳуқуқлари:

биринчидан, иктисодий мазмунга эга бўлмаган;

иккинчидан ижодкор (яратувчи)нинг ўз ижодий меҳнат натижалари билан чамбарчас боғлаб турган;

учинчидан, махсус асосларда вужудга келадиган ва бекор бўладиган;

тўртинчидан, муаллифнинг интеллектуал даражасини белгилаб турган;

бешинчидан, асарни яратган шахсга муддатсиз тегишли бўлган;

олтинчидан, бошқаларнинг аралашувиغا, ҳалақит беришига йўл қўймайдиган ҳуқуқлардир.

Муаллифга тегишли шахсий номулкий ҳуқуқлар ўз мазмуни ва хусусиятига кўра мулкий ҳуқуқлар билан ўзаро боғлиқ бўлиши ҳам, боғлиқ бўлмаслиги ҳам мумкин. Мулкий ва шахсий ҳуқуқларнинг муштараклиги, айниқса, асар муаллифининг асарга нисбатан муаллифлик (ҳаммуаллифлик) ҳуқуқи билан муаллифнинг асаридан бошқа шахсларнинг фойдаланганлиги учун ҳақ олиш ҳуқуқининг узвий боғланишида намоён бўлади. Чунюқчи, муаллифнинг мулкий ҳуқуқлари унинг муаллифлик шахсий номулкий

ҳуқуқидан келиб чиқади. Бошқача айтганда, асар муаллифи бўлган шахсгина асарга нисбатан мулкӣ ҳуқуқларга эга бўлади.

Муаллифлик ҳуқуқини тиб маънода ўзига хос ўзак, негиз ҳуқуқ, дейиш мумкин. Бундай ҳуқуқ бирламчи ҳуқуқ бўлиб, мулкӣ ҳуқуқлар эса улардан ҳосила сифатида келиб чиқади. Таъкидлаш жоизки, ҳамма вақт ҳам муаллиф шахсий номулкӣ ҳуқуқлари унинг мулкӣ ҳуқуқлари билан шундай узвий боғлиқликда эмас. Масалан, муаллифнинг номига бўлган ҳуқуқи унинг мулкӣ ҳуқуқларидан қатъий назар, улар билан боғлиқ бўлмаган ҳолда ва мустақил равишда амалга оширилиши мумкин.

Муаллифнинг шахсий номулкӣ ҳуқуқлари фуқаролик ҳуқуқий муносабатларининг мазмунини ташкил қилиб, субъектив ҳуқуқ ва мажбуриятлар тарзида намоён бўлади. Аниқроғи, бундай ҳуқуқлар реал амалга оширилишида ҳар доим ҳам субъектив ҳуқуқ тарзида қаралади. Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиларига тегишли бўлган ҳуқуқ субъектив фуқаролик ҳуқуқи деб, уларга тегишли бўлган мажбуриятлар эса, субъектив фуқаролик мажбурият сифатида қаралади.

Муаллифнинг шахсий номулкӣ ҳуқуқларини амалга оширишдан воз кечиш тўғрисида бирон-бир шахс билан келишуви ва муаллифнинг бу ҳақдаги аризаси ўз-ўзидан ҳақиқӣ эмас. Бинобарин бундай воз кечишлар ҳеч қандай оқибат келтириб чиқармайди. Мабодо юқорида таъкидланган муаллифнинг шахсий ҳуқуқларидан ёки уни рўёбга чиқаришдан воз кечиш бошқа шахсларнинг алдаши, тайзиқи, кўрқитиши оқибатида рўй берадиган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 149-моддаси асосида жиноий жавобгарликка сабаб бўлади. Муаллифнинг ўз шахсий ҳуқуқларидан ёки уларни амалга оширишдан воз кечиши мазкур ҳуқуқларнинг ўзга шахсларга ўтиб кетишига ёки уларни бошқа шахслар томонидан эгаллаб олиншига оляб келмайди⁷¹. Муаллиф ҳуқуқларининг шахсий номулкӣ ва мулкӣ ҳуқуқларга бўлиниши шартли бўлиб, фуқаролик ҳуқуқи томонидан қадимдан тап олиб келинган ҳамда қонунларда ўз аксини топган.

Умарова Зарнигор
2-курс талабаси

БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИ ШАРОИТИДА ШАРТНОМАЛАРНИНГ АЙРИМ ХУСУСИЯТЛАРИ

Ҳозирги кунда жамиятимизда олиб борилаётган турли ислоҳот ва ўзгаришларнинг қонунӣ асослари натижасида бозор иқтисодиёти ривожланиши ва барқарор ўсишнинг кенг кўламли янгиланишлари кўзга ташланмоқда. Бу борада муомалада бўлаётган ислоҳотлар иқтисодиётнинг турли соҳалари доирасида фаол ҳаракатдадир. Айниқса, кичик ва хусусий бизнес, қишлоқ хўжалиги, транспорт коммуникацияси, инвестиция сийсати, экспорт ва импорт соҳасида юқори

⁷¹ Макагонова Н.В. Авторское право. -М.:Юрлит. 1999.-С. 286

кўрсаткичларга эришилмоқда. Муҳтарам Президентимиз таъкидлаганларидек: " Иқтисодий эркинлаштириш, хўжалик юривчи субъектлар фаолияти эркинлигини ва иқтисодий мустақиллигини ошириш, кенг тармоқли бозор инфратузилмасини шакллантириш, давлатнинг назорат ва бошқарув ваколатларини кескин камайтириш, унинг корхоналар хўжалик фаолиятига аралашувини чеклаш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш-буларнинг барчаси ислохотларни чуқурлаштириш-нинг ҳал қилувчи йўналиши ҳисобланади."⁷²

Бозор иқтисодиёти шароитида олиб борилаётган ислохотларда шартномаларнинг ўрни ҳам жуда муҳим. Фуқаролик ҳуқуқидаги шартнома институти қадимдан шаклланиб, классик давр юристлари томонидан турли ҳилдаги шартномалар ишлаб чиқилган ҳамда такомиллаштирилган. Яъни қадимги Римда битим, шартнома, келишув (раст), мажбурият каби тушунчаларни классик юристлардан Павел, Гай, Ульпиан, Лабейонлар ўрганиб, ўз асарларида уларнинг мазмун-моҳиятларини очиқ беришган.

Қадимги ҳуқуқ терминологияси бўйича шартнома деганда фуқаролик ҳуқуқи томонидан таян олган ва даъво ҳимоясида бўлган келишув назарда тутилган. Шартномаларнинг бу категориясига фақатгина келишувларнинг кенг тарқалган турлари-вербал, литерал, реал, консессуал ҳамда квази-контрактлар номсиз шартномалар дахлдор бўлган.⁷³

Шартнома институтини кўплаб олимлар ўрганишган. Жумладан хорижлик олимлардан Мирьяна Поленак-Акимовская, Вильямс, Ива Пухан, Салмонд ва бошқалар чуқур таҳлил этганлар⁷⁴. Россиялик олимлардан А. В. Брызгалин, Л. П. Дашков, Б. Д. Завидов, А. А. Костин, В. А. Рахмилов, А. П. Сергеев, Ю. К. Толстой, В. В. Лаптев, А. И. Яфеевич ишларида ҳам шартнома институти акс этган⁷⁵. Ўзбекистонда ҳам фуқаровий-ҳуқуқий шартномаларга оид муносабатлар тўғрисида Х. Азизов, М. Э. Абдусаламов, И. Б. Зокиров, Н. М. Исманлов, О. Окюлов, Ҳ. Р. Раҳмонкулов, М. Ҳ. Раҳмонкулов, Ш. Н. Рўзиназаров, Р. Ж. Рўзиев, Ф. Сайфуллаев, М. Б. Усмонов, С. Б. Холбоев каби ҳуқуқшунос олимлар ўз ишларида тўхтаб ўтганлар⁷⁶.

⁷² Каримов И. А. "Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққий йўли." Т.: "Ўзбекистон" 2007. 38-бет.

⁷³ Новицкий И. Б. " Римское частное право." Москва, 2008. С. 307.

⁷⁴ Ива Пухан, Марьяна Поленак-Акимовская. Римское право. – М., 1999. – С. 92; Салмонд и Вильямс. Основы договорного права. – М., 1955. – С. 386.

⁷⁵ Дашков Л. П., Брызгалин А. В. Коммерческий договор: от заключения до исполнения. – М., 1995. – С. 23; Завидов Б. Д. Договорное право России. – М., 1998. – С. 20, 216; Костин А. А., Яфеев А. И. Обязательства из причинения вреда // Гражданское и торговое право капиталистических государств. – М., 1993. – С. 429; Лаптев В. В. Предпринимательское право: понятие и субъекты. – М., 1997. – С. 45; Денгерев А. Б., Гражданское право. Ч. I. / Под ред. А. П. Сергеева, Ю. К. Толстого – М., 1996. – С. 428; Гражданское право. Ч. 2. / Под ред. Ф. П. Сергеева, Ю. К. Толстого. – М., 1997. – С. 699–704.

⁷⁶ Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик ҳуқуқи. Махсус кўлем. / Ҳ. Р. Раҳмонкулов, И. Б. Зокировларнинг умумий таҳрири остида. – Т., 1993. – Б. 349.; Зокиров И. Б. Ўзбекистон Республикасининг

Шартнома тушунчаси Ўзбекистон Республикаси ФК нинг 26-28 бобларида баён этилган бўлиб, 353-385 моддаларда уларнинг хусусиятлари белгиланган. Икки ёки бир неча шахснинг фуқаролик ҳуқуқлари ва бурчларини вужудга келтириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги келишуви шартнома дейилади. (ФК, 353-модда).

Шартномада иштирок этаётган томонлар ўз хоҳиш-эркларини ифода этиб, юзага келадиган муносабатларда умумий келишувга киришадилар. Фуқаролик муносабатларида шартномалар воситасида иштирокчиларнинг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари тенг равишда тартибга солинади. Бу муносабатларда, аввало, шартнома тузиш босқичи бирламчи ҳисобланади. Шартномаларни тузиш икки босқичда амалга оширилади:

- шартнома тузишни таклиф қилиш (оферта);
- тузиш тўғрисидаги таклифни қабул қилиш (акцепт).

Шартномалар муайян иқтисодий муносабатларни юзага келиши учун тузилиб, бунда улар маълум тизимни ташкил этади. Яъни:

- мол-мулкка нисбатан эгалик қилиш ҳуқуқини ўтказиш бўйича вужудга келган муносабатлар билан боғлиқ шартномалар (олди-сотди шартномаси, товарни етказиб бериш шартномаси, контракция, ҳада шартномаси);

- мол-мулкка нисбатан фойдаланиш ҳуқуқини топшириш бўйича вужудга келган муносабатлар билан боғлиқ шартномалар (мулк ижараси, прокат, қарз, лизинг шартномаси);

- муайян ишни бажариш бўйича вужудга келадиган муносабатлар билан боғлиқ шартномалар (пудрат, қурилишга оид пудрат, илмий тадқиқот, маиший пудрат);

- хизмат кўрсатиш бўйича вужудга келадиган муносабатлар билан боғлиқ шартномалар (хизмат кўрсатиш, топширик, юк ва йўловчи ташиш, воситачилик, омонат).

Шартнома бир неча хил хусусиятларга эга бўлган муносабатларни тартибга солади. Яъни олди-сотди, ҳада, ижара, пудрат, қарз, сугурта,

фуқаролик ҳуқуқи. Умумий қисми. – Т., 1996. – Б. 53-54, 162, 242, 281, 290; Исомнов Н. М. Правовые проблемы залога как способа обеспечения исполнения обязательств: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Т., 1999. – С. 25; Оқоев О. Правовой статус интеллектуальной собственности: Автореф. дис. ... д-ра. юрид. наук. – Т., 2000. – С. 37; Оқоев О. Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни қўллаш асослари // Мустақил Ўзбекистон ҳуқуқ фанларининг долзарб муаммолари. – Т., 1999. – № 6. – Б. 75-76; Раҳмонқулов Ҳ. Р. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг биринчи қисмига умумий тавсиф ва шарҳлар. – Т., 1997. – Б. 160-161, 163, 480, 495; Раҳмонқулов М. Х. Гражданско-правовой договор, проблемы свободы и необходимости в условиях переходной экономики // Право и рынок: Теоретические проблемы развития. – Т., 1994. – С. 35, 134-38; Рузйязаров Ш. Н. Гражданско-правовой статус сельскохозяйственных производственных структурных образований в условиях рынка: Автореф. дис. ... д-ра. юрид. наук. – Т., 1995. – С. 25; Рузйязаров Ш. Н. Қисқоқ хўжалиқ тадбиркорлик субъектларининг судга мурожаат қилиш ҳуқуқи асослари // Мустақил Ўзбекистон ҳуқуқ фанларининг долзарб муаммолари. – Т., 2000. – № 7. – Б. 61-64.; Рузиев Р. Хўжалиқ шартномаси тушунчаси ва мазмуни // Хўжалиқ ва ҳуқуқ. – № 4. – 1999. – Б. 15; Холбоев С. Б. "Банкротлик тўғрисида"ги Қонуннинг амалиётга татбиқ этиш хусусида айрим мулоҳазалар // Хўжалиқ ва ҳуқуқ. – 1999. – № 8. – Б. 30;

нашриёт ва бошқалар. Аммо ҳозирги кунда хорижий мамлакатларда шартномаларнинг бошқа турлари ҳам муомалада бўлмоқда. Улар консигнация, ташкилий, агентлик, дистрибутерлик кабилардир. Бу шартномаларни жамиятимиздаги фуқаровий муносабатларда қўлланилиши, албатта, қонуний асосларда амалга ошириладиган бўлса, бошқа шартномалар қаторидан ўрин олиши мумкин.

Шартнома фуқаролик ҳуқуқидаги асосий институтларидан бири ҳисобланади. Шартноманинг қонуний асослантирилиши томонларнинг ҳуқуқ ҳамда бурчлари, мажбуриятларининг амалга оширилишидаги кафолатларини белгилаб беради.

Хулоса қилиб шунни таъкидлаш лозимки, ҳозирги кунда Республикаimizда шартномаларни тузиш ва шартномалар билан ишлаш маданиятини янада такомиллаштириш учун:

1. Ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасида қўлланилаётган шартномаларни ўрганиш ҳамда уларни амалиётда қўллаш;

2. Шартнома бўйича юзага келадиган жавобгарлик масалаларини такомиллаштириш;

3. Шартномалар тўғрисидаги қонунлар, норматив ҳужжатларни бир тизимга солиш, тузилаётган шартномалардаги грамматик ва орфографик хатоларни олдини олиш ва бу борада доимий равишда ҳуқуқшуносларни ва соҳа мутахассисларини жалб этиш лозим.

Ёриев Анвар
2-курс талабаси

ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ТАБИЙИЙ РЕСУРСЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ҲУҚУҚИ ТУШУНЧАСИ ВА ПРИНЦИПЛАРИ

Маълумки, тадбиркорлик жамиятнинг иқтисодий ривожланишида муҳим омил бўлиб, унинг ривожланиши тадбиркорлик фаолиятини қай даражада ҳуқуқий ҳимоя қилиниши билан бевосита боғлиқдир.

Ўтмишда, марказлашган режали иқтисодга асосланган жамиятда барча иқтисодий муносабатларда давлат ҳал қилувчи мавқега эга бўлган, чунки давлат мулкнинг ягона эгаси ҳисобланган.

Ўзбекистон заминида тадбиркорлик қадимдан ривожланган бўлиб, мустақиллик туфайли бу соҳага кенг камровли ҳуқуқий замин яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасида: “Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини ҳилма-ҳил шакллардаги мулк ташкил этади.

Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шакллариининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди.

Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат химосидадир” деб белгилаб қўйилди.

Шундай экан, бутунги кунда тадбиркорларнинг табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқини тартибга солиш, ушбу муаммолар хусусида илмий тадқиқот ишлари олиб бориш нафақат назарий жиҳатдан, балки амалий нуқтаи назардан ҳам эътиборга моликдир.

Амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар тадбиркорларнинг табиий ресурслардан фойдаланишини кенгроқ ўрганишни ҳамда амалиётга татбиқ этишининг самарадорлигини оширишни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлик мамлкатнинг нафақат ялпи ички маҳсулотини шакллантиришда асосий бўгин, балки аҳоли бандлиги ва даромадлари манбаининг, миллий фаровонликка эришишининг муҳим омилли ҳам бўлиши даркор”.

Мазкур кўрсатма ўз вақтида тадбиркорларнинг табиий ресурслардан оқилона фойдаланиши ва муҳофаза қилиш фаолиятига ҳам бевосита тааллуқлидир.

Ушбу терминлар кўпгина ҳолатда асосан: иқтисодий ва ҳуқуқий категория сифатида кўпроқ ишлатилади, уларни кенгроқ билиб олиш амалиётда тўғри ва аниқ қўллашга ёрдам беради.

Тадбиркорлик тушунчаси тарихий аҳамиятга эга бўлиб, у ўзида иқтисодий ва ҳуқуқий меъёрларни бирлаштирди. Тадбиркорлик тушунчаси дастлаб XVII асрда француз иқтисодчиси Ришар Контеллан томонидан илк маротаба қўлланилган ва кейин илмий асарларда атама шаклида ўз ифодасини топган.

Шунингдек, Амир Темур ҳам ўз замонида бу масалага катта эътибор берган, уни: “Ишбилармон, мардлик ва хушёр бир киши минг минглаб тадбирсиз лоқайд кишилардан афзалдир”, деган таърифи тадбиркорликнинг кўплаб қирраларини ўзида мужассам этган.

Б.Ибратов “Тадбиркорлик ҳуқуқи” китобида, “Тадбиркорлик-бизнесменлик фаолияти асосан тарихий атама бўлиб, кўпинча “мулкдор” деган тушунча билан аниқлашнинг кўрсаткичи” деб таъкидлаган.

Юридик адабиётларда айрим олимларимиз тадбиркорга нисбатан “уддабурон, ишнинг кўзини билувчи, ташаббускор инсон” деган таърифини қўлланган.

Бундан ташқари бу тушунча иқтисодчи олимлар томонидан ҳам кенг талқин қилинган. Жумладан, В.Шепелевнинг фикрича, “Тадбиркорлик-яратувчанлик фаолияти бўлиб, у аҳолининг тўлов қобилиятига эга бўлган талабини қондиришининг янги имкониятларини ишга солишга қаратилган фаолиятдир”.

Тадбиркорларни табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқини кенгроқ тушуниш учун, тадбиркорларнинг табиий объектлардан фойдаланиш турларини билиш лозим.

Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонунига асосан, табиат объектларидан фойдаланиш умумий тарзда ва махсус йўсинда бўлиши мумкин.

Табиатдан умумий тарзда фойдаланиш фуқаролар томонидан ҳаётий зарур эҳтиёжларни қондириш учун текинга табиий ресурсларни айрим фойдаланувчиларга бириктирмай ва ҳеч қандай рухсатномалар бермай туриб амалга оширилади.

Табиатдан махсус йўсинда фойдаланиш тариқасида тадбиркор, муассаса, ташкилотлар ва фуқароларга ишлаб чиқариш ва ўзга хил фаолиятни амалга ошириш учун табиий ресурслар ҳақ олиб, махсус рухсатномлар асосида эгаллик қилишга, фойдаланишга ёки ижарага берилади.

Мазкур ҳолат шуни кўрсатадики, қонунга асосан ҳар бир тадбиркор, тадбиркорлик фаолиятини юритишда табиий объектлардан фойдаланишда юқоридаги талабга бўйсундилар ҳамда улар бевосита кўрсатилган ҳуқуқдан тегишли қонун асосида фойдаланадилар.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майда қабул қилинган “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуннинг 8-моддасига кўра, тадбиркорлар тадбиркорлик фаолияти субъекти сифатида амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ўзига тегишли мол-мулкка эгаллик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этишлари мумкин.

Шунингдек, 2000 йил 25 майда қабул қилинган “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунда ҳам тадбиркорларни табиий ресурслардан фойдаланиши билан боғлиқ масала аниқ модда сифатида ўз аксини топмаган.

Умуман олганда юқоридагилардан шуни кўриш мумкинки, тадбиркорларнинг табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқини тартибга солиш мақсадида юқорида номи зикр этилган қонунга мулкчилик масаласида аниқлик киритиш лозим.

Хуллас, тадбиркорларни табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқи кенг тушунча бўлиб, у ўзида табиий ресурслардан фойдаланиш ва унга эгаллик қилиш, тадбиркорларнинг табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқ ва мажбуриятлари, бошқариш ва назорат этиш тартиби ҳамда қонун нормаларини бузганлик учун юридик жавобгарлик каби элементларни ўзида мужассамлаштиради.

Тадбиркорларнинг табиий ресурслардан фойдаланишини ҳуқуқий тартибга солишда бир қатор принципларнинг мавжудлиги, уни мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Фикримизча, Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 4-моддасида табиатни муҳофаза қилиш мақсадига эришиш билан боғлиқ бир қатор принциплар тўғри талқин этилган. Улардан:

-инсоннинг яшаш муҳити бўлмиш биосфера ва экология тизимлари барқарорлигини сақлаб қолиш, одамларнинг экологик жиҳатдан

хавфсизлигини, инсон ва унинг келгуси авлодлари генетик фонди ҳақида гамхўрлик қилиш;

-фуқароларнинг ҳаёт учун қулай табиий муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини таъминлаш, барча турдаги таълим муассасаларида экология ўқувининг мажбурийлиги;

-жамиятнинг экологик, иқтисодий ва ижтимоий манфаатларини илмий асосланган ҳолда уйғунлаштириш;

-экологик экспертиза ўтказишнинг мажбурийлиги;

-табиатдан оқилона фойдаланиш ва табиатни муҳофаза қилишни рағбатлантириш;

-табиий ресурсларни тиклаш зарурлиги, атроф табиий муҳит ва инсон сihat-саломталиги учун зарарли, тиклаб бўлмас оқибатларга йўл қўймаслик;

-табиатни муҳофаза қилиш вазифаларини ҳал этишда ошкоралик;

-табиатни муҳофаза қилиш соҳасида миллий, регионал ва халқаро манфаатларни уйғунлаштириш;

-табиатни муҳофаза қилиш қонунлари талабларини бузганлик учун жавобгар бўлиш қабилар қиради.

Фикримизча, ушбу принциплар Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик ва бозор муносабатларидан келиб чиқиб, тадбиркорлик фаолиятида табиий ресурслардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишга нисбатан ҳам татбиқ этилиши мумкин.

Аксинча, мамлакатимизда қабул қилинган қўллаб экологик қонунларда ва тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда тадбиркорларнинг табиий ресурслардан фойдаланишига оид принциплар аниқ кўрсатилмаган.

Жумладан, 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган Ер кодексининг 2-моддасида ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг асосий принциплари қуйидагича кўрсатилган:

-энг муҳим табиий ресурс, фуқаролар ҳаётининг фаолиятининг асоси тарихида ер фондини асраш, тупроқ сифатини яхшилаш ҳамда унинг унумдорлигини ошириш;

-ерлардан оқилона, самарали ва белгиланган мақсадда фойдаланишни таъминлаш;

-қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерларнинг, энг аввало, суғориладиган ерларнинг алоҳида муҳофаза этилишини, кенгайтириб борилишини ҳамда улардан қатъий белгиланган мақсадда фойдаланишни таъминлаш;

-қишлоқ хўжалиги ерларининг унумдорлигини ошириш. Ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш ҳамда ерларни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга оширишни давлат йўли билан ва бошқа тарзда қўллаб-қувватлаш;

-ерга ва бутун атроф табиий муҳитга зарар етказилишининг олдини олиш, экологик хавфсизликни таъминлаш;

-ерга эгаллик қилиш ва ундан фойдаланиш шаклларининг хилма-хиллиги, ер муносабатлари иштирокчиларининг тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш ҳамда уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини химоя этиш;

-ердан фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш;

-ерларнинг ҳолати ҳақидаги ахбортларнинг тўлиқ бўлишини ҳамда ундан эркин фойдаланишга йўл қўйилишини таъминлаш.

-табiiй ресурслардан фойдаланишда ўз даромадлари тўғрисида декларация берилиш ва олинган даромадга яраша солиқлар тўлаши тўлаши лозимлиги;

- табiiй ресурслардан фойдаланишда ҳуқуқ ва мажбуриятларни бирлиги ва бошқалар.

Умуман олганда, тадбиркорларнинг табiiй ресурслардан фойдаланишларини тартибга солиш ва улар тўғрисидаги принципларни аниқ кўрсатиш бозор иқтисодиёти шароитида катта аҳамиятга эга.

Чунки, юқорида кўрсатилган принциплар барча юридик ва жисмоний шахслар қатори, тадбиркорларни табiiй объектлардан оқилона фойдаланиши ва муҳофаза этишини, уларни табiiй ресурсларга бўлган қонуний ҳуқуқ ва мажбуриятларини химоя қилишни таъминлайди.

Хуллас, тадбиркорларнинг табiiй ресурслардан фойдаланишини ҳуқуқий тартибга солиниши ва уларни белгиланган принципларга амал қилиши бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик фаолиятини ҳар томонлама ҳуқуқий қафолатлашга ёрдам беради.

**Абдушуқуров Ф.
ТДЮИ тадқиқотчиси**

ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ ЭГАЛАРИНИНГ ФУҚАРОЛИК ЖАВОБГАРЛИГИНИ МАЖБУРИЙ СУҒУРТА ҚИЛИШ ЗАРУРАТИ

Мустақиллик фуқароларга кенг имкониятлар яратиб берди. Ҳар ким мулкдор бўлиш ҳуқуқидан фойдаланган ҳолда, ўз мол-мулкларини кўпайтириш, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш, оила, бола-чака ва иш ташвишлари билан бутун ҳаёти давомида турли таваккалчиликларни, хурсандчиликларни, ташвишларни бошидан кечиришига тўғри келмоқда. Бундан ташқари мамлакатимизнинг ўзи автомашина ишлаб чиқарувчи дунёнинг етакчи давлатлари қаторидан жой эгаллаб, машҳур автокомпаниялар билан рақобатлаша оладиган даражадаги автомашиналарни ишлаб чиқаришни йўлга қўйганлиги, бундай мол-мулкка эгаллик қилувчи фуқаролар сонининг ошишига олиб келди.

Ҳаёт тасодифларга тўла. Инсон турли хил тасодифларнинг табiiй офат, босқинчилик қурбони бўлишиги, тўсатдан бетоб бўлишиги, тадбиркор шахс эса бозор конъюнктураси туфайли даромад ололмаслик ҳолатларидан, автомобил эгалари эса автòхалокат бўлиш эҳтимолидан ҳоли эмас. Мана шундай салбiiй оқибатларни олдини олиш ёки салбiiй

оқибатларни имкон қадар камайтириш мақсадида ҳар бир фуқаронинг истаги десак муболаға бўлмайди. Шунингдек айрим фуқароларимиз (хайдовчилар, ўт ўчирувчилар, кутқарувчилар, инкассаторлар ва бошқа касб эгалари) хавфли зоналарда ишлайдилар. Бундай вазиятларда ишга қабул қилинган ходимларнинг ҳаёти, меҳнат қобилиятини суғурта қилиш муҳим аҳамият касб этади.

2008 йил ўрталарида суғурта соҳасида ижобий қонунчилик базаси яратилди. У ҳам бўлса 21 апрель 2008 йилда Ўзбекистон Республикасининг "Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида"ги Қонуни, 24 июнь 2008 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 141-сонли "Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунини амалга ошириш чоратадбирлари ҳақида"ги қарори қабул қилинди, шунингдек Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича тўловларни кафолатлаш жамғармаси тўғрисида Низом, Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш Қондалари, Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта тарифлари, уларнинг чекланган даражаси, тузилмаси ва суғурта мукофотини белгилашда суғурталовчилар томонидан уларнинг қўлланиш Тартиби ишлаб чиқилди

Транспорт воситалари эгаларининг жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш жабрлашувчи-фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиги энг катта неъмат эканлигининг яна бир исботи ва у давлат муҳофазасида эканлигини кўрсатиб бевучи омил бўлди.

Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта пули 3 минг АҚШ доллари эквивалентига тенг миқдорда белгиланди. Шу билан биргаликда транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича тўловларни кафолатлаш жамғармаси ташкил этилди. Мазкур жамғарма транспорт воситаларидан фойдаланишда жабрланувчига унга етказилган зарарни кафолатли тўлашни мажбурий суғурта қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ компенсация тўловларини амалга ошириш йўли билан таъминлаш, мажбурий суғурта қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ суғурта мукофотлари бўйича сийлов ҳуқуқига эга бўлган фуқароларнинг айрим тоифаларини кўрсатиб ўтилган сийловларни компенсация қилиш йўли билан қўллаб-қувватлаш тизимини молиявий таъминлаш, мажбурий суғурта қилиш, шу жумладан мажбурий суғурта қилиш шартномалари тўғрисидаги маълумотлардан иборат бўлган, суғурта ҳолисалари тўғрисидаги маълумотларнинг ахборот базасини, суғурта қилдирувчилар ва жабрланганлар тўғрисидаги шахсий маълумотларни шакллантириш, суғурта сирлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган талабларни таъминлаган ҳолда суғурталовчилар билан Жамғарма ўртасида кўрсатиб ўтилган маълумотларни айирбошлашни ташкил эттиш, жамғарманинг унга юқланган асосий вазифаларни амалга ошириш

бўйича фаолиятини тартибга солувчи коидаларни ишлаб чиқиш ҳамда суғурта фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш бўйича махсус ваколатли давлат органи билан келишган ҳолда тасдиқлаш вазифаларини амалга оширадиган бўлди.

Қонда бўйича транспорт воситалари эгасининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш учун асос шартнома ҳисобланади. Шартноманинг моҳиятини суғурталовчи суғурта ҳодисаси содир бўлганда жабрланувчиларга уларнинг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига ушбу суғурта ҳодисаси оқибатида етказилган зарарнинг ўрнини шартномада шартлашилган ҳақ (суғурта мукофоти) эвазига суғурта пули доирасида қоплаш мажбуриятини олиш ҳақидаги келишуви ташкил этади.

Лекин ҳамма транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлиги ҳам мажбурий суғурталанавермайди. Агар транспорт воситасининг энг катта конструктив тезлиги соатига 20 километрдан ошмаса, тиркамалар ва икки, уч гилдиракли ёки иш ҳажми 50 куб сантиметргача бўлган двигателъ ёки инсон ёхуд ҳайвон кучи билан ҳаракатга келтириладиган бошқа транспорт воситалари бўлса, Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучларининг транспорт воситалари (Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучларининг хўжалик фаолиятини таъминлаш учун фойдаланиладиган автобуслар, енгил автомобиллар, бошқа транспорт воситалари бундан мустасно), чет давлатларда рўйхатдан ўтказилган транспорт воситалари, агар улар эгаларининг фуқаролик жавобгарлиги Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қиладиган халқаро мажбурий суғурта тизимлари доирасида суғурта қилинган бўлса, шунингдек эгаларининг фуқаролик жавобгарлиги қонунга мувофиқ бошқа шахс томонидан суғурта қилинган транспорт воситалари бўлса улар суғурта шартномаси предмети бўлмаслиги белгиланди.

Бундан ташқари агар мажбурий суғурта бўйича суғурта полисида кўрсатилмаган транспорт воситасидан фойдаланишда зарар етказилса, маънавий зарар, бой берилган фойданинг ўрнини қоплаш бўйича мажбурият юзага келса, транспорт воситасидан махсус ажратилган жойларда мусобақалар, синовлар ёки ўқув ҳайдовчи давомида фойдаланишда зарар етказилганса, атроф муҳит ифлослакса, ташилаётган юк таъсирида зарар етказилса, ходимлар хизмат ёки меҳнат мажбуриятларини бажараётганида уларнинг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказилса, ходимга зарар етказилганлиги тўғрисида келиб чиққан зарарнинг ўрнини иш берувчи томонидан қоплаш бўйича мажбурият юкланса, ҳайдовчининг ўзи бошқараётган транспорт воситасига ва унинг тиркамасига, уларда ташилаётган юкка ва (ёки) уларга ўрнатилган асбоб-ускуналарга зарар етказилса, юкни ортиш ёки туширишда, шунингдек транспорт воситаси мазкур транспорт воситасининг эгаси бўлган корхона, муассаса ёки ташкилот ҳудудида ҳаракатланганида зарар етказилса, нодир ва бошқа ноёб буюмлар, меъморий ёдгорликлар, қимматбаҳо ва ярим қимматбаҳо тошлар ва металллардан ишланган буюмларга, диний қадриятга эга буюмлар, санъат асарлари, қўлёзмалар, ноёб аудиовизуал асарларга ҳамда интеллектуал фаолиятнинг бошқа маҳсулларига, қимматли қўғозлар, нақд

пулларга, шу жумладан чет эл валютасига чиқаст етказилса ёки йўқ қилинса, жабрланувчиларнинг сугурта ходисаси юзага келишига қаратилган қасддан қилган хатти-ҳаракатлари натижасида зарар етказилса бундай зарарларни қоплашда бу сугурта ходисаси сифатида баҳоланмайди ҳамда етказилган зарарнинг ўрни улар томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ қопланиши керак бўлади.

Демак юқоридагилардан келиб чиқиб шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини сугурта орқали қоплаш мақсадида мажбурий сугурта шартномасининг тузиш энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Бу ҳам хайдовчига ҳам жабрланувчига фойда эканлигини фуқаролар англаб этишлари лозим.

**ТДЮИ катта ўқитувчиси
ю.ф.н. Баҳром Топилдиев**

Мол-мулкни ишончли бошқаришни шартнома асосида вужудга келиши.

Мол-мулкни ишончли бошқариш Ўзбекистон Республикаси фуқаролик ҳуқуқидаги нисбатан янги шартнома ҳисобланади. Зеро, 1963 йилги Гражданлик кодексида айнан мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси белгиланмаган. Гарчи, собиқ Иттифоқ даврида мол-мулкни ишончли бошқариш муносабатларига ўхшаш ҳолатлар⁷⁷ фуқаролик қонунчилиги билан тартибга солинсада, хусусий мулкчиликнинг мавжуд эмаслиги ва йирик мулкдорлар синфининг шаклланмаганлиги сабабли мол-мулкни ишончли бошқариш муносабатлари мавжуд бўлмаган ва ушбу муносабатларни вужудга келтирувчи шартномага ҳам эҳтиёж сезилмаган.

Хусусий мулкчиликка кенг эътибор қаратилиши ва хусусий мулкдорлар синфининг шакллана бориши фуқаролик ҳуқуқидаги бошқа шартномалар (рента, франшизинг ва шу қабила) каби мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасининг вужудга келишига ҳам сабаб бўлди. Эндиликда мулкни бошқариш, ундан фойдаланиш ва унга эгалик қилишнинг бошқа фуқаролик-ҳуқуқий шартномалари (ижара, ссуда, рента, омонат, оператив бошқариш, хўжалик юритиш ва шу қабила) билан бирга, мол-мулкни ишончли бошқариш ҳам фуқаролик ҳуқуқи субъектларига ўз мулкий ҳуқуқларини амалга оширишда кенг имкониятлар берди.

Маълумки, фуқаролик ҳуқуқи ҳуқуқ соҳаси сифатида субъектларга кенг эркинлик берилганлиги, хусусий ишларга ўзбошимчилик билан аралашшига йўл қўйилмаслиги, диспозитив йўналтирилганлик⁷⁸, товарлар, хизматлар ва

⁷⁷ Масалан, бедарак йўқолган фуқаронинг мол-мулкни бошқариш, вояга етмаган, муомалага лаёқатсиз шахсларнинг мол-мулкни бошқариш ва шу қабила.

⁷⁸ Зокиров И. Фуқаролик ҳуқуқининг асосий тамойиллари ҳақида // Фуқаролик қонунчилигининг ривожланиши ва муаммолари мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари тўплами. - Тошкент: ТДЮИ, 2005. - 252 б.; Мухаммадиев А.А. Бозор муносабатлари шароитида фуқаролик ҳуқуқи тамойилларининг амал қилиши // Юрид. фан. ном. дисс. ... Автореф. - Тошкент: 2006. - 11-12 б.

молиявий маблағларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида эркин ҳаракатда бўлиши⁷⁹ каби тамойилларга асосланади ва субъектларга ўзларига тегишли мол-мулкни бошқариш, ундан фойдаланишда ўз хоҳиш ва эркинликларидан келиб чиқиб ҳаракатланиш⁸⁰ ҳуқуқини таъминлайди. Шу маънода мол-мулкни ишончли бошқаришга топшириш ҳам мулкдор ёки ваколатли давлат органи ёхуд мулкдор вакил қилган шахснинг хоҳиш-иродаси асосида мулкни учинчи бир шахсга бошқариш, яъни мол-мулкдан тижорат муомаласида фойдаланган ҳолда даромад олишни назарда тутди.

ФКнинг 849-моддасига мувофиқ, мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси бўйича бир тараф (бошқарувнинг муассиси) иккинчи тарафга (ишончли бошқарувчига) мол-мулкни муайян муддатга ишончли бошқарувга топширади, иккинчи тараф эса ушбу мол-мулкни бошқарувнинг муассиси ёки у кўрсатган шахс (фойда олувчи) манфаатларини кўзлаб бошқариш мажбуриятини олади.

Шартнома таърифидан кўриниб турибдики, унда бир тараф (ишончли бошқарувчи) иккинчи тараф (муассис) га “бошқариш” хизматини кўрсатади. Zero, хизмат кўрсатиш ҳам фуқаролик ҳуқуқининг ўзига хос объекти сифатида⁸¹ шартнома предметини ташкил этади.

Муассис ва ишончли бошқарувчи ўртасида тузиладиган мазкур шартноманинг асосий мақсади сифатида мол-мулкни бошқариш, яъни мол-мулкни фуқаролик муомаласида бўлишини таъминлаш орқали ундан фойда кўришни таъминлаш ҳисобланади ва буни амалга ошириш мажбурияти ишончли бошқарувчи зиммасида бўлади.

Фуқаролик ҳуқуқи назариясида мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси орқали ўзига хос хизмат кўрсатиш амалга оширилиши таъкидланса-да, мазкур шартноманинг ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш муносабатларига ёки умумий маънода ашёвий шаклда бўлган хизматлар жумласига кириши ҳусусида турли фикрлар мавжуд. Масалан, В.В.Витрянский ва Е.А.Сухановларнинг фикрига кўра, мол-мулкни ишончли бошқаришга оид муносабатлар ўзининг тайинланиш мақсадига кўра, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш мажбуриятларига хосдир. Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси топширик, воситачилик ва агентлик шартномалари билан баъзи ўхшашликларга эга бўлишига қарамадан, юридик хизмат кўрсатиш шартномалари гуруҳига кирмайди, аксинча, бу шартнома фуқаролик-ҳуқуқий шартномаларининг мустақил тури бўлиб, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш мажбуриятларини ифода этади⁸².

⁷⁹ Ахмаджонов Б. Товарлар, хизматлар ва молиявий маблағларнинг эркин ҳаракатда бўлиши тамойили //Фуқаролик қонуночилигининг ривожланиши ва муаммолари мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари тўплами.-Тошкент: ТДҲИ, 2005.-265 б.

⁸⁰ Раҳмонов Х. ва бошқалар. Ҳусусий мулк объектларининг ҳуқуқий мақоми.-Тошкент:2007.-26-27 б.

⁸¹ Сандгазиева Н.Ш. Аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасида истеъмолчиларнинг ҳуқуқий ҳимоя қилиш.-Тошкент:ТДҲИ, 2005.-19 б.; Дўстов У.Н. Туризм хизматининг ҳуқуқий тартибга солиниши.-Тошкент:ТДҲИ, 2004.-14 б.

⁸² Витрянский В.В. Обязательства по доверительному управлению имуществом: существо и характерные признаки //Хозяйство и право. - Москва. 2001.-№10.-С.35.; Гражданское право.Учебник.В2-к т.Т.П. Полутом 2/Отв.ред. Е.А.Суханов.-М.2000.-118 с.

Ю.В.Романец эса, мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси хизмат кўрсатишга оид бошқа шартномалардан ўзига хос хусусиятлари билан фарқ қилишини таъкидлаб, ушбу муносабатни тавсифловчи хусусиятлар бунда ишончли бошқарувчи муайян мол-мулкка нисбатан мулкдорнинг ҳуқуқларини амалга ошириш бўйича хизмат кўрсатишини айтиб ўтади⁸³.

Л.Ю.Михеева мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасининг предметини ишончли бошқарувчининг муайян ашёни мустақил яратиш ёки қайта ишлашга қаратилмаган амалий ва юридик ҳаракатлари ташкил этишини эътироф этиб, фуқаролик ҳуқуқи объектлари нуктан-назаридан бу ҳаракатларни хизмат деб ҳисоблаш мумкинлигини қайд этади⁸⁴.

Фикримизча, бу ўринда Е.А.Суханов ва В.В.Витрянскийнинг фикрлари асосли ҳисобланади. Дарҳақиқат, мол-мулкни ишончли бошқариш юзасидан амалга ошириладиган амалий ва юридик ҳаракатларни ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш мажбуриятларига ҳослигини кўриш мумкин. Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасида ҳам ишончли бошқарувчи ўзига хос ашёвий шаклда бўлмаган хизматларни кўрсатади. Яъни, ишончли бошқарувчи томонидан амалга ошириладиган ҳаракатлар натижаси ашёвий шакл ҳосил қилмайди. Зеро, мол-мулкка эгаллик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ўзига хос ашёвий шаклда бўлмаган ҳаракатлар орқали амалга оширилишини ҳисобга олсак, хизматнинг бу турини ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш мажбуриятларига киритиш мумкин бўлади.

Ҳуқуқий адабиётларда таъкидланишича, мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси реал шартномалар жумласига киради⁸⁵. Зеро, мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси тарафлар ўзаро келишувга эришган пайтдан бошлаб эмас, балки мол-мулк ишончли бошқарувчига топширилган пайтдан бошлаб тузилган ҳисобланади ва шу пайтдан бошлаб тарафларда ҳуқуқ ва мажбуриятлар вужудга келади.

Фуқаролик ҳуқуқида мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасини текинга ёки ҳақ эвазига тузиладиган шартномалар жумласига кириши масаласида яқдил фикр мавжуд эмаслигини таъкидлаб ўтиш лозим. Баъзи муаллифлар (Е.А.Суханов, В.А.Дозорцев, В.В.Витрянский) бу шартномани ҳақ эвазига тузиладиган шартнома ҳисобланишини эътироф этишса⁸⁶, бошқа гуруҳ муаллифлар (Н.Д.Егоров, Д.В.Петелин) бу шартномани текинга ва ҳақ эвазига тузиладиган шартномалар жумласига киритишади⁸⁷.

Фикримизча, бу ўринда иккинчи гуруҳ муаллифларининг фикрлари асослидир. Зеро, мазкур шартномада белгиланишича, ишончли бошқарувчи

⁸³ Романец Ю.В. Система договоров в гражданском праве России.-М.:2001.-432 с.

⁸⁴ Михеева Л.Ю. Доверительное управление имуществом // Под ред В.М.Черного.-М.:1999.-71 с.

⁸⁵ Гражданское право. Т.2./Под ред. А.П.Сергеева, Ю.К.Толстого.-М.: Проспект, 1997.-683 с.

⁸⁶ Суханов Е.А. Посредственные и кредитно-финансовые сделки в Гражданском кодексе РФ.-М.:1996.-С.29; Дозорцев В.А. Доверительное управление имуществом (глава 53). - В кн. Гражданский кодекс Российской Федерации. Часть вторая Текст, комментарии, алфавитно-предметный указатель./Под ред. О.М.Козырьк, А.Л.Маковского. С.А.Хохлова.-М.:1996.-548 с.; Витрянский В.В. Обязательства по доверительному управлению имуществом: существо и характерные признаки.//Хозяйство и право. - Москва. 2001.-№10.-С.34.

⁸⁷ Гражданское право. Т.2./Под ред. А.П.Сергеева, Ю.К.Толстого.-М.: Проспект, 1997.-683 с.; Петелин Д.В. Правовая природа договора доверительного управления имуществом.//Юрист. - Москва. 2005.-№2.-С.26.

мол-мулкни бошқариш бўйича амалга оширган амалий ва юридик ҳаракатлари учун ҳақ эмас, балки олинган фойда ҳисобидан, тарафлар олдиндан келишилган миқдордаги мукофотни олади. Агар ишончли бошқарувчи фойда олмаса, унга бундай мукофот тўланмайди. Бу ҳолат эса шартноманинг текинга тузилишидан далолат беради. Шу муносабат билан мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасини ҳақ эвазига ва текинга тузиладиган шартномалар жумласига киритиш мумкин⁸⁸.

Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасининг бир томонлама ёки икки томонлама шартномалар жумласига кириши масаласи хусусида ҳам фуқаролик ҳуқуқи фанида яқдил фикрлар мавжуд эмас. Бунда ҳам шартноманинг бир томонлама ёки икки томонламалиги унинг текинга ва ҳақ эвазига тузилганлигидан келиб чиқилиши баъзи муаллифлар эътироф этишса⁸⁹, айрим муаллифлар қатъий позицияда мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси ҳар доим ҳақ эвазига тузиладиган шартнома, шунинг учун ҳам бу шартнома ҳар доим икки томонлама шартномадир, деган хулосага келишади⁹⁰.

Мазкур вазиятда биз биринчи гуруҳ муаллифлари фикрларига қўшилган ҳолатда, мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасида ҳақ тўлаш лозимлиги белгиланганда муассисда ҳам мажбурият вужудга келиши, акс ҳолда эса, муассисда фақат талаб қилиш ҳуқуқи мавжуд бўлиши ва бу ҳолат шартноманинг бир томонламалигидан далолат беришини таъкидлаймиз.

ФКнинг 854-моддасига мувофиқ, мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси ёзма шаклда тузилади. Бунда битимнинг одатдаги ёзма шаклига амал қилинади⁹¹.

Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасининг субъектлари донраси ФКнинг 852-моддасида кўрсатиб ўтилган бўлиб, унга кўра, қуйидагилар мол-мулкни ишончли бошқариш муассислари бўлади:

- мол-мулкнинг эгаси;
- ер участкасига марос қилиб қолдириландиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқига эга бўлган шахс;
- ваколатли давлат органи – давлат мулки бўлган мол-мулкка нисбатан;
- мол-мулкка хўжалик юритуви ҳуқуқи асосида эгалик қиладиган корхона – мулкдорнинг руҳсати билан;
- қонунда назарда тутилган ҳолларда – нотариус, васийлик ва ҳомийлик органи, суд ёки бошқа ваколатли орган.

⁸⁸ Раҳмоновулов Ҳ.Р. Мажбурият ҳуқуқи.-Тошкент:ТДҲОИ, 2005.-245 б.

⁸⁹ Гражданское право. Т.2./Под ред. А.П.Сергеева, Ю.К.Толстого.-М.: Проспект, 1997.-683 с.; Петелин Д.В. Правовая природа договора доверительного управления имуществом//Юрист. - Москва, 2005 -№2.-С.26.

⁹⁰ Сулайов Е.А. Посреднические и кредитно-финансовые сделки в Гражданском кодексе РФ.-М.:1996.-С.29.; Дозорцев В.А. Доверительное управление имуществом (глава 53) – В кн.:Гражданский кодекс Российской Федерации. Часть вторая. Текст, комментарии, алфавитно-предметный указатель./Под ред. О.М.Козырь, А.Л.Маковского, С.А.Хохлова.-М.:1996.-348 с.; Витрянский В.В. Обязательства по доверительному управлению имуществом: сущность и характерные признаки//Хозяйство и право - Москва, 2001.-№10.-С.34.

⁹¹ Рахимов И.Т. Бозор иқтисодиёти шароитида битимлар, уларнинг мохияти, турлари, шакллари ва расмийлаштириш тартиби. Юрид.фак.иош...лик.автор.эф.-Тошкент, 2001.-16 б.

Фуқаролар ишончли бошқарувчи сифатида мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасида иштирок этишлари учун улар муомала лаёқатига эга бўлишлари лозим⁹². Муомала лаёқатига эга бўлган ва муассис томонидан ишонч билдирилган ҳар қандай фуқаро ишончли бошқарувчи бўлиши мумкин.

Юридик шахслар мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасида ишончли бошқарувчи сифатида ҳаракат қилишлари учун уларнинг устав фаолиятида бу турдаги хизмат кўрсатиш кўзда тутилган бўлиши лозим⁹³. Бозор иқтисодиёти шароитида юридик шахсларнинг универсал ҳуқуқ ва муомала лаёқатига эга бўлиб боришини⁹⁴ ҳисобга олиб хўжалик юритиш шаклидан қатъий назар, ҳар қандай юридик шахс ишончли бошқарувчи бўлиши мумкин, деган хулосага келиш мумкин.

Т.М.Туребековнинг фикрига кўра, жамоат бирлашмаларининг тадбиркорлик фаолияти доираси кенг бўлиб, улар уставларида белгиланган вазифаларни бажариш ва молиявий эҳтиёждан келиб чиқиб, кенг қамровли фаолият олиб боришлари мумкин⁹⁵. Шу маънода айтиш мумкинки, жамоат бирлашмалари ҳам бошқа юридик шахслар каби ишончли бошқарувчи бўлишлари мумкин.

Таъкидлаш лозимки, мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси ихтиёрий асосларда вужудга келганда ишончли бошқарувчининг ким бўлишига нисбатан қонун ҳеч қандай чеклашларни белгиламанса-да, мажбурий тартибда мол-мулкни ишончли бошқариш вужудга келганда ишончли бошқарувчи сифатида тадбиркорлик фаолияти субъекти ҳисобланмайдиган фуқаролар ва нотижорат юридик шахслари (давлат муассасаларидан ташқари) эътироф этиладилар. Ишончли бошқариш васиятнома асосида вужудга келганда ишончли бошқарувчи тадбиркор бўлмаган фуқаро ҳисобланади.

Фойда олувчи бўлиб эса, ҳар қандай шахс: фуқаро, тадбиркорлик фаолияти субъекти бўлган фуқаро, тижоратчи ва нотижоратчи юридик шахслар, давлат мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасида иштирок этиши мумкин. Фақатгина шартномада ишончли бошқарувчи бўлган шахс фойда олувчи бўлиши мумкин эмаслиги ФКнинг 852-моддаси 2-қисмида белгиланган.

Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасида муассиснинг хоҳиш – иродасидан келиб чиқиб, фойда олувчи бир ёки бир неча шахслар бўлиши мумкин. Масалан, васиятнома асосида тайинланган ишончли бошқаришда васиятномада кўзда тутилган барча меросхўрлар фойда олувчилар

⁹² Матқурбанов Р.Ж. Проблемы правоспособности граждан (физических лиц) по гражданскому праву. Автореф. дис. ... к.ю.н. - Тошкент: 2004. - 10 с.

⁹³ Топилдас В.Р. Юридик шахсларни ташкил этиш бўйича таъяс шартномаларининг назарий ва амалий муаммолари. Юрид.фан номз.дисс... Автореф. - Тошкент: 2005. - 9 с.

⁹⁴ Юлдашев Ж.И. Ақридорлик жамиятлари – фуқаролик ҳуқуқининг субъекти сифатида. - Тошкент: ГДОН. 2004. - 32 б.

⁹⁵ Туребеков Т.М. Ответственные объединения как субъекты гражданского права. Автореф. дис. ... к.ю.н. - Тошкент: 2004. - 18-19 с.

ҳисобланади. Уларнинг улушларини тақсимлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Умумий қондага кўра, ишончли бошқарувчи мол-мулкни ишончли бошқариш юзасидан амалий ва юридик ҳаракатларни шахсан амалга ошириши лозим. Бироқ, ишончли бошқарувчи мол-мулкни бошқариш юзасидан у ёки бу ҳаракатни амалга оширишни учинчи шахсга топшириши мумкин. Бунда учинчи шахс шартномадаги хатти-ҳаракатлари учун ишончли бошқарувчининг ўзи жавобгар ҳисобланади. Бу ҳолатда шартномада иштирок этувчи субъектлар жумласига учинчи шахс, яъни ишончли бошқарувчининг вакилини ҳам киритиш мумкин. Ишончли бошқарувчи ва унинг вакили ўртасидаги муносабатлар топшириқ шартномаси асосида тартибга солинади.

Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасининг объектлари, одатда, фуқаролик муомаласидан чиқарилмаган объектлар ҳисобланади⁹⁶.

Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасининг муҳим шартлари сифатида одатдаги шартномалар учун хос бўлган шартлар билан бирга, ФКнинг 853-моддасида куйидаги шартлар ҳам кўрсатиб ўтилади:

- шартнома бўйича ишончли бошқаришга бериладиган мол-мулк рўйхати;

- фойда олувчи тўғрисидаги кўрсатма;

- ишончли бошқарувчининг ҳисоботлар тақдим этиш муддатлари;

- ишончли бошқариш бекор қилинган тақдирда мол-мулкни оладиган шахс;

- агар ҳақ тўлаш шартномада назарда тутилган бўлса, ишончли бошқарувчига тўланадиган ҳақнинг миқдори ва шакли.

Шартнома бўйича ишончли бошқаришга бериладиган мол-мулк рўйхати ишончли бошқариш муассиси томонидан тузилади ва шартнома имзолангач, мол-мулк билан бирга ишончли бошқарувчига топширилади. Ишончли бошқарувчи мазкур рўйхатни топширлаётган мол-мулк билан солиштириб кўрган ҳолда қабул қилади ва бу рўйхат тарафлар томонидан имзоланади.

Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси узоқ муддатга тузиладиган шартномалар жумласига киради. Шартноманинг энг кўп амал қилиш муддати беш йил. Бироқ, ишончли бошқаришга топшириладиган айрим турдаги мол-мулклар учун қонунда шартнома амал қилишининг бошқа энг кўп муддатлари белгилаб қўйилиши мумкин. Шартноманинг амал қилиш муддати тамом бўлганида тарафлардан бирининг шартномани бекор қилиш тўғрисидаги аризаси бўлмаса, шартнома унда назарда тутилган муддатга ва шартлар асосида узайтирилган деб ҳисобланади.

⁹⁶ Гулямов С. Теоретические и практические аспекты правовой классификации материальных благ // Узбекистон қонунчилиги таҳлили. - Тошкент, 2006. - №2. - 5.9-17.

ЭКОЛОГИК ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР УЧУН ФУҚАРОВИЙ-ХУҚУҚИЙ ЖАВОБГАРЛИК

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонунда: “Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ўз саломатлиги ва келажак авлоднинг саломатлиги учун қулай табиий муҳитда яшаш, ўз саломатлигини атроф-муҳитнинг зарарли таъсиридан муҳофаза қилиш ҳуқуқига эга. Ўзбекистон Республикаси аҳолиси табиий ресурслардан оқилона фойдаланиши, табиат бойлиқларига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиши, экология талабаларига риоя этиши шарт”,- деб таъкидланган (12-модда).

Қўрииб турибдики, бозор иқтисодиёти шароитида экологик қонун ва талабларни бузганлик учун фуқаролик - ҳуқуқий жавобгарликнинг қўлланилиши муҳим аҳамият касб этади.

Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик экология соҳасида содир этилган ҳуқуқбузарликлар натижасида етказилган иқтисодий, мулкӣ, экологик зарар учун қўлланилади. Ушбу жавобгарликка тортишдан мақсад экологик қонун талабларини бузганлик оқибатида етказилган зарарни ўз вақтида қоплашдан иборатдир.

Қонун талаби ва амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарликнинг келиб чиқиши учун қуйидаги шартлар бўлиши лозим.

-етказилган иқтисодий, экологик ва мулкӣ зарарни мавжудлиги;
-экологик ва аграр қонун ҳамда ҳуқуқий нормаларни бузганлик учун айбнинг мавжудлиги;

-содир этилган ижтимоий ҳаракат ва ҳаракатсизликнинг қонунга ҳилофлиги;

-экологик ва иқтисодий зарар охириги зарурат ва зарурий мудофаа туфайли етказилган бўлса, суд ушбу ҳолат юзасидан жазо чорасини белгилашидир.

Табиат бойлиқларидан ногўғри фойдаланганлик учун содир этилган экологик ҳуқуқбузарликларнинг субъекти бўлиб, барча юридик ва жисмоний шахслар, тadbirkorлар, жамоат ташкилотлари, хусусий корхоналар ва бошқалар ҳисобланади.

Ушбу соҳада содир этилган ҳуқуқбузарликнинг субъектив томони эса қасдан ёки эҳтиётсизликдан содир этилган айб оқибатида етказилган мулкӣ зарар, яъни айбнинг мавжудлигидир.

Экологик қонун талабаларини бузганлик оқибатида содир этилган экологик ҳуқуқбузарликнинг объекти бўлиб субъект томонидан ишлаб чиқариш ва хўжалик юрйтиш фаолияти билан боғлиқ бўлган маълум фаолиятнинг бузилиши, яъни субъектларга етказилган экологик, иқтисодий (генетик) ва мулкӣ зарар ҳамда тузилган шартномавий муносабат шартларини бажармаслик билан боғлиқ бўлади. Масалан, қишлоқ хўжалик

тизимда ирригация, мелиорация тизимининг бузилиши. Суғориш қондалари ва рекултивация талабларининг бузилиши, сувдан оқилонга фойдаланиш қонда ва талабларига риоя қилмаслик. Шартномадаги ҳуқуқ ва мажбуриятларни ўз вақтида бажармаслик ва бошқа ҳолатлар.

Объектив томони эса, ҳуқуққа қарши хатти-ҳаракат ёки ҳаркатсизлик оқибатида субъект томонидан ҳуқуқий муносабатнинг бузилиши ва белгиланган фуқаролик кодекси талаблари ва экологик қонунларга ҳамда бошқа ҳуқуқий нормаларга амал қилмаслик тушунилади. Чунончи, мазкур турдаги ҳуқуқбузарликлар бўйича фуқаролик-ҳуқуқий (мулкий) жавобгарликка тортишдан мақсад-табiiй объектларга етказилган зарарни қоплашдан иборат бўлиб, унинг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ҳамда бошқа экологик қонунларда мустақкамланган. Фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарлик қуйидаги содир этилган.

(мулкий) ҳуқуқбузарликлар учун белгиланиши мумкин:

а) табиатдан фойдаланувчилар (субъектлар) томонидан табиий бойликлардан фойдаланиш ҳуқуқ ва мажбуриятларининг белгиланган тартибда ўз вақтида бажарилмаслиги;

б) табиат бойликларидан фойдаланиш тартибини бузиш оқибатида иқтисодий, мулкий ва экологик зарар етказиш;

в) ўрмон ва кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида нобудгарчиликка йўл қўйиш, экологик талабларни бузиш ҳамда меҳнат интизоми ва тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига шартнома шартларига риоя қилиш қилмаслик оқибатида атроф табиий муҳитига ошқоча чиқинди чиқариш ва экологик зарар етказиш;

д) субъектлар томонидан тегишли қонуний битим, шартнома ва мажбуриятларни ўз вақтида бажармаслик ва ҳоказо.

Табиат бойликларидан фойдаланиш талабларини бузганлик учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлиқнинг характерида тарафи шундаки, объектнинг экологик соҳада маъмурий ва жинсий жавобгарликка тортилиши, уни етказилган зарарни ўз вақтида тўлаши ёки қоплаши мажбуриятдан озод этмайди.

Масалан, Юқоричирчиқ туманидаги “Оқ-қуш” фермер хўжалигида чигит экилиши режалаштирилган 2 гектарга пиёз экилганлиги оқибатида давлат газнасига 2,1 млн.сўм миқдорда зиён етказилганлиги учун туман прокуратураси томонидан хўжалик раҳбари С.Арзуманянга ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилди.

Ёки Бўка туманидаги “Зафар” фермер хўжалиги раҳбари М.Назиров “Бўка туман пахта тозалаш заводи” ОАЖ билан 23,2 гектарга пахта экиш ва 48,7 тонна пахта ҳам ашёси топшириш ҳақида шартнома тузган. Лекин у шартнома да кўрсатилган ернинг 7,7 гектарига чигит ўрнига макккажўхори ва шолн экиб, 16,1 тонна пахта ҳам ашёсини етиштириш имконини йўққа чиқаради. Натижада давлатга 4 млн.926,6 минг сўмлик зарар етказилганлиги аниқланди.

Зеро юридик ва жисмоний шахсларга етказилган зарарни аниқлаб, уни қоплаш ва тўлатиш Ўзбекистон Республикасида суд ва ҳўжалик судларининг қонуний ваколатига киреди.

Кўриниб турибдики, табиат бойликларидан фойдаланиш жараёнида фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг қўлланилиши-давлат манфаатини, юридик ва жисмоний шахслар, мулк эгаси ва уларга етказилган моддий, маънавий ва экологик зарарни қоплаш ҳамда экологик ва аграр қонун талабларини бажарилишига қаратилгандир. Демак, кўпгина ҳолатлар шуни кўрсатмоқдаки, табиат бойликларидан фойдаланиш соҳасида фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик қуйидаги формаларда намоён бўлади:

Биринчидан, ер, сув, ер ости бойликлари, ўрмон, ўсимлик ва ҳайвонот дунёларни умуммиллий бойлик бўлиб, ушбу объектлар олди-соотди, ҳаё қилиш, гаровга қўйиш, айирбошлашга рухсат этилмайди, фақат қонунда кўрсатилган ҳолатлардан ташқари.

Қонун асосида қилинаётган бошқа ҳаракатлар Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид келиши керак эмас ва ҳар қандай тузилган битимлар Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексининг 113-128-моддалари талабларига мос келиши лозим.

Иккинчидан, барча юридик ва жисмоний шахслар табиат бойликларидан фойдаланишларида, ўз ҳуқуқларини ҳимоялаш билан бирга, ўзлари ва бошқа субъектлар томонидан етказилган экологик, моддий, маънавий зарарларни қоплашлари ва тўлашлари ҳам шарт бўлади. Мазкур ҳолат фуқаролик кодексининг 324-339 моддалари талабидан келиб чиқади.

Масалан, деҳқон, фермер ҳўжаликлари, қишлоқ ҳўжалик кооперативлари (ширкатлари) ва бошқа корхона, муассаса, ташкилотлар, тадбиркорлар ишлаб чиқариш жараёнида чиқарган зарарли чиқитлари билан қишлоқ ҳўжалиги экинларини ҳосилдорлигини, тупроқни ва сувни ифлослантириб уларни сифатини пасайтириши ёки ишлаб чиқарилган маҳсулотни сифатини бузишлари мумкин.

Учинчидан, табиат бойликларидан фойдаланиш ва табиатни муҳофаза қилиш қонун талабларини бузганлик оқибатида етказилган зарарни тиклаш, тўлаш, қоплаш ва ҳоказо.

Мазкур ҳолатлар Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексининг 86-88-моддаларида, “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонуннинг 117-118-моддаларида, “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 25-моддасида, “Ер ости бойликлари тўғрисида”ги Қонуннинг 47-50 моддаларида ва бошқа экологик қонунларда аниқ кўрсатилган.

Умуман олганда, амалдаги қонун талаблари ҳамда амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, экологик қонун ва талабларни бузганлик учун ҳуқуқбузарликлар қуйидаги кўринишларда бўлиши мумкин ва уларни содир этганлик учун жавобгарлик белгиланади:

1) Табиат бойликларидан фойдаланиш ҳуқуқи ва мажбуриятларини бажармаслик;

2) Қишлоқ хўжалиги, ўрмон хўжалиги ва бошқа ишлаб чиқариш жараёнида нобудгарчилик йўл қўйилган, оқибатида етказилган зарарлар учун;

3) Табиат бойликлари, жумладан, ер ,сув,ер ости бойликлари, ҳаво, ўрмон, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш тартибини бузганлик оқибатида;

4) Ишлаб чиқариш жараёнида меҳнат интизомини (меҳнат қонучилигини) бузганлик оқибатида етказилган моддий, маънавий ва экологик зарар учун;

5) Қишлоқ хўжалигида экинлар экилган майдонни пайхон қилиш, ўзбошимчилик билан ўриш, йиғиб-териб олиш, паст сифатли шудгорлаш, тупроқ унумдорлигини пасайишига сабаб бўлиш натижасида;

6) Шартнома ва шарномавий муносабатларни ҳамда мажбуриятларни бузганлик ҳамда бажармаганлик оқибатида етказилган экологик зарарлар учун;

7) Санитария ва ветеринария қонун ва талабларини бузиш оқибатида етказилган генетик, экологик ва иқтисодий зарар учун ва бошқалар.

Кўриниб турибдики, экологик қонун ва талабларини бузганлик учун фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарлик тури анча кенг соҳани ўзида қамраб, асосан етказилган зарарни Фуқаролик кодексининг 14-моддаси талабаларига кўра, тўлаш, қайтаришдан иборат бўлади.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш жонзки, барча экологик қонунларни таҳлили ва фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарликка тортиш ҳолатлари экология соҳасидаги қонун ва талабларни ўз вақтида беками-кўст амалга оширишни, унга амал қилишни таъминлайди ҳамда табиат бойликларига нисбатан ўз конституцион бурчини садоқат билан амалга оширишни талаб этади.

Воҳидов А.

2-курс магистранти

ЭКОЛОГИК ХАВФСИЗЛИК: ЭКОЛОГИК-ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Ҳозирги пайтда дунёнинг қайси бир минтақасига қарамайлик, инсон ҳаёти учун катта хавф туғдираётган экологик вазиятни бартараф қилишдек огир муаммолар ўз ечямини кутиб турганлигига гувоҳ бўламиз.

Инсоният XXI асрга қадам қўяр экан, унинг олдида оламни асраш, келажак авлодни барқарорлигини таъминлаш, турли экологик муаммоларни олдини олишдек долзарб масала кўндаланг турибдики, бу ҳеч кимни ташвишга солмай қолмайди.

Кўриниб турибдики, барча экологик муаммолар инсон билан табиат ўртасидаги уйғунлик ва мувозанатки бузилиши оқибатида вужудга келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов таъкидлаганидек: "Экология ҳозирги замоннинг кенг миқёсидаги кескин ижтимоий муаммоларидап биридир. Уни ҳал этиш барча халқларнинг манфаатларига

мос бўлиб, цивилизациянинг ҳозирги хуни ва келажаги кўп жихатдан ана шу муаммонинг ҳал қилинишига боғлиқдир”.

Зеро Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг “Минг йиллик саммити” да сўзлаган нутқларида Марказий Осиё жумладан, Ўзбекистондаги экологик муаммоларга алоҳида эътиборни қаратди.

Президентимиз И.А. Каримов таъкидлаганидек: “Минтақавий муаммолар мажмуига эътибор қаратилар экан, экологик хавфсизлик ва атроф-муҳит масалаларини четлаб ўтиш мумкин эмас... Орол муаммоси Марказий Осиё худуди доирасидан чиқиб кетди ва жаҳоншумул аҳамият касб этмоқда. Унинг салбий оқибатларини бугунги кунда аҳоли саломатлиги ва бўлгуси авлод генофондига таъсирида кўриш мумкин”.

Республикамизда табиатни муҳофаза қилиш ва экологик мувозанатни сақлаш соҳасида жумладан, ер, сув, ер ости бойликлари, ўрмон, ҳаво, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, ҳамда наботот шифобахш ўсимликлардан фойдаланишда жиддий камчиликлар мавжуд. Комил ишонч билан айтиш мумкинки, табиат-биосферани сақлаб қолиш ва уни ўзгартириш кўп жихатдан инсон фаолияти, айниқса экологик ҳуқуқий саводхонлик, экологик ҳуқуқий таълим ва тарбияга боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури тўғрисида” ги қарори ва Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида” ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 29 май № 235- сонли “Жамиятда ҳуқуқий маданиятини юксалтириш миллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори ҳам бозор иқтисодиёти шароитида ҳуқуқий-экологик таълим ва тарбияга алоҳида эътибор беришни, аҳолини, айниқса ёшларимизни экологик-ҳуқуқий маънавиятни ва маданиятини, савиясини оширишни замон талаби, дунё стандарти даражасига етказишни тақозо этади.

АҚШ, Англия, Германия, Франция, Япония, Швейцария каби хорижий ривожланган мамлакатларнинг тажрибаларига эътибор берадиган бўлсак, уларда биринчи галдаги вазифа сифатида экологик-ҳуқуқий таълим ва тарбияга эътибор берилган.

Табиатни муҳофаза қилиш ва ундан самарали фойдаланиш- экологик хавфсизликни таъминлаш ҳозирги кунда инсоният олдида турган йирик муаммолардандир.

Жамиятда экологик инқироз ва хавф-хатарнинг кескинлашиши шароитида давлат ва ҳуқуқ олдида мавжуд экологик хавфнинг олдини олиш ва бартараф этиш билан боғлиқ муҳим вазифалар туради.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, табиат объектлари фақат халқимиз миллий бойлиги сифатида эътироф этилиб, табиат қонуниятлари устиворлиги тан олинган ҳолда миллий хусусиятларимиз асосида оқилона экологик сиёсат олиб борилиши қатъий белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддасида “Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий

заҳиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир”, деб ёзилган. Бу давлат экологик сиёсатининг асосий йўналишларининг ҳуқуқий асосини белгилайди.

Узоқ йиллар давомида олиб борилган антропоген таъсирлар табиий мажмуа ва экологик тизимларнинг табиий мувозанатин, барқарорлигини издан чиқарди.

Умуман олганда, Ўзбекистон Республикаси экологик сиёсатининг асосий мақсади-кишиларнинг ҳаётий зарур бўлган экологик хавфсизлик муҳитини таъминлаш учун табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан самарали фойдаланиш, яъни табиат билан жамият ўртасидаги иқтисодий-экологик муносабат шаклини қўллашдан иборатдир.

Экологик хавфсизлик деганда кишиларнинг экологик манфаатлари муҳофазасининг даражаси тушунилади. Хавфсизлик даражаси кишиларнинг мусаффо ҳаво, соғлом ва қулай муҳитда яшashi учун керак бўлган табиий омилларнинг сифат ва сон кўрсаткичлари билан ифодаланди.

Инсоннинг ҳам моддий, ҳам маънавий эҳтиёжларини қондиришга қодир асосий манба табиатдир. Шунинг учун ҳам қомил ишонч билан таъқидлаш мумкинки, табиат-биосферани сақлаб қолиш, экологик хавфсизликни таъминлаш ва уни ўзгартириш кўп жиҳатдан инсон фаолияти билан чамбарчас боғлиқ.

Ушбу муаммони ҳал этиш, яъни табиат бойликларидан оқилона фойдаланиш ва уларни ҳуқуқий муҳофаза қилиш, айниқса аҳолининг экологик-ҳуқуқий саводхонлиги, таълим ва тарбия жараёни ҳам катта аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз бозор иқтисодиётига ўтаётган бир даврда барча фуқароларнинг айниқса ёшларнинг экологик-ҳуқуқий таълим ва тарбия давлатимиз сиёсатининг устивор йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов ташаббуси билан қабул қилинган, “Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданият даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш тўғрисидаги”, 1997 йил 25 июндаги ПФ-1791 сонли Фармонлари, ҳамда “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури” катта аҳамиятга эга.

Ҳуқуқий-демократик давлат сари ташланган ҳар бир қадам, ҳар бир фуқаронинг, экологик таълим ва тарбияни олиб бориш ҳамда уни ташкил этишнинг самараси билан ҳам бевосита боғлиқ.

Барча ўқув тизими ва таълим, тарбия жараёни олдига қўйилган янги талаб Олий Мажлиснинг IX-сессиясида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида” Қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” да аниқ кўрсатилди ҳамд бир қатор ижобий ишлар олиб бориламоқда.

Экологик ҳуқуқий таълим ва тарбияни олиб боришнинг асосий хусусияти томони шундаки, унда: биринчидан, экологик таълим ва тарбия

билан, иккинчидан, ҳуқуқий таълим ва тарбияни чамбарчас ажратмаган ҳолда олиб борилади.

Жумладан, Президентимиз И.Каримовнинг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва таракқиёт кафолатлари”, асарида алоҳида 1-боби “Хавфсизликка таҳдид”, -деб номланиб унда алоҳида “Экологик муаммолар” масаласи кўрсатилган. Мазкур китобда экологик хавфсизлик ва экологик муаммоларнинг барча ҳолатлари кўрсатилган.

Экологик ҳуқуқий таълим-тарбияни кучайтириш экологик хавфсизликни таъминлаш учун эса, Олий Мажлис сессияларида қабул қилинган экологик қонуларни тушинтириш билан олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Демак, “Табиатни муҳофаза қилиш”, “Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида”, “Сув ва сувдан фойдаланиш”, “Ер ости бойликлари”, “Экологик экспертиза” тўғрисида, “Чиқиндилар” тўғрисидаги, “Ҳаво (атмосферани) муҳофаза қилиш”, “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш”, “Ўсимликлар дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш”, “Ер кодекси”. “Ўрмон тўғрисида” гиконунларни тушинтириш ва ўргатиш экологик ҳуқуқий таълим тарбияни сифатини ҳамда таъсирини кучайтиришга ёрдам беради.

Демак, мамлакатимиз ўзининг мустақиллигини ва экологик сиёсатини мустаҳкамлаб бораётган бугунги кунда экологик ҳуқуқий таълим ва тарбиянинг куйидаги вазифалари:

биринчидан, мамлакатимизнинг сиёсий ва экологик ҳаётида содир бўлаётган экологик ҳуқуқий жараёнларни таҳлил қилиш ва уни бошқа хорижий мамлакатлар билан таққослаш;

иккинчидан, экологик ҳуқуқий таълим ва тарбия жараёнини барча мактаб, гимназия, лицей, коллежларда, институт ва университет ҳамда академияларда миллий, иқтисодий, сиёсий, экологик ва географик хусусиятлар олинган ҳолда ўқитиш;

учинчидан, мамлакатимизда экологик ҳуқуқий таълим ва тарбия олиб бориш жараёнларини риқожлантиришнинг янги механизмини, замонавий услубни кўрсатиш ва қўллаш ҳамда уни амалга оширишни таъминлаш;

тўртинчидан, барча фуқароларнинг, айниқса, ёшларимизнинг экологик ҳуқуқий маънавиятини, экологик ҳуқуқий онги ва фаолиятини ошириш, зеро уларда мамлакатимиздаги экологик муаммоларни ҳал этишда актив қатнашишларини таъминлаш;

бешинчидан, мамлакатимизда экологик муаммоларни ҳал этишнинг халқаро стандартларига жавоб бера оладиган қулай йўللарни белгилаш;

олтинчидан, Жаҳонда ва минтқамизда содир бўлаётган турли экологик инқироз ва ўзгаришларга сиёсий, ҳуқуқий ва экологик хушёрлик билан қараш ғояларини шакллантириш;

еттинчидан, экологик барқарорлик, миллатлараро тотувлик, экологик зиддиятларни олдини олиш ва тинч-тотув яшашнинг ҳуқуқий меъёрини таъминлаш;

саққизинчидан, хорижий мамлакатлар қаторида муносиб ўрин эгаллайдиган, экологик ҳуқуқий таълим ва тарбияни олиб боришнинг илмий салоҳиятини яратишни ёшларимизнинг онги ва қалбларига сингдириш билан боғлиқ бўлган муаммоларни ҳал этиш лозим.

Ҳуқуқий экологик маданият умумий маданиятнинг таркибий қисми бўлиб, ахлоқий, этик, эстетик, ҳуқуқий ва бошқа ғоявий тарбиявий жараёнларда, иқтисодий экологик асос таъсирида шаклланади.

Ҳуқуқий экологик маданият деганда биз доимо янгилашиб турувчи инсоннинг ҳуқуқий экологик фаолияти ва табиатни ҳуқуқий муҳофаза қилиш тажрибасини тушунамиз.

Юқоридагиларни эътиборга олиб қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

-Экологик хавфсизликни ҳуқуқий таъминлаш асосий вазифамиз эканлигининг мазмун моҳиятини очиб бериш;

-Республикамизда экологик-ҳуқуқий таълим ва тарбияни кучайтириш, ва бу жараёнга жамоат ташкилотларини кенг жалб этиш;

-Экологик хавфсизликни таъминлашда, биринчи навбатда халқаро-ҳуқуқий актларни барча давлатларда бажарилишини таъминлаш;

-Марказий Осиё давлатлари экология қонунчилигини ягона тизим асосида ривожлантирилиши;

-БМТ раҳбарлигида бутун дунёда экологик хавфсизликни таъминлаш бўйича халқаро дастур қабул қилиш;

-Республикамиз юридик ОЎЮларида юрист-эколог мутахассислар тайёрлашни йўлга қўйиш.

Президентимиз 2007 йил якунларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг маърузасида ерлар масаласига ҳам, биринчи навбатда уларнинг мелиоратив аҳолини яхшилаш масаласини устувор вазифа сифатида таъкидлади. Жумладан, ҳозир мамлакатимизда 8 фоиз, яъни салкам 330 минг гектар ер мелиоратив аҳоли қониқарсизлиги сабабли қишлоқ хўжалиги учун яроқсиз бўлиб турибди. Ушбу вазифаларни ҳал қилиш Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган чораларнинг асосийларидан бири ҳисобланиб, уни бажариш алоҳида аҳамият касб этади. Бу билан биз ҳозирги ва келажак авлод учун юрт бойлиги ҳисобланган еримизни яхши ҳолатда сақлаган бўламиз.

МУНДАРИЖА

Сўз боши.....4-5

1. **Топилдиев В.Р.** Нодавлат нотижорат юридик шахсларни ташкил этиш бўйича таъсис шартномаси: назария ва амалиёт.....6-10
2. **Бурданова Л.М.** Некоторые вопросы совершенствования норм семейного законодательства Республики Узбекистан, регулирующих отношения с участием иностранного элемента.....10-13
3. **Худайбердиева Г.** Турдош ҳуқуқларни ҳимоя қилишда фуқаролик-ҳуқуқий воситаларнинг қўлланиши.....13-19
4. **Хонназаров Р.А.** Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини давлат томонидан ҳимоя қилиш масалалари.....19-21
5. **Ибрагимов У.** Хусусий мулк ҳуқуқини ривожлантиришнинг айрим жihatлари.....22-25
6. **Топилдиев В.Р.** Оддий ширкат шартномаси фуқаролик-ташкилий ҳуқуқий муносабат сифатида25-30
7. **Иноятов А.** Товар омборида омонат сақлаш шартномаси тарафларининг мажбуриятлари.....30-32
8. **Халимов Б.** Воситачилик шартномаси тўғрисида айрим мулоҳазалар.....33-36
9. **Машрапов М.** Оддий ширкат шартномасида жавабгарлик масалаларини айрим жihatлари.....36-42
10. **Алиева З.** Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасини фуқаролик ҳуқуқий тартибга солиш масалалари.....42-45
11. **Султонов Б.** Кўп томонлама шартномаларни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишнинг назарий ва амалий муаммолари45-48
12. **Тожибоева Д.** Адабий ва бадиий асарларни муҳофаза қилиш тўғрисидаги 1886 йилдаги Берн конвенцияси қоидаларининг миаллий қонунчиликда қўлланиши.....48-53
13. **Эрназаров Д.** Юридик шахслар бирлашмаларининг фуқаролик ҳуқуқий мақоми.....53-56
14. **Болтаев М.** Мажбурий тиббий сугурта шартномасининг ҳуқуқий асослари.....56-60
15. **Ахунджанова М.Л.** Правовое регулирование обращения ценных бумаг.....60-62
16. **Гуломжонова М.** Давлат таълим муассасаларининг тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш.....63-66
17. **Ёриев У.** Фуқаролик ҳуқуқининг субъекти сифатида жисмоний шахслар.....66-68
18. **Даминов А.** Тадбиркорлик фаолияти ривожланишининг мулкый асослари.....68-71
19. **Пўлатов Ж.** ЮНЕСКО халқаро ҳужжатларида муаллифлик ҳуқуқини муҳофаза қилишга оид нормаларининг моҳияти.....71-75
20. **Бозоров У.** Муаллифлар шахсий ҳуқуқларининг асослари.....75-79

21. Умарова З. Бозор муносабатлари шароитида шартномаларнинг айрим хусусиятлари.....	79-82
22. Ёриев А. Тадбиркорларнинг табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқи тушунчаси ва принциплари.....	82-86
23. Абдушукуров Ф. Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш зарурати.....	86-89
24. Топилдиев Б.Р. Мол-мулкни ишончли бошқаришни шартнома асосида вужудга келиши.....	89-94
25. Хайитов П. Экологик ҳуқуқбузарликлар учун фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарлик.....	95-98
26. Воҳидов А. Экологик хавфсизлик: экологик-ҳуқуқий таълим ва тарбияни такомиллаштириш масалалари.....	98-102